ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

1991 سنه

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

28 ИЮНЬ, № 26 (3130). ЖУМА

Саттор ҚОРАБОЕВ:

ЖИЗЗАХДА «МИР АЛИШЕР БОҒИ»

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан Жиззахда тайёргарлик ишлари қандай бормоқда? Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлимининг масъул котиби Саттор ҚОРАБОЕВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида борди:

— Тўйга тайёргарликни йил бошидан бошлаганмиз. Вилоятда бу анжуманга тайёргарлик ишларини олиб борувчи ва ўтказувчи ташкилий қўмита тузилган. Бу қўмитага вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Субҳонова бошчилик қилмоқда. Вилоятда навоийхонлик кечалари, учрашувларини ўтказишда ижодий ташкилотимиз билан бирга «Китобхон», «Билим», «Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш» жамиятлари, Маданият, Болалар жамғармалари фаоллик кўрсатмоқда.

Жиззах давлат педагогика институти ва вилоят драма театри жамоалари ҳамкорликда шоирга бағишланган шеър ҳамда қўшиқ кечасини ўтказдилар. Зомин туманидаги Пишағар, Қорамозор қишлоқларида, Дўстлик туманида, Форишда ўтказилган шеърхонлик адабиёт, халқ байрамларига айланиб кетди. «Китобхон» жамияти эса «Хайрия» адабий анжуманини уюштирди. Бу анжуманда педагогика институти жамоаси Меҳр-шафқат жамғармасига 1900 сўм, «Китобхон» жамияти ходимлари бир кунлик иш ҳақларини, Ўзбекистон халқ депутати М. Қобилов бир ойлик иш ҳақларини ўтказдилар. Мазкур маблағнинг бир қисми ушбу йиғилишда кам таъминланган оилаларга бўлиб берилди.

Вилоятда тўй муносабати билан улуғ шоир номини абадийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жиззах туманидаги Навоий номи билан аталувчи жамоа хўжалигида шу йил ўн гектар боғ яратилиб, уни «Мир Алишер боғи» деб атадилар. Боғ ичида улуғ шоирнинг ҳайкали қад ростлайди. Бу вилоятимизда Алишер Навоийга тикланган биринчи ҳайкал бўлади.

Алишер Навоий ижодий мероси, ҳаёти билан ёшларни таништиришда хайрли ишлар бошланмоқда. Вилоят мактабларида шоир номида музейлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Улуғ шоир китоблари савдоси уюштирилмоқда.

Яна бир муҳим масала. Навоийни ўқимоқ, уни тушунмоқ ва англамоқдир. Кўпинча, биз Навоийни тушунмоқ мушкул, деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу гапларда жон бор ва унинг ўзига яраша сабаблари ҳам кўп. Лекин бу муаммони ҳал қилишнинг йўллари ҳам бор. Энг муҳими, мактабларда эски ўзбек тилини ўрганиш ва Навоий асарлари устида ишлаш дарслари ташкил этиб, уларни программага киритиш зарур. Маълумки, Навоий асарларини халқимиз кўп йиллардан бери севиб ўқийди. Уларнинг аксарияти бахшилар, достончилар, халфалар томонидан оғзаки адабиёт намунаси сифатида айтилиб келинади. Демак, ишларимиздан бири шоир асарларининг халқ оғзаки ижод вариантларини ҳам йиғиш, уларга тартиб бериб, яна халқимиз қўлига қайтаришдан иборатдир. Булар Навоий асарларининг халқимиз орасига янада кенгроқ ёйилишига ва уларни тушунишга имкон яратиб берган бўлур эди.

Эргаш МУҲАММАД, Ўзбекистон Адабиёт жамғармаси директори

ҚЎЛДАН БЕРГАНГА ҚУШ ТЎЙМАС

— Маълумки, 1985 йил Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтганди, шундан буён ижтимоий ҳаётимизда қатор ўзгаришлар юз берди: мустақиллик баёноти қабул қилинди, бозор иқтисодиёти амалга оша бошлади, мустақил жумҳуриятлар иттифоқи шартномаси муҳокама этилаяпти... Бу янгиликлар, табиийки, адабиётга ҳам, адабий муҳитга ҳам муайян таъсир кўрсатмай қолмайди. Адабиёт жамғармаси ҳам бундан холи эмас, албатта.

— Аввало шуни айтиш керакки, муайян сабабларга кўра ўтган давр ичида Адабиёт жамғармаси раҳбарияти тез-тез ўзгариб турди. Гарчи қалам аҳлига турли йўналишдаги одатий хизматлар доимий равишда қилинган бўлса-да, раҳбарнинг ўзгариб туриши ташкилий ишларга салбий таъсир кўрсатган. Масалан, ёзувчилар учун турар-жой қуриш ҳақида бир неча йилдан бери гап юрарди, аслида эса жузъий ишларгина қилинган, холос. Уюшманинг биринчи котиби, СССР халқ депутати Одил Ёқубовнинг шахсан сайъ-ҳаракати билан ниҳоят бу иш йўлга қўйилди, ҳозир у бизнинг назоратимизда. Умуман, қурилиши тўхтатиб қўйилган олти қаватли Марказий адабиёт уйи биноси ҳам қайта ҳаракатга тушди. Айни кунларда пардозлаш ишлари бораяпти. Навбатдаги қурултойни шу бинода ўтказиш ниятидамиз.

Бундан бошқа талай зарур ишлар ҳам ўлда-жўлда қолиб келган. Биласиз, Дўрмонда Ёзувчилар боғи бор, унинг хўжалик ишлари ҳам жамғарма манфаатига хизмат қилиши керак, аксига олиб, боғ ўз қолига ташлаб қўйилган. Аста-секин бу камчиликларни бартараф этдик, ҳозир ишлар шу куннинг талаблари асосида ташкил этилаётир.

— Нарх-наво кескин ўсган иқтисодий шароитда моддий манфаатдор ташкилотлар, жумладан, Адабиёт жамғармаси атрофида ҳам турлича гаплар кўпайди. Биров «ўз ҳоҳиши билан Иттифоқ жамғармасидан ажралиб чиқиб хато қилган» деса, бошқа биров «Жумҳурият Адабиёт жамғармалари тарқатиб юборилган» дейди. Хуллас, талқинлар турлича. Аслида нима гап бўлган ўзи?

— Бу қарашлар асоссиз. Ўзбекистон Адабиёт жамғармаси ташаббус кўрсатиб, ажралиб чиқишни ҳеч қачон ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас. Эътибор берган бўлсангиз, Мустақиллик баёноти қабул қилинишида ҳар бир жумҳурият ўзича фаол ташаббус кўрсатди. Иттифоқ Адабиёт жамғармаси мисолида эса бунинг акси бўлди, яъни марказ ташаббус кўрсатиб чиқди. Хўш, буни қандай тушуниш мумкин? Адабиёт жамғармасига молиявий мустақиллик берилгани бир жиҳатдан яхши, лекин масаланинг иккинчи томони бор: бу ҳодиса ёш келинкуёвни «бугундан эътиборан рўзғорларинг бўлак!» — деб кўчага ҳайдаб чиқаришнинг айнан ўзгинасидир. Чўнтакда ҳемири йўқ, тажриба йўқ, хуллас, қуруқ қўл билан оёққа туриб олиш керак. Бунинг ўзи бўлмайди.

Бултур сентябрда ССЖИ Адабиёт жамғармасидан хат келди. Унда баён этилишича, ноябрь ойида пленум бўлади, пленумда барча жумҳурият Адабиёт жамғармалари молиявий жиҳатдан мустақилликка чиқиши масаласи кўрилади. Хатга илова тарзида, пленумда қилинажак маъруза нусхаси тақдим этилган эди.

Ўша кунга қадар Литва билан Россия Адабиёт жамғармалари Иттифоқ тасарруфидан ажралиб чиққан, яна шундай ҳоллар юзага келиши кутилмоқда, бу эса шу масаланинг ўртага ташланишига сабаб бўлган эди. Тўғрироғи, мустақиллик ниш ураётганди.

Давоми еттинчи бетда

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Ихтиёр менда бўлса жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисига ер, озуқа бериш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги фармонларини бажармаётган маҳаллий раҳбарларни қаттиқ жазолардим. Айни чоғда, 10-15 сотих ер олиб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйган, бирор туп мева ёки бирор экин экмаган кишиларга эса катта жарима солардим. Нонинг уволи дегандай, ернинг ҳам уволи бор-ку, ахир.

Т. АБДУСАТТОРОВ
Зомин

●

... Тошкентда тартиб ўрнатар эдим. Иш вақтининг маълум қисмини транспорт ҳаракатига сарф қилардим. Уйини, ҳовлисини чиннидай ярақлатиб, ахлатини кўчага тўкадиган одамни жавобгарликка торттирардим.

Азиза МАНСУРОВА
Тошкент

●

... Халқимиз, умумжаҳон халқлари тараққиёти даражасида юқорироқ ўринларни эгаллаши учун энг зўр йўлларни белгилаш ва амалга ошириш дастурини тайёрлар эдим. Кўп муаммоларни тагтуги билан қайта кўриб чиқиш учун олиму-уламоларни жалб қилар эдим. Одамлар масала шаклига эмас, моҳиятига қараб мушоҳада қилишга ўрганишлари керак.

Биржа, маркер, дилер, дистрибутор... ёки бошқачасига айтганда, савдогарлик, даллоллик, олиб-сотарлик ва ҳ.к. тушунчалар бозор иқтисодиётига ўтиш учун жуда кераклигини тушуниб етадиган вақт келди. Улар фаолияти қонуний асосга қўйилгандагина, давлатга катта фойда келади. Халқ бойиши, одамлар бадавлат бўлиши учун ҳаракат қилиш зарурратга айланиши керак. Одамлар пул топишнинг қонуний йўлларини яхши билишлари керак. Хуллас, қонун чиқарувчилар учун жуда кўп иш мавжуд. Турғунлик йилларида одамлар миясига ўтириб қолган тушунчаларни парчалаб ташлаш ва келажак авлод учун, унинг тараққиёти учун керакли асос қуришга кўп куч сарфлашга тўғри келади.

Ҳозирги авлоднинг мана шу каби зарур ишларни қилишга қурби етармикан?

Шамсиддин ШОУМАРОВ
ЎзФА Электроника институтининг етакчи технологи

●

... Аввало матбуот эркинлигини йўлга қўярдим. Матбуот эркин бўлмагунча на сиёсий, на иқтисодий мустақилликка эришиб бўлади.

Самад ҲАЙИТОВ
Тошкент

●

... Аёлларни уйга, оилага қайтарар эдим. Уларнинг иш вақтини беш соатга қисқартирган бўлардим. Шунда аёлларимиз болалар тарбиясига кўпроқ вақт ажратар эдилар.

Дилбар ЮСУПОВА
Ингичка посёлкаси

●

... Барча катталар умумхалқ қатори талон билан дўконлардан олишларини йўлга қўярдим.

З. КАРИМОВ
Сайрам

●

... Порахўрликни тугатардим. Ҳар бир ишнинг боши ҳалолликда.

Ж. МАҲМУД
Гулистон

НАҚД ИШНИНГ НАТИЖАСИ

● ИШБИЛАРМОНЛАР ИҚРОРИ ● УЙЛОВЧИНИНГ УЙИ БИТГУНЧА... ● САРМОЯДОРЛАР МАМНУН ● ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ ● КАРВОНЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

СУРАТДА: Ишбилармонлар учрашуви қатнашчилари Л. ГУСЕЙНОВ суратга олган

Халқимиз бу кунни узоқ кутди. Ниҳоят, она Ўзбекистонимиз яна жаҳонга юз бурди. Боболаримиз асос солган Ипак йўлидан карвонлар йўлга чиқди. Дарвозалар очилиб, борди-келдиқ, олди-берди муносабатлари бетўсиқ, бемалол амал қиладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ишбилармонларининг Тошкент учрашуви шарофатидир. Ғоят қизғин ўтган беш кун давомида юз йилдан кўпроқ даврдан буён дарз кетиб ётган ишонч кўприклари яна мустаҳкамланди. Анжуманнинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан чет эллик сармоядорларнинг эътироф этишларича жумҳуриятимиз президенти ташаббуси билан ўтказилган бу анжуман Ўзбекистон учунгина эмас, жаҳоннинг қадим Туркистон билан алоқаларини изга солиш йўлида ҳам муҳим тарихий бурилиш ясади.

Узоқ вақт марказ нима деркин, деган андишада орқага суриб келинган иш бир ҳафтадаёқ ўз самарасини кўрсатди-қўйди. Мана жаҳон ишбилармонларининг Тошкент учрашувида қўйилган қутлуғ қадамнинг самаралари. Чет элдаги фирмалар билан 30 та қўшма корхона тузилди. 18 мамлакатдаги 56 шерик билан қўшма корхона ташкил этиш юзасидан бир битимга келиниб, ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг мавжуд сармояси ҳозирча валюта ҳисобида 376,9 миллионни ташкил этади. Бу корхоналар 2,7 миллиард валюта ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу ишнинг бошланиши. Олди-берди, ахдлашув ва битимлар эса яна давом этмоқда. Ишбилармонлар ўз юртларига йўл олаётиб, учрашувдан мамнун эканлигини шундай изҳор этдилар:

Шварц СТЮАРТ, АҚШдаги «Каскад Сервис» компаниясининг президенти: — Биз Ўзбекистон чет мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик «Узагросаноатсервис» уюшмаси билан ўзаро алоқалар ўрнатганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, ҳар икки томонга манфаат келтирувчи ҳамкорлик алоқаларимиз тез ривож олиб кетди. Хусусан, Тошкент учрашуви кунларида бу ташкилот билан биргаликда қўшма корхона қуришга келишиб олдик. Уни энг мукаммал технология асосидаги АҚШ дастгоҳлари билан жиҳозлаб, бозори чаққон маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз.

Салаҳат ТАЗАН, Туркиядаги «Зират банк» фирмасининг президенти: — Мен Ўзбекистон билан танишиб Туркиянинг бундан бир неча йил аввалги қиёфасини кўз олдимга келтирдим. Ушанда бизда ҳам жаҳон бозорига маҳсулотлар жуда кам чиқарилар эди. Чет эл сармояларини ишлаб чиқаришга сафарбар этиш йўли билан ғоят қисқа вақт ичида жаҳонга чиқариладиган харидоргир маҳсулотлар миқдорини олти баробар оширишга муваффақ бўлдик. Бу Ўзбекистон учун ҳам энг қулай йўлдир. Фақат бунинг учун савдо-тижорат ва банк ишларини юритувчи мутахассисларни кўплаб тайёрлаш керак. Биз бу соҳада ўз ёрдамимизни аямаймиз. Бир йилдаёқ банк ишларини мукаммал биладиган мутахассисларни тайёрлаб берамиз. Ўзбек ёшларини Туркияда шундай касбларни эгаллашга таклиф этамиз.

ПЛЮМЕТТЕ, Швейцариядаги «Фриза инженеринг» фирмасининг президенти: — Учрашув кунлари кўрганларимиз тасаввуримизни бутунлай ўзгартириб юборди. Биз энди бу ердаги ҳаёт ҳақида хорижда ҳаққоний билан сўзлаб беришимиз, Ўзбекистон жумҳуриятининг хориждаги элчилари бўлишимиз мумкин...

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг тижорат имкониятлари ҳусусида сўз юритган «Америка —Ўзбекистон» корпорациясининг президенти Абдулрауф Мақсудий билан суҳбатлашиш анча қийин кечди. Чунки турли фирма ва тижорат ваколатхоналарининг раҳбарлари уни бир дақиқа холи қўйишмас, фикр сўрар, маслаҳат олишар, ҳамкорликка, қўшма корхоналар тузишга даъват этардилар. Мақсудий корпорацияси тижоратчиларда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмасди. Ёшлик чоғларидаёқ ота-оналари билан Марғилондан хорижга кетиб қолган Абдулрауф ака бугун жаҳон ҳурмат қиладиган, ҳисоблашадиган йирик корпорация эгаси сифатида танилган. Ўғиллари ва иниларини ҳам энг нозик ва мураккаб тижорат сирларига, савдо-сотиқ санъатига ўргатган. Уни Японияннинг энг обрўли корпорацияларидан тортиб, Ғарбнинг устомон фирмаларигача билади, алоқа қилади. Бугун қайта қуриш эпкинларига юз тутиб, жаҳонга ўз эшикларини очаётган юртимизга А. Мақсудий, А. Олтойли сингари ватандошларимизнинг беминнат хизматлари ниҳоятда зарур. Улар Ўзбекистон президентининг таклифига амалий жавоб бериб, ишбилармонларнинг Тошкент учрашувига ташаббускор бўлдилар. Хорижда эса бизнинг савдо ваколатчиларимиз сифатида иш тутмоқдалар. Анжуманнинг расмий якунидан сўнг ниҳоят Абдулрауф акани бир фурсат суҳбатга тортишга муваффақ бўлдим.

— Биз анжуман давомида бу ердаги уч-тўрт корхона билан олди-берди шартларини келишиб, контрактлар туздик, — деди у. — Лекин бу билан ишимиз тугагани йўқ. Ўзбекистон ҳукумати савдо-тижорат билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатларни ўз бўйнига олгани бизни янги-янги ахдлашувларга даъват этаётир. Шулардан бири қуруқ мева етиштиришни кўпайтириш ва хорижга сотишга йўл очиш. Уригу майизнинг харидоргирлиги ҳаммага маълум. Бироқ ҳозир Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-чеванинг анчагина қисми ерга тўкилиб исроф бўлиб кетмоқда. Уларни қуритиб, ажойиб неъматлар тайёрлаш, жаҳон стандартлари даражасида қадоқлаб, чиройли қутичаларга жойлаш эса айтарли йўлга қўйилмаган. Бизнинг мақсадимиз мана шу соҳани ривожлантириб, унга янги йўналиш беришдан иборат. Етиштирилаётган ҳўл меваларни йиғиб, яхшилаб қуритсак, помидорларни паста қилиб олсак, улар жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг анча-мунча харжини кўтарган бўлур эди.

Иккинчи ниятимиз эса, қўшма корхоналар қуриш. Мен бош бўлган «Мақсудий бизнес корпорация»си Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва етиштириладиган маҳсулотларни нақд пул — валютага сотиб олиб, уларни жаҳон бозорида сотиш ва шу йўл билан тижорат алоқаларини кенгайтириш бўйича иш олиб боради. Айни пайтда дунё бозоридан Ўзбекистон учун зарур бўлган молларни ҳам танлаб бу ерга олиб келамиз.

Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида Истанбул университетининг профессори, Истанбул ишбилармонлар уюшмаси президенти Сабоҳиддин Зойим билан танишишга тўғри келди. У намойишга қўйилган турфа хил маҳсулотларни кўздан кечирар экан шундай деди: «Булар шубҳасиз жаҳон бозорини безайдиган, савдоси чаққон маҳсулотлардир, қани эди, буларни ўрнига қўйиб сотадиган тижоратчилар авлоди ҳам етишиб чиқса?». У Туркиядаги турли вақф жамиятлари Совет Иттифоқидаги олти туркий жумҳурият фарзандларидан 200 кишини ўз ҳисобидан ўқитиб беришни таклиф этаётганини ҳам маълум қилди...

Ўзбек халқининг фидойи меҳнати билан вужудга келган маҳсулотларни сотиб, ҳалқимизнинг корига ярайдиган маҳсулотлар олиш, валюта ишлашнинг савобига не етсин. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, хорижга сотиладиган маҳсулотлар даромадининг валюта ҳисобидаги 40 фоизи Иттифоқ ғазнасида қолади. Агар бу тартиб бекор қилинмаса, яна бизнинг пешона теримиз бошқаларнинг чўнтагини қаппайтираверади, холос... Ҳозир Иттифоқ Шартномаси устидаги сўнгги ишларни олиб бораётган жумҳуриятларнинг вакиллари мана шу муаммони ҳам ҳал этадилар, деган умиддамиз. Тошкент учрашуви шу йўлда қўйилган тарихий қадамнинг бошланишидир. Биз бугун хориж билан бемалол олди-берди қилишга йўл очдик, карвонларни сафарга шайлаяпмиз. Бу карвонларнинг аксарияти ҳозирча ё ҳаво йўлидан, ё бутун мамлакат орқали ўтадиган узоқ темир йўллардан фойдаланади. Агар келгусида Ўзбекистоннинг жаҳонга бемалол чиқадиган ўз йўллари бўлишига ҳам имкон яратилса, хусусан, Термиз орқали маҳсулотларимизни Афғонистон, Покистону Ҳиндистонга—денгизга олиб чиқа олсак халқимиз ўзига тўқ эллараро ўрнини эгаллайди.

Тошкент учрашуви шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

М. АБДУЛЛАЕВ

КЕЛГУСИ СОНДА:

- МАРМАРИМИЗ БЕҲИСОБМИ?
- НОНКЎРНИНГ ҚИСМАТИ
- «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» — БОҚИЙ КИТОБ
- ФЕРУЗ ҒАЗАЛЛАРИ

ҚИДИРИШ, ИШЛАШ, ТАШАББУС КЎРСАТИШ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби Одил Ёқубов котибиятнинг навбатдаги йиғилишини шу сўзлар билан бошлади. Янги сиёсий ва иқтисодий шароит, мустақиллик ва эркинлик ҳар бир инсондан том маънода қидириш, ишлаш ва ташаббус кўрсатишни талаб қилиб турибди. Ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти, ижодий иши, ёзувчилар уюшмаси тармоқ ва бўлимлари, нашрларининг тақдири ҳам шу уч нарсага боғлиқ. Энди қаердандир, кимдандир ёрдам келаркин деб қараб ўтириб бўлмайди. Мустақил иш мезонларида яшаш ва жиддий фаолият олиб боришга ўрганишимиз керак.

Одил Ёқубов котибиятга Москвада СССР Ёзувчилари уюшмасида 5 июнда бўлиб ўтган мажлис ҳақида ахборот берди. СССР Ёзувчилари уюшмаси котибиятининг мажлисида съезд чақириш, жумҳуриятлар ёзувчилар уюшмаларининг мустақиллиги, умуман, Иттифоқ уюшмасининг тақдири масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. СССР Ёзувчиларининг съездини 1991 йил октябрь ойига чақириш маъқул деб топилди.

Мажлисда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йиллигини ўтказиш тадбирлари белгиланди. Буюк инсонга муносиб ҳайкал ўрнатиш, Москва кўчаларидан бирига унинг номини қўйиш, Навоий асарларини тарғиб қилиш ва ўрганиш билан боғлиқ кўп вазифалар ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котибиятида Ўзбекистон Адабиёт жамғармасининг фаолиятини замонавий асосларга қўйиш устида муҳокама юритилди. Бу ҳақда жамғарма бошлиғи Эргаш Муҳаммад батафсил сўзлаб берди. Жамғарма ишини янада яхшилаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамғарма раиси Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, М. Муҳаммад Дўст, Аҳмад Аъзам муайян таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Жамғарма ишини янги шароитга мослаштириш учун уни ҳар томонлама жиддий ўрганиб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Котибият Фитратнинг 105 йиллиги, Хуршиднинг 100 йиллиги, Миртемирнинг 80 йиллиги, Рамз Бобожон, Шукрулло, Иброҳим Раҳим, Уткир Ҳошимовнинг ижодий саналарини нишонлаш юзасидан котиб Абдусаид Кўчимовнинг ахборотини эшитди ва бораётган тайёргарлик ишларини маъқуллади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг устави ва унга киритилган ўзгаришлар ҳақида котиб Муҳаммад Солиҳ қисқача ахборот берди.

Котибият қабул комиссиясининг тавсияларини кўриб чиқиб, муҳокама қилди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ёқуббек Яқвалхўжаев, Рашид Мемишев, Аслонбек Бритаев, Озод Мўминов, Раҳмон Ҳожимуродов, Зебо Мирзаева, Сотим Авазов, Шуҳрат Умаров, Нурулла Остонов, Йўлдош Пардаев, Абдулла Қўшбоқ СССР Ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлдилар.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»—25 ЁШДА

Чорак аср муқаддам Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарининг илк сонини катта орзу-умидлар билан кутиб олган эди. Устоз шоиримиз Ғафур Ғуломнинг тилакларию ўнлаб ўткир чиқишлари билан ижтимоий-маънавий ҳаётимизга хуш сабо янглиғ кириб келган газета матбуот нашрлари орасида тез ўрнини топди. Адабий муҳитдаги жараёнлар, адабиёт ва санъатимизнинг мумтоз намуналари унинг саҳифаларидан кенг ўрин ола бошлади. Янги-янги мавзулар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Газета ҳаётда ўз қиёфаси, ўткир сўзи билан маънавий иллатларга қарши кураш очиб, кўпларни ортидан эргаштирган эди.

Фақат бугина эмас, унинг саҳифаларида халқ маънавий меросининг бебаҳо дурдоналари, ўтмиш ахлоқ-одоби хусусида ҳам ажойиб мақолалар босилар, Шорасул Зуннуннинг маърифий мақолалари, «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» рукни остидаги чиқишлари барча вилоятларнинг муштарийлари эътиборини қозонган эди. Халқимизнинг тарихи, адабиётимиз намояндаларига мафкуравий қолиплар асосида баҳо бериш, тарихни бирёқлама талқин этиш урф бўлган йилларда Аҳмад Яссавий ижоди ҳақида бор ҳақиқатни ҳам илк бор «Оқшом» газетаси ёзиб чиқди. Буни жамоатчилик катта жасорат сифатида кутиб олгани маълум.

«Тошкент оқшоми» матбуотимизга янги муаллифларни ҳам олиб кирди. Кўплаб истеъдодли ижодкорлар, журналистлар, жамоатчи мухбирлар газета муҳитида камол топдилар.

25 йиллик ижод босқичи сарҳисоб қилинаётган «Оқшом»нинг хайрли ишлари бугун ҳам беҳисобдир. Албатта, қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан кўплаб нашрлар ҳақиқатни ёзиш имконига эга бўлдилар. Ҳур фикрнинг қадри ошди, талай янги нашрлар вужудга келди. Улар орасида ўз сўзи, ижодий қиёфаси билан ажралиб турувчи ҳаммабоп халқчил газета чиқариш кўплаб ижодкорларнинг орзусидир. Газетанинг таваллуд куни арафасида «Оқшом»чи ҳамкасбларимизга ижодий парвоз, янги ютуқлар тилар эканмиз, бир пайтлар «Тошкент оқшоми»га шуҳрат келтирган, обрўсига обрў қўшган турфа мавзулар унинг саҳифаларини асло тарк этмасин, ҳамиша муштарийларнинг севимли нашри бўлиб қолсин деймиз.

«ЎзАС» РЕДАКЦИЯ ЖАМОАСИ

СУРАТДА: «Тошкент оқшоми» рўзномаси заҳматкашларидан бир гуруҳи

Р. ШАРИПОВ суратга олган

МУҲАРРИРГА мактублар

ТАКЛИФИМ

Ун йилдан буён рус тили ва адабиётидан юқори синф ўқувчиларига билим бериб келаман. Мен ҳар сафар рус адиби Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асари таҳлилига тўхтар эканман, умрининг азобли дақиқаларида ўзида енгилмас куч топиб, кўрган билганларини ёш авлодга ҳикоя қилиб беришга улгурган инсон қисмати юрагимни ларзага солаверади.

Шунда беихтиёр кўз ўнгимда ўзбек халқининг мард ўғлони — ёзувчи Вали Ғафуров гавдаланади. Улуғ Ватан урушида икки кўзидан ажраган бу ажойиб инсон шу кунгача 8 та китоб яратди. Унинг «Вафодор» романи рус тилига таржима қилинганидан сўнг рус, китобхонлари муаллифни «Ўзбек Островскийси» деб атай бошладилар. Унинг ижоди билан қизиқиб қолдилар. Натижада В. Ғафуров асарлари Н. Островский музейидан жой олди, унинг номи қомусга ҳам киритилди.

Менинг ниятим, ёзувчи В. Ғафуровнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ўзбек адабиёти дарсликларидан ҳам жой олса. Чунки бутун умрини эзгуликка сарф қилиб, матонат билан асарлар яратаётган муҳтарам адибимиз босиб ўтган йил келажак авлод учун ҳам ибрат мактаби бўлишига ишончим комил.

Бу ҳақда мен кенг жамоатчилик фикрини билишни истар эдим.

Муҳайё ТУЛАГАНОВА,
Янгийўл райони, 3-мактаб ўқитувчиси

ҚАҲАТЧИЛИК ХАВФИ

ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИМИЗ КУНДАН КУНГА ёмонлашаётганидан беихтиёр кейинги бешолти йил ичида чексиз лаънатларга «тўлдириб» ташланган турғунлик даври жаннат экан-ку, «коммунизм»да яшаган эканмиз-ку, дейишингиз ҳеч гап эмас. Ахир, дабдабабозлик, кўзбўямачилик, порахўрлик авж олган 60-йиллардан то 80-йилларнинг ўрталаригача маҳсулоту моллар талон билан харид қилинмасди-да! Ҳатто талон сўзнинг ўзи фақат уруш ёки очарчилик, қаҳатчилик йилларида эшитиларди.

Диққат қилинг-а, бир ой учун одам бошига бир кило гўшт, саккиз юз грамм гуруч, ярим кило пахта ёғи, эллик грамм чой, бир килодан қанд ёки шакар, икки кило ун, икки ойга бир донадан атир, кир совун ва ҳоказо...

Хомчўт қилиб кўрсангиз, кунига 34 грамм гўшт, 26 граммдан гуруч, 16 грамм пахта ёғи, 1,5 грамм чой тўғри келаркан. Майли, ун кам бўлса-да нонни дўкондан талонсиз оламиз. Қанд-шакарга ҳам тоқат қилайлик, бироқ турғунликнинг энг юқори «чўққиси» бўлган 60-йиллардан то қайта қуриш бошлангунча ҳам гўштни икки баравар кўпроқ истеъмол қилиб, гуруч, пахта ёғи ёки чойга бунчалик танқислик сезмагандик.

Яна шуниси борки, ҳозирнинг ўзидаёқ дўконларда нормага яраша таъминот бўлмаяпти, белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва тўла ололмаяпмиз. Ахир, ишлаб чиқариш яхшиланмаса, танқислик янада кўп найрангларнинг авж олишига олиб келмайдими? Албатта, ҳамма савдо ходимлари, дўкончиларни ёппасига ўғирликда, найрангбозликда айблаб бўлмайди. Улар орасида захматкаш инсонлар ҳам бор, ойлиги икки юз сўмдан ошмаса-да, меҳнати талонларга ўтилгандан кейин икки баравар кўпайди. Лекин биз бевосита дўкончилар билан муомала қилганимиз учун дарров косага кўзимиз тушади, косанинг тагида нимкоса борлигини эса тезда пайқамаймиз.

Шу ўринда Б. Норбоевнинг «Тушовни ким узади?» («ЎзАС», 1991 йил, 26 апрель) мақоласидаги бир муҳим нуқтага эътиборингизни тортмоқчиман: гап шундаки, мақола «ўжар мен» билан «келишувчан мен»нинг баҳси тарзида ёзилган, лекин аслида ҳар бир одамда ўжарлик билан келишувчилик ўртасида турувчи «мен» ҳам; сезгир, ҳушёр, дадил «мен» ҳам; ҳадиксировчи, қўрқоқ ёки бепарво, лоқайд «мен» ҳам бўлиши мумкин. Энди қуйидаги вазиятни қўздан кечирайлик: инсон яхши яшаб, салмоқли ишларни амалга ошириши учун жуда кўп мураккаб маънавий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиши зарур. Шу аснода ўша «мен»лар ўртасида қанчадан-қанча жиддий тўқнашувлар, жанглар келиб чиқмайди, дейсиз!

Энг муҳими, қайси бир одамда ана шундай ички тўқнашувларда ўткир, ҳушёр, ақлли, мард «мен» ютиб чиқса, уни йирик шахс дейиш мумкин. Лекин бундай шахснинг ниб ўсиши учун соғлом, ҳур муҳит бўлмаса, ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Ваҳоланки, биз шу чоққача ҳар қандай шахс муайян жамиятнинг дастури, қонуни-ю талабларига кўра тубдан ўзгартирилиб, қайтадан тарбияланиши, пировардида ўша жамиятнинг «винтчаси»га, «паррагига» айлантирилган ҳолда марксизм-ленинизмга асосланган ҳукмрон мафкурага сўзсиз бўйсунишга маҳкум этилгандир, деб ҳисобладик ва шунга мувофиқ фаолият кўрсатдик.

Тўғри, қайси жамияту, ижтимоий тузумда яшасангиз унинг таъсирига тушасиз, уларнинг дастури, қонун-қоидаларидан айримларини ўзингизга сингдирасиз. Лекин инсонда шундай хусусиятлар ҳам борки, уларни табиат ато қилгани учун ҳар қандай зўр, қудратли мафкура ҳам ўзгартириши мумкин эмас. Масалан, «мен»нинг хусусий мулкка муносабатини олиб кўрайлик.

Маълумки, Маркс, Энгельс хусусий мулкчиликдан бошқа даҳшатлироқ, хавфлироқ душман одамзотда бўлган эмас, бўлиши мумкин эмас, бинобарин мана шу душманни енгмасдан фаровон яшаб, бахт-саодатга эришиб бўлмайди, деб узил-кесил хулоса чиқардилар. Бу хулосани Ленин бошчилигида ҳаётга татбиқ этиб, ўша «душман» устидан мардонавор «ғалаба» қозонганимизга, мана, етмиш йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо натижалар-чи? Афсуски, ўйлаганимизнинг бутунлай тескарисига — нуқул инқирозлар, «ўпирилишлар», «дарду балолар», фожиаларга дуч келиб ўтирибмиз.

Хўш, энди нима қилайлик?

Марксизм-ленинизм таълимотини бутунлай қоралаб, юз фоиз иккор қилишга хайрихоҳмасман. Негаки, унинг тўғри жиҳатлари, нуқталари мавжуддир. Айтайлик, ўзгаларни эзиб, зўравонлик асосида бойлик тўплаб, шу бойликнинг «асири» бўлиб яшаш, хусусий мулкчилик ғояларига бутунлай «кўмилиб» кетиш зарарли экани яққол кўриниб қолди. Борди-ю, бойлик ҳалол меҳнат, асл пешона тери билан яратилса-чи? Бунинг нимаси ёмон?

ҲОЗИРГИ ТАНГЛИКДАН ЧИҚИШ УЧУН бозор иқтисодига ўтишдан бошқа йўл йўқлигини англаганимиздан кейин шунисига амин бўлдикки, тўла маънодаги хусусий мулкчилик тикланиб, унинг равнақи таъминланмаса, ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлиши мумкин эмас. Хусусий мулкчилик равнақини таъминлаш эса биринчи навбатда «мен»нинг қудрати: онгу тафаккури, фаолият кўрсатиш, ўйлаш, бош қотириш қобилияти, маҳоратига боғлиқ. Ахир, бундай мулкчилик одамнинг қон-қонига сингиб кетган туйғудир.

Октябрь инқилоби ишчи-деҳқонларга, меҳнаткашларга эрк, озодлик, ер-сув, завод-фабрикаларни берди, деб гапиришга одатланганмиз. Аммо қани, қайси деҳқоннинг, қаерда, қанча ери бор, қайси ишчи қаердаги қандай завод ёки фабрикани меники, деб айта олади, деган саволларни ўртага ташлаб, уларга жавоб изламаганмиз. Бунинг ўрнига биз бир киши ҳамма учун, ҳамма эса бир киши учун деган қоидага амал қиламиз, бизники бўлган мулк меникидир, меники эса бизникидир дейишимиз турган гап.

Аслида шундаймикан?

Айтайлик, мен дорулфунунда қарийб чорак асрдан буён домланман, бироқ ундаги молу мулклар меники деб айта оламманми? Агар айта олсам, нима учун ўқув хоналаридан тортиб барча миқёсдаги раҳбарлар фаолият кўрсатадиган жойлардаги мебелларгача кўпи ҳар уч-тўрт йилда яроқсиз бўлиб қолади-ю, ўз уйимдаги худди шундай мебеллар камида ўн-йигирма йил хизмат қилади? Негаки, ўзимникини кўз қорачиғидай асрайман, заррача ғард юқтирмайман. Дорулфунунники-чи?

Табиийки, меникимас, давлатники, яъни бизники бўлиб, уларнинг ягона масъул, жавобгар хўжайини йўқ, бир ёки бир неча «мен»ларнинг хусусий мулки эмас, аниқ эгаси, хўжайини бўлмаган нарсани одам ўзининг мулкидай эъзозламайди-ку, ахир! Айтайлик, тасодифан ўт тушган ҳовлига дуч келдингиз, ичкарида ёрдамга чорловчи овозлар эшитиляпти. Агар виждонли бўлсангиз, ёрдамингизни аямайсиз. Аксинча, ўзингизни кўриб кўрмаган, билиб билмаганга олиб, жуфтакни ростлаб қолишингиз ҳеч гап эмас. Борди-ю, шу ҳовли ўзингизники бўлса-чи? Қандай қилиб бўлса-да дарров ёнғинга қарши курашга отланасиз, ҳавфда қолган бола-чақангизни қутқаришга киришасиз. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бола-чақа, оилангизгина эмас, бутун мол-мулкингиз бамисоли тан-жонингизга қўшилиб, бирлашиб кетгандай қадрли бўлади. Ўзгаларнинг мулкию бола-чақалари бари-бир сизга бегонадир. Ўз уйим, ўлан тўшагим деб бежиз айтилмаган-ку, ахир! Одамлар қайси жамиятда яшаб, қандай мафкурага мансуб бўлмасин, молмулк, бойлик, шон-шуҳрат туйғуси ҳамиша ҳамроҳдир. Тўғри, бу туйғу бировларда кучлироқ бошқаларда заифроқ кўринишда намоён бўлиши мумкин. Кимки, менда бундай хусусият йўқ, деса ё ўзини, ё ўзгаларни алдайди, холос.

Эҳ-ҳе, «мен»ларда бундан бошқа яна қанчадан-қанча сиру синоатлар мавжудки, афсуски уларни чуқур ўрганиш, идрок этиш ўрнига барча юклар, вазифаларни кўпинча «биз»ларнинг зиммасига юклаб, нуқул ҳар хил раҳбарлик миқёсларидаги «мен»ларнинг «сувдан қуруқ» чиқишга йўл очиб келганмиз. Негаки, социалистик тузумимиз «мен»лар билан «биз»ларни шу даражада бир-бирига бирлаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юбордики, кимнинг қандай айб ёки жиноят қилганини аниқлаш осон бўлмай қолди. Айтайлик, пахта яккаҳокимлиги, деҳқончилик имкониятларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида Орол ҳалокати келиб чиқди. Бунда Бутуниттифоқ сув хўжалигининг собиқ ва ҳозирги бошлиқлари — Васильев, Пўлатзода каби шахслар айбдор. Уларни жиноий жавобгарликка тортиш, қонуний жазолаш керак, деган фикрлар айрим марказий рўзномаларда, жумҳуриятимиздаги матбуот воситаларида бадиий ижод ва фан арбоблари томонидан бир неча марта айтилди-ю, бироқ ҳеч қандай натижа чиқмади. Натижа чиқиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар ўзларининг «айб»ларини партия ва ҳукуматнинг қарорларига «мослаштириб» амалга оширганлар...

Ҳозир бизда қанчадан-қанча қимматбаҳо мебеллар, миллионлаб сўм маблағ ва соф тиллога сотиб олинган, чет эл ва ўзимизда ишлаб чиқарилган нодир техник ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз бўлиб қолгани учун «акт»лаштирилиб қули кўкка совурилади. Бу ҳеч кимга сир эмас. Унинг асосий сабабларидан бири хўжасизлигимиз, эгасизлигимизга, «мен»ларнинг ожизлиги, ҳуқуқсизлиги, «юқори»дан қандай буйруқ келса, кўр-кўрона бажаришга бориб тақалади.

ҚАНДАЙ «МЕН»ЛАРГА ХАЙРИХОҲМИЗ?

ШУ ВАҚТГАЧА КУКРАГИМИЗГА УРИБ, чексиз фахрланиш туйғуси билан тақдирни қўл билан яратур инсон, деб ҳайқирдик-да, она сути оғзимиздан кетмасданоқ «ғўзаллик ишлайиш, манглайни терлатиш, гўзалдир унган иш, мақтанса яраШур»га маҳлиё бўлиб, меҳнатга шу даражада «шўнғиб» кетдикки, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан социализмни қуришга киришдик. Аммо тўхтанг, социализм ўзи нима, нега энди коммунизм учун жонимизни фидо қилишимиз керак, қайси мамлакат ёки халқ бутун дунёда бундай «изм»лардан бирини барпо этиб, роҳатини кўрган, деган саволни ўртага ташламадик. Жумбоқлар устида бош қотириш ўрнига меҳнатга «шўнғийвердик, шўнғийвердикки», бора-бора «мен»лар ўзлигини йўқота бошлади, бундай «йўқотиш»ни сездирмаслик учун давлат, партия раҳбарларини «доҳий» даражасига кўтариб, уларга сиғиниш билан ўзимизни овутдик.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Диққатимизни шуларга қаратиб, «Мулоқот» ойномасида Қ. Хоназаров қуйидагиларни ёзади: «Бизнинг ҳозиргача мавжуд тузумимиз шундай тузумки, бу ерда шахсга сиғинмаслик мумкин эмас. Етмиш йилдирки, бирор-бир кимсага сиғинамиз: у Ленин, ё Сталин, ёки Хрушчев, ё Брежнев, ё бошқадир...».

Хўш, сиғиниш, сажда қилиш манбаи қаерда? Сўнгги пайтларда фаол фикр юритаётган файласуфимиз жавоби битта: манбаи тузумда! Бироқ бугун ойдин бўлаяптики, адолатли инсонпарвар тузум — «мен»ларнинг ҳар томонлама равнақ топишига кенг йўл очиб берадиган жамият қурмасак, тараққиёт бўлиши мумкин эмас экан. Доно, мард, қудратли «мен»лар бўлмаса, ишлар юришмайди.

Хайриятки, партия ва давлатнинг яккаҳокимлигидан келиб чиқадиган зуғум, ҳар хил тазйиқлар барча «мен»ларнинг белини синдира олмайди. Горбачёв ёки Ельцин каби йирик, тадбиркор, моҳир арбоблар, Шаталин, Явлинский, Шмелев каби иқтисодчи олимлар, Черниченко, Евтушенко, Адамович сингари ёзувчилар, публицистлар тимсолида бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ахир, ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнини бошлаб берувчилар сардори Горбачёв бўлдику! Тўғри, у дастлабки пайтларда ҳақиқий демократларга ён босди-ю, лекин кейин «ўнг»ларга изн бериб қўйди, деган танқидий мулоҳазалар ошкора айтиляпти. Ельцин-чи? У олдин Горбачёв билан олишувда «ютқазган» бўлса, кейинчалик ғалаба қозониб, Россия федерациясининг сардорига айланди!..

Жумҳуриятимизда ҳам айрим арбоблар, ёш шоирлар, уларнинг бир қанча истеъдодли тенгдошлари, ўткир ижтимоий-иқтисодий, маънавий-руҳий муаммоларни ёритаётган қатор олимларимиз, публицистларимиз марказдаги демократик ҳаракат фаоллари билан беллашишга интилмоқдалар. Хусусан, жумҳуриятимиз президенти аҳён-аҳёнда ҳатто Горбачёв, Ельцин сингари арбоблар билан баҳслашган ҳолда халқимизнинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини таъминлаш учун курашда фаоллик кўрсатаётгани ибратлидир. Айниқса, яқинда ойнаи жаҳон орқали жумҳуриятимиз раҳбарияти «Бирлик» халқ ҳаракатининг масъул мутассаддилари билан баъзи муаммолар бўйича мунозара қилиш, айни чоқда бир қанча масалаларни ечишда келишиб ишлашга изн берибдики, бу бизни қувонтиради, деганларида, қандай яхши, мана, энди соғлом, адолатли, ҳаққоний рақобат бошланади, деб ўйлагандим. Афсуски, негадир бундай бўлмаяпти.

ҲАМОНКИ, СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМ тубдан қайта қуришни тақозо қиларкан, унинг нима учун панд берганлиги сабабларини биладиган ижобий кучлар билан ҳамкорлик қилмасдан иложимиз йўқ. Бунга Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон, шунингдек, қўшни Тошҳовузда бўлиб, бир қанча туманлар, колхозу совхозларни айланиб чиққанимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Айтайлик, Боғотдан Хўжаниёзова, Амударёдан Йўлдошев, Тошҳовуздан Жумабоев каби раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, улар ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-руҳий инқирозларнинг илдизларини, сабабларини яхши тушунганини намоён қилади, ўзларининг фаолиятига чинакамига танқидий ёндашадилар, нуқсонлари, етишмовчиликларини рўй-рост айтишдан чўчимайдилар. Боғот туманидаги деҳқонлар жамоаси раиси И. Искандаров ёки Хўжайли тумани прокурори, ҳуқуқшунос олим Х. Ҳалимов-чи? Улар мавжуд иқтисодий тангликдан чиқиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилса, демократиялаш, ошкоралик, қайта қуришда муваффақиятларга эришилиши тўғрисида оқилона мулоҳаза юритадилар. Мана, амударёлик Жуманиёзов. Кимсан, туман коммунистлари сардори, лекин у очиқдан-очиқ ҳозир бозор иқтисодиёти ҳақида жуда кўп гапирилаяпти-ю, бироқ бунинг моҳиятини асло тушунолмаяпман, рўзнома-ю ойномаларимиз тушунтиришга, англамаганингни англашга кўмаклашмаяпти, деб нолияпти...

Воғот ижроқўми раиси Матёқубов ҳам шу тарзда қуйиниб мулоҳаза юритади: бизга, умуман озиқ-овқат, саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча жамоаларга сўзда мустақиллик берилгану, амалда «юқори»дан белгиланган планлар, буюртмаларни сўзсиз бажаришга маҳкум этилганмиз.

Демак, бозор иқтисодиёти «осмони»да бемалол парвоз қилиб, аҳволимизни тубдан яхшилайдиган натижаларни қўлга киритиш ҳали узоққа ўхшайди. Аввало, бундай парвозларга тайёр қаҳрамонларимиз, афсуски, етарли эмас. Борлари ҳам айтайлик, белоруссиялик Адамович, украиналик Драч ёки литвалик Ландсбергис билан рақобат қиладиган даражага кўтарилмаган.

РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

«Деҳқонга ким қайишади?» деган мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: «Мана, бозор иқтисодига ҳам эсон-омон ўтиб олдик, давлат товон ҳам тўлади. Аммо мўл-кўлчиликдан дарак йўқ, нарх-наво эса осмонда. Нафақат саноат, бошқа қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларинки ҳам. Бозорга борган одамнинг бошидан ҳуши учиши ҳеч гапмас. Шундай экан, бозор иқтисодидан соғ-саломат чиқа оламизми? Ёки ҳаммамиз хонавайрон бўлиб, тешик тоғора билан қоламизми?»

Албатта, бундай ташвишланишга шерикман, аммо бозор иқтисодига қачон ўтибмиз? Ахир, бу ҳақда фақат узундан узоқ ва кўпу хўб гапираяпмизу, аслида бозор иқтисодига етиша олмаганимиздан нолимаяпмизми? Борди-ю, унга етишсак, барча тангликлар, инқирозлардан қутуламиз, тараққиёт йўлига чиқамиз, деб оддий фуқародан тортиб, олимлару партия ва давлат раҳбарларигача бонг уришмаяптими?

Бир қанча ёзувчилар, публицистлар, олимларнинг мақолаларида, чунончи, Мирзо Кенжабекнинг Нурислом Тўхлиев билан суҳбатида, М. Абдуллаевнинг «Бозор бундай бўлмайди» («ЎзАС», 1991 йил, 3 май) мақоласида бозор иқтисодининг асл моҳияти нарх-навони оширишда эмас, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун давлат мулки, яъни «бизнинг» молу мулкларимизни «мен»ларга топшириш зарурлиги алоҳида таъкидланган: «Тезроқ бозор иқтисоди йўлидаги тўсиқлар олиб ташланиши, **соғлом мантиқ асосида хусусийлаштиришни** бошламоқ керак» (Таъкид бизники — **Н. Х.**).

Хусусийлаштириш, яъни «мен»лаштириш, приватизация бозор иқтисодининг индаллоси— шу! Тўғри, бир қанча тармоқлар, жумладан, йўл-транспорт, ёқилғи, нур манбалари, ҳарбий саноат кабилар одатда «мен»ларга бўлиб берилмайди, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг яна бир қанча шохобчаларида коллектив мулк бўлиши мумкин. Аммо турли корхоналар, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳаларини хусусийлаштириш тараққиёт тақозосидир. Зотан, бозор иқтисоди моҳияти эътибори билан рақобатчилик асосида юритилади, рақобатчи «мен»лар орқали давом эттирилади, ривожлантирилади ва якунланади. Бу оддий ҳақиқатни эътироф этаяпмиз-у, бироқ амалий ишга ўтолмаяпмиз.

Йўқ, бирданига барча саноат корхоналари, завод-фабрикалар, колхоз-совхозларни яшин тезлигида «мен»ларга бўлиб берайлик, деб талаб қилолмаймиз. Дастлаб лоақал уларнинг иқтисодий фойда бермайдиганлари, қарзга ботиб қолганларини хусусийлаштирайлик! Масалан, жумҳуриятимизда олти юздан ортиқ колхозсовхоз ўта қашшоқлашиб, инқироз арафасида турибди, деб бир неча бор айтилди. Ўшаларни фермерлаштириш пайти етмадими?..

Ахир, иқтисодий аҳволимиз ўз-ўзидан ўнгланмайди-ку? Гўшт тугул нархи оширилмаган нон, унга тахчиллик, танқислик барҳам топмаяпти. Ҳатто Тошкент бозорларидагина эмас, балки дўконларида ҳам бу борадаги вазият кундан кунга ёмонлашаяпти... Ана шундай шароитда жумҳуриятимиз Олий кенгашида хусусийлаштириш муаммосини кўндаланг қўйиб, ҳал этишга жиддий киришмаётганимиз, бу борада Россия тугул, ҳатто ён қўшнимиз Қозоғистондан ҳам орқада қолаётганимизга тоқат қилиш мумкин эмас.

ҲАМОНКИ, ҳозирги тангликдан чиқишнинг бирдан бир йўли бозор иқтисодига ўтишдир, деб эътироф этилдими, демак, эртага эмас, бугундан кечиктирмасдан саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни халққа етказиб бериш соҳаларини «мен»ларникига айлантирайлик. Йўқ, ҳар қандай «мен»ларга эмас, балки халқимиз, эл-юртимиз эҳтиёжларини қондирадиган, ишбилармонлиги, заковати билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий мустақиллик, эркинликка олиб борадиган «мен»ларга имкон берилса, хусусийлаштириш ўзини оқлайди.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

МЕНИКИМИ Ё БИЗНИКИ?

Хайрулла ИСМАТУЛЛАЕВ

АҚШ ПАХТАЗОРЛАРИДА

Ҳафталигимизнинг шу йилги 29 март сонида Америкадаги мухбиримиз Хайрулла Исматуллаевнинг «АҚШ пахтазорларида» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда муаллифнинг 1990 йил ноябрь ойида Техас дорилфунуни профессорлари — ўзбекшунос олима Гулиз Коруоглу ва тиббиёт факультети профессори, кимёгар олим Скот Тэтчер ҳамкорлигида Қўшма Штатлар пахтазорлари бўйлаб қилган сафари таассуротлари баён этилганди. Қуйида ана шу мақоланинг давомини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ДОН АНГОНИА — ҚАРЗДОР ПАХТАКОР

Ҳақиқий деҳқон билан учрашмасдан, унинг даласини, туриш-турмушини кўрмасдан, пахтачилик хусусида фикр юритиш қийин. Мезбонлардан штатда қолоқ ҳисобланган хўжаликни кўрсатишларини илтимос қилдим. Мени Дон Ангониа исмли фермер хўжалигига олиб боришди. Бу хўжаликнинг бир неча йил иши юришмаган, банкдан анчагина пул қарз олиб, ҳали узолмаган экан.

Дон Ангонианинг уйи ўз хўжалигининг бир чеккасига жойлашган, Бир кун аввал ёмғир ёғиб, биз борганда қуёш чиққан, бироқ Дон Ангониа дам олаётган экан.

— Пахтакор ҳам кундузи дам оладими, яна атрофингиздаги далаларда пахта очилиб ётган бўлса? — ҳазиллашдим фермер билан.

Дон Ангониа жуда очиқ, ҳазилкаш экан. Бутун умри пахта даласида ўтган бўлсада, кўринишидан бизнинг деҳқонларга, ҳатто, бригадирларга, бўлим бошлиқларига ҳам ўхшамасди.

— Дам олишимга кечаги ёмғир имкон берди. Ёмғир бўлмаса, дам қаёқда, — деди у сўроғимга жавобан.

— Бугун об-ҳаво яхшику, нега ҳеч ким пахта термаяпти?

— Ҳали пахта ҳўл, машинада теришга мос эмас.

— Машинада мумкин бўлмаса, қўлда териб олсангиз бўлмайдими?

— Нима деяпсиз?! Қўлда пахта тердирсам, уйим куяди-ку. Фойда келтирмайдиган, қимматга тушадиган пахта кимга керак?!

— Қанча ерингиз бор, ишчиларингиз неча киши?

— 1400 акра ерим бор (тахминан 560 гектар). Ўзим, катта ўғлим ва яна тўрт киши доимий ишчи ҳисобланамиз.

— Ўзингиз ишчига ўхшамайсиз-ку?

— Э, яшанг! Машинада пахтани ким теради? Мен тераман. Тракторда ким ишлайди? Мен ишлайман.

— Қандай қилиб олти киши шунча ерга чигит экиб, яна уни парваришлаб, ҳосилини йиғиб оласизлар?

— Иш жуда кўпайган пайтда қисқа муддатга яна олти кишини вақтинча ишлатаман. Бундан ортиқ одам ишлатиб бўлмайди, пахтанинг таннархи қиммат тушиб кетади. Шусиз ҳам барча нарса қимматлашяпти. Экин серҳосил бўлиши учун далаларга кимёвий ўғитлар солиш лозим. Уларнинг нархи ҳам йил сайин ошяпти. Далаларимга мен ҳар йили 12 марта турли кимёвий ўғитлар, моддалар соламан ё сепаман.

— Зарари йўқми?

— Бу кимёвий ўғитнинг қайси турини ишлатишингизга боғлиқ. Мен қўллайдиган моддалар сувга ҳам, балиққа ҳам зарар келтирмайди.

— Пахта чигитидан олинган ёғни нима қиласиз, овқатга ишлатасизми?

— Ишлатамиз. Озиқ-овқат дўконларига кириб, бир қаранг, пештахталарда тўлиб ётибди.

— Кимёвий моддаларнинг киши соғлиғига таъсири йўқмикан?

— Дўконлардаги барча сабзавотлар ҳам кимёвий моддалар солиб етиштирилган. Назария бўйича, меъёридан ортиқ қўлланилса, зарарли дейишади. Кимёвий моддани керагидан ортиқ қўллаш деҳқонга ҳам арзонга тушмайди. Деҳқон ҳар бир нарсани ҳисоблаб юриши шарт: нима қилсам, маҳсулотнинг таннархи арзонга тушади, деб. Бўлмаса, ютқазиб қўяди.

Дон Ангониа 66га кирган бўлса ҳам, ёш кўринади. Хотини 59 да, фақат уй ишларига қарайди. Катта ўғли уйланган, ўзи билан бирга пахтакорлик қилади. қизи турмушга чиққан. Кичик ўғли — талаба, университетда ўқийди, Дон Ангонианинг иккита ҳовлиси, машиналари бор. Лекин ўғит сепиш учун тайёраси, шахсий пахта заводи йўқ. Уларни бошқалардан ижарага олади. Шунинг учун бошқа хўжаликларга нисбатан камбағал.

Мен яна уни гапга тутдим:

— Қачон дам оласиз?

— Деҳқон ҳеч қачон дам олмайди. Қишда ҳам ўғит тўғрисида, пахта нархи, ерни қанчалик чуқур ҳайдаш ҳақида ўйлайди. Ишқилиб, мия ҳеч вақт бўш турмайди.

— Ўз юртингиздан бошқа жойларда ҳам бўлганмисиз?

— Унчалик кўп ерларни кўролмадим. Фақат Мексика, Шотландия, Англия, Бельгия, Польша, Багам оролларида бўлдим. Пахта етиштириладиган мамлакатларда бўлмадим, ўзим қилаётган ишларни қиёслаб кўришга имкон тополмадим. Шу афсусим бор. Иложи бўлса, ўзимга ўхшаган пахтакорлар қандай ишлаб, қандай яшаётганлигини бир кўрмоқчиман. Мумкин бўлганида, Ўзбекистонга жон деб борардим.

— Пенсияга чиқсангиз, вақтингиз бўлар?

— Тавба! Ким менга нафақа тўлайди?! Мен ахир шахсий ер эгаси — фермерман. Менинг жойим умримнинг охиригача мана шу дала. Кейинги йилларда пахта иши оғирлашиб кетди. Фермерларнинг аҳволини яхши дейиш қийин.

— Бунинг сабаби нимада?

— АҚШда деҳқончиликни сиёсат билан боғлашади: «Бу мамлакатга дон сот, мана бу мамлакатга дон сотма!» дейишади. Бу фермерлар учун зиён.

Дон Ангониа ўтган йили пахтадан ҳам, дондан ҳам жуда яхши ҳосил олган. Ишлари юришиб кетиб, жумҳуриятимизга ташриф буюриши эҳтимолдан холи эмас...

ИШБИЛАРМОН РОБЕРТ ҲЕРРИ

Техас штати Янги Бразос дарёси тумани атрофидаги хўжаликлар ичида энг ривожланганларидан, ўзига тўқларидан бири Роберт Ҳерри фермасидир. Бу ферма катта, 3400 акра (1377 гектар) ери бор. Профессор Скот Тэтчер билан фермага келганимизда, Роберт Ҳерри компьютерда нималарнидир ҳисоблаб ўтирган экан. Танишдик. Унинг ёши 42да, ўғли ва қизи бор. Бутун авлоди пахтакор ўтган. 64 ёшли отаси 40 ёшли укаси билан бошқа бир пахта фермасининг эгалари. Ҳозир ўзи бошқараётган ферма бувасидан мерос бўлиб якка ўзига қолган экан. Мен унга Ўзбекистон ҳақида, ўтган йилги пахта ҳосили ҳақида гапириб бердим. У бир қоғоз олиб, бизнинг жумҳуриятимизда 1990 йили пахтачилик соҳасида эришилган барча ютуқларни рақамлари билан ўқиб берди.

— Бу маълумотларни қайси рўзномалардан олдингиз? — дедим таажжуб билан.

— Рўзномалар ўқишга вақт қайда дейсиз? Бизга ҳар йили дунёнинг энг кўп пахта экиладиган мамлакатларида иш қандай кетаётганлиги, қанча ҳосил олинганлиги тўғрисида ўз вақтида маълумот бериб туришади.

— Бу маълумотларнинг сизга қандай нафи бор?

— Жуда катта! Ахир мен жаҳон пахта бозорини кузатиб туришим керак-ку.

— Пахтадан бўлак яна нима экасиз?

— 1000 акра (405 гектар) ерга пахта экаман, 2400 акра (972 гектар) ерни донга ажратаман. Пахта майдонининг 300 акраси суғорилмайди, 700 акра ер суғорилади.

— Пахта ҳосили қандай бўлди? — деб сўрайман яна Р. Ҳерридан.

— Суғорилмайдиган ернинг ҳар акрасидан 750 фунтдан (0,4 гектардан 338 килограммдан), суғориладиган ернинг ҳар акрасидан 1250 фунтдан (0,4 гектардан 562 килограммдан) тола олдим.

— Пахтани эндигина териб бўлдингиз, толасини қандай ҳисоблаб чиқдингиз?

— Пахта териш машиналари бункери тўлгач, ҳосилни ана у ерга тўкамиз, — Роберт Ҳерри доктор Ламберт Вилкс яратган, пахтани шиббалаб берувчи машина-хирмонни кўрсатди. —У шиббалаб бўлгач, катта юк машинамиз ўн тонналик хом пахтани тўғри заводимга олиб боради. У ерда маҳсулотни қуритиб, чигитини оламиз, сўнгра толасини той-той қилиб, тўппа-тўғри харидорларга жўнатаверамиз.

— Бу йилги пахтангиз қани?

— Бир килоси ҳам қолмади, ҳаммасини сотиб бўлдим. Чунки бу йил ҳамма ерда ҳосил яхши бўлган. Харидор борида тезроқ сотиб олмасангиз, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

Роберт Ҳеррининг ихчамгина пахта заводини бориб кўрдим. У катта, баланд бинода жойлашган экан. Хом ашё ҳовли томондан қуритиш қувурларига юборилади. Бир томонда тола тойланиб чиқарилади, иккинчи томонда чигит алоҳида идишларга келиб тушади.

— Заводни ўзингиз қурдирдингизми? Қимматга тушмадими?

— Қурилганига 27 йил бўлди. Бувам қурдирганлар. Ҳозирги нархи бир миллион доллар.

Заводнинг барча асбоб-ускуналари мойланган, янгидек ялтираб турибди. Ўзиники бўлганидан кейин пуфлаб, гард қўндирмай ишлатади-да.

Роберт Ҳеррининг хўжалигида бирорта ҳам машина очиқ ҳавода турмас экан. Барчаси учун енгил материаллардан алоҳида-алоҳида хона қурилган. Фермернинг иккита икки қаторли эски, иккита тўрт қаторли янги пахта териш машинаси бор.

— Бир хўжаликка тўртта пахта териш машинаси кўплик қилмайдими? — деб сўрайман ундан.

— Бу ерларда ёмғир кўп ёғади. Шу боис пахтани бирданига териб олиш шарт.

— Пахтани неча марта терасиз?

— Суғориладиган ерларда икки марта.

— Машиналарнинг ҳолати қандай?

— Ҳозирча яхши. Эскилари 12 йилдан бери ишлаяпти. Янгиларини олганимга тўрт йил бўлди, худо хоҳласа, яна 12—14 йил ишлатаман.

Робертнинг мўъжазгина шахсий тайёраси ҳам бор экан.

— Ишкибозмисиз, нега сотиб олгансиз буни? — сўрадим ундан бекорга пул сарфламаслигини назарда тутиб.

— Пахтага ва бошқа экинларга кимёвий моддаларни шунда сепамиз.

— Ердаги воситалар орқали сепса, бўлмайдими? Ахир тайёрада сепганда уйларга, мевазорларга, чорва устига тушиши мумкин-ку?

— Биринчидан, ердаги воситалар билан сепилса, ҳосилнинг таннархи қимматга тушиб кетади, иккинчидан, ўзингиз сепсангиз, ўз уйингиз, сувингиз, чорвангиз устига сепмайсиз, учинчидан, ўз пулингизга, яна қимматга сотиб олган нарсангизни қўшни маҳаллага учирмайсиз. Пули қуйган киши ишини билиб қилади.

— Шундай бўлса ҳам, атроф-муҳитни, сув-ҳавони текшириб турувчи ташкилотлар ҳам бордир?

— Бор. Яқинда сувимизни келиб текширишди, ҳаммаси жойида экан.

Роберт бизни машинасида олиб юриб, экин майдонларини кўрсатди. Машинасидаги телефон орқали далада ишлаётганлар билан гаплашиб турди. Кейинчалик билсам, барча ер ҳайдаётганлар тракторида ҳам телефон бор экан. Уларнинг олдига бордик. Ҳеч жойда ғўзапоя кўринмайди, дала топ-тоза.

— Ғўзапояни нима қилдингиз? — сўрадим ҳамроҳимдан.

— Кўрмаяпсизми, беш сантиметрдан қилиб, майдалаб, ерга сочиб юборганман. Унинг устидан тайёрада мана бу кимёвий ўғитни сепдим, — деди у ҳайдалмаган ерга ишора қилиб. Майдаланган ғўзапоялар ерга бир текис сочилган, устидан сапсариқ кимёвий модда сепилганди.

— Мана энди ҳайдасак, ер етарли озуқа олади.

Турли қарталаларда ер ҳайдаётганларни назарда тутиб, сўрадим:

— Нега икки ерда ерни икки хил ҳайдашяпти?

— Чунки ҳар икки қартага янаги йили турли экинлар экилади. Бир ерга ҳеч қачон кетма-кет пахта экмайман. Вилт касали бир ерга ҳадеб пахта экавериш-дан пайдо бўлади. Шунинг учун алмашлаб экишга риоя қилиш шарт.

— Фермангизда неча киши ишлайди?

— Ўн киши. Мендан ташқари куёвим ва сакниста мексикалик ишчи. Ёз ойлари иш кўпайганида яна икки ёки уч кунбай ишчи оламан.

1377 гектарли ерга ўн ишчи! АҚШ пахтакор фермаларининг

Ушбу мақола муаллифи кўпдан буён Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб ҳаёти ва ижодий фаолияти билан қизиқиб келади. Унинг буюк шоир ва шоҳ ҳақида ёзилган «Саодат соҳили» қиссаси, «Ой ботган паллада», «Паноҳ», «Нуқта» каби ҳикоялари, «Мардона китоб», «Тарихий тасвирнинг мумтоз намунаси», «Бобурнинг тушлари»» сингари мақолалари бадиий сўз мухлисларига яхши таниш. Адиб шу мавзудаги изланишларини давом эттириб, «Бобур ҳақида қисса» номли китоб устида ишламоқда. Қуйида муаллифнинг улуғ ватандошимиз шахсиятидаги мураккаб нуқталардан бири тўғрисида ҳикоя қилувчи янги мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ 510 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТАВБА

Хайриддин СУЛТОНОВ

БОБУРНИНГ БУЮК САРКАРДА бўлганлиги бизга тарихдан аён.

Буюк саркарда деган шарафга эса буюк ғалабалар туфайли эришилади.

Жаҳонгир Бобур қучган мислсиз зафарлар то ҳануз олам аҳлини ҳайратга солади. Дунёнинг турли минтақаларидаги тадқиқотчилар якдиллик билан эътироф этадиларки, «Бобур инсонлар ичида энг ботиридир» (Эдуард Холден).

Бу фикрга қўшимча қилиб, Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйидир, деб айтсак ҳам хато бўлмас. Унинг қалб дафтари — «Бобурнома»ни диққат билан варақлаган киши бунга амин бўлади. Бобур тарихий воқеалар, тарихий сиймолар, табиат ҳодисалари ҳақида қанчалар аниқлик ва ҳаққоний билан мулоҳаза билдирса, ўз шахсиятидаги номарғуб хусусиятлар ҳақида ҳам шунчалар мардоналик билан сўз юритади. Феъл-атворидаги жозъий ва улуғ нуқсону айбларни яширмай сўйлайди, изтироблари, руҳнинг ички, дардли зиддиятларини китобхондан пинҳон тутмайди.

Бу ҳол одамни беихтиёр ажаб ўйларга ғарқ қилади. Улуғ тафаккур соҳиби, улкан салтанат эгаси бўлган бир зотнинг қалбимини мудом назорат остида тутган теран ҳаққониятнинг боиси нимада? Бунга не сабаб зарурат туғилган? Ахир, чексиз ҳокимият — чексиз имконият дегани эмасми? Ахир, замондошлар ва келгуси насллар наздида ўзининг тарихий мумтоз сиймосига соя солиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатлардан кўз юмиб қўяқолиш Бобур Мирзо учун унчалар қийин эмас эди-ку?! Наинки уни ёлғончиликда, бугунги тил билан айтганда, тарихни сохталаштиришда айблашга бирор кимсанинг ҳадди сиғарди?

Менинг назаримда, бу ҳолнинг иккита сабаби бордек. Қадим дунёнинг ориф инсонлари оқ қоғоз бетига ёлғон ёзмоқдан парҳез қилар эдилар. Чунки улар каломни ҳамиша олло таолонинг номи билан бошлардилар. Қоғозни ҳам, унга битилган сўзларни ҳам нон даражасида муқаддас, мўътабар тутар эдилар. Бобур Мирзо ҳам, табиийки, ёшлик чоғларидан ана шундай зиёли муҳитда вояга етган, бинобарин, даврнинг мазкур удумига қатъий риоя қилиши шубҳасиз эди. Иккинчи сабаб эса, Бобурнинг шахсиятидаги мардоналик, ростгўйлик, шижоат ва ўктамлик билан чамбарчас боғлиқдир. «Бобурнома» саҳифаларида ҳақиқат Бобур ҳаётнинг бош мезони, асл моҳияти сифатида кўринади. Бобурнинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили ғоят бешафқат, аёвсиз. У ўзгаларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатларини қандай талаблар асосида баҳоласа, бу талабларни энг аввало ўзига қўйиб кўради, яъни ичоқни олдин «ўзига уради».

Биз ўтмиш ҳақида сўз юритганимизда кўнглимиз мумдек эриб, баъзан турфа хил хаёлларга бериламиз. Мозийда кечган турмуш кўз ўнгимизда гоҳо мужассами ахлоқ, мужассами одоб каби намоён бўлади. Ҳолбуки, у даврларда ҳам фариштaлар эмас, сизу бизга ўхшаган феъллари одамлар яшаганлар, у одамларнинг ҳам, замонанинг ҳам ўз маънавий муаммолари мавжуд бўлган. Ва таажжубки, уларнинг аксарияти ҳозирга қадар муаммолигича қолиб келаётир. Донишманд адибимиз Абдулла Қодирийнинг сўзлари билан айтганда: «Халқимиз таъбирича, у замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон — мусулмон, бек — мусулмон, халқ — мусулмон, бунинг устига, юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Ўғрилик қилгани учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкилик учун қирқ дарра урилади... Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари орқасидан қолмайдилар, пештоқдан қопга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар ҳумлаб қайнаб ётса, иккинчи томондан расмий суратда ичкилик сотиш билан тиркичилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар...»

Шавкатли шоҳ, ҳассос шоир Бобурнинг ҳаётида ҳам ана шу «тантанали таъбирни бузиб қўядиган» бирмунча ишлар содир бўлган эдики, биз улардан аввало Бобурнинг мардона эътирофи туфайли воқиф бўламиз: «Шанба куни ойнинг йигирма учида бу гирд суфанинг устиға чанор ниҳоли ва тол ниҳоли дарҳам тикилди. Намоз пешин чоғир суҳбати бўлди, саҳари ушбу суфанинг устида сабуҳий қилдук...»

Чоғир суҳбати!

Жаҳондаги не-не улуғ зотларнинг ақлу ҳушини забт этиб, иродасини маҳв этган чоғир балоси Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам ўз домига тортган эди...

Соҳиби фазилат ва соҳиби ҳикмат бўлган Бобур бир муддат май денгизида сузгани ва қарийб ғарқ бўлаёзганини, бундан қандай изтироблар, ранжу азиятлар чекканини ростдек (ҳаёт сувидек — **Х. С.**) юта кириштилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, менга ичирғайлар, мени ҳам бу доирага киирғайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлғунча чоғир иркитоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлиқ кайфияти ва ҳолатини камоқаққуҳу билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водини тай қилмоққа кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклиф қилсалар ҳам узрлар айтиб, иртикоб қилмас эдим... Сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эрди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмоғон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди. Хотирға кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек оросто шаҳриға келиб турбизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукаммал ва муҳайё бори тақаллуф ва танаъум ашё ва адовати омада ва пайдо, ҳоло ичмасам, қачон ичармен, деб ичмакка азм қилдим ва бу водини тай қилмоқни жазм қилдим».

Бу воқеа Бобур Мирзонинг навқирон чоғларида, бир минг беш юз еттинчи йили Ҳиротда, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Музаффар мирзо хонадонида юз берган эди. Бобур ҳали умрида бода кайфини татиб кўрмаган, бинобарин, юз-хотир, андиша туйғуларини унутмаган эдики, мазкур ўтиришда чоғирни рад қилади (гарчанд кўнгул анга мойил бўлса-да!) ва бунинг боисини шундай изоҳлайди: «Вале хотирға кечтиким, Бадиуззамон мирзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсам, хотириға нима келғай, деб, бу тараддудимни айтдим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар...»

Одамзот нима учун ичади ўзи? Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан буён дунёнинг жамики ахлоқ қоидалари маън қилиб келишига қарамай, нега бу қадар майга инсон ружу қўйган?.. Ким билади, дейсиз. Бировлар йўқчиликдан ичади, бировлар тўқчиликдан. Айримлар ғаму қайғуларга чидаёлмай ичса, айримлар шоду хуррамлигидан ичади. Мабодо бир мўъжиза рўй бериб, тарих эврилсаю Бобур Мирзога ҳам шу савол берилса, қандай жавоб олган бўлур эдик? Афсуски, биз буни билмаймиз. Тахмин қилмоғимиз мумкин, холос. Эҳтимол, шоир дилини ўртаган армонлар боис чоғирга майл қўйгандир. Эҳтимол, дунёнинг бебақолигини теран англаган файласуф бўлгани туфайли кўнгил фарёдини босмоқ учун майга зўр бергандир? Балки. Лекин, менга шундай туюладики, Бобур Мирзонинг шароб базмига юз бурган кезлари унинг **фаолиятсизликдан*** зеркан чоғларидагина рўй беради. Жангу жадаллар билан, тинимсиз ҳарбу зарблар ёхуд улкан, машаққатли ижодий меҳнат билан банд бўлган пайтларида, яъни бу дунёнинг якранг, файзсиз ва беқут манзараларидан руҳи ўзга бир сирли оламга кўчган вақтларда бода истаги буткул унутилади, нафақат истак, бу тушунчанинг ўзи Бобур ҳаётидан гўё бадарға қилинади.

Жаҳоний фаолият миқёсларига яратилган улкан музтариб қалб ҳамиша ҳам ўзига муносиб машғулот тополмаган чоғларида оддий ҳою ҳаваснинг, инсоний нафснинг қули бўларкан-қоларкан... «Букун Гандамакка тушуб, гонгласи Жигдалик тушулди. Намоз шомға яқин чоғир мажлиси бўлди, аксар ичкилар бор эдилар, охир суҳбатта Қосимбекнинг хоҳарзодаси Гадойи Муҳаммад хили шалойинлиқ қилди. Маст бўлғонда менинг ёнимдаги такяга таянди. Гадойи тағойи мажлисдин кўтариб чиқарди...».

Зикр этилмиш тафсилотларнинг аксарияти бир минг беш юз йигирма бешинчи йил воқеаларига — Бобурнинг афғон диёрида турғун бўлиб қолган даврига тўғри келади. Оқмай туриб қолса, сув ҳам бузилади, дейди мавлоно Гулханий. Бу кезлар Бобур Мирзонинг ҳаётида айни шундай дамлар бўлган эди. Атрофни қуршаган бир гуруҳ майзадалар билан у ўзига хос бир дунёда яшардики, бу дунёнинг ғаройиб қонунлари, расм-русумларию ғалати мантиқлари бор эди. Бу муҳитда уят, шарму ҳаё ва андиша деган тушунчаларга ўрин берилмас эди: «Мундин отланиб, Гулбаҳор борилди. Намоз шомдин сўнг чоғир суҳбати бўлди. Бу суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад сорбон бўлур эди. Агарчи йигит эди ва сипоҳи эди, вале чоғир иртикоб қилмас, тоиб эди. Қутлуқ Хожа кўкалдош муддати мадид эди, сипоҳиликни тарк қилиб, дарвеш бўлуб эди. Ёши ҳам хили бор эди, соқоли худ оппоқ оқариб эди. Ҳамиша бу суҳбатларда ҳарифи шароб эди. Мен Дарвеш Муҳаммадқа дедимким, **Қутлуқ Хожанинг соқолидан уял!** Дарвеш ва қари ва оқ соқоллиқ ҳамиша чоғир ичарсен, сипоҳи ва йигит ва қоп-қора соқоллиқ ҳаргиз ичмассен, не маъни?.. Сабоҳи сабуҳий қилдук...»

Бу давра чоғир базми учун жой танламас эди: «Шанба куни ойнинг ўн бирида мажлис эди, намоз дигар била намоз шомнинг орасида, **улуғ каптархонанинг томининг устиға** чиқиб ичилди...»

Суҳбат учун сабаблар ҳам мудом тайёр эди: **«Чун бу дағдаға бор эдикким, қирқ ёшқа бир йилдин озроқ қолиб эди,** ифрот била ичилур эди...» **«Ҳазон боис бўлди,** чоғир ичилди. Завол вақтиғача мунда ичилди...»

Баъзан кайф устида ҳамиша бўлганидек ҳам кулғили, ҳам қўрқинчли воқеалар рўй бериб турар эди: «Андин сўнг отланилди. Мажлис аҳли гузаро мастлар бўлуб эдилар. Сайид Қосим андоқ маст эдиким, икки навкари ташвиш била от устиға олиб, ўрдуға еткурдилар. Дўст Муҳаммад Боқир андоқ маст эдиким, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий чуҳра бошлиқлар ҳар неча саъй қилиб, отландура олмаслар. **Бошиға сув қуярлар ҳам бўлмас.** Бу фурсатта бир пора афғон пайдо бўлур. **Амин Муҳаммад тархон чоғир кайфиятида хаёл қилурким, мунн мундоқ этиб олдирғунча бошини кесиб олиб кетарбиз.** Бори юз машаққат била от устиға солиб, олиб келурлар...»

Бу муҳитда ҳатто аёл кишининг ҳам ичишига изн берилар эди. Мана шундай чоғир базмларидан бирида Бобурнинг мулозими Турдибек Ҳулҳул энага деган бир аёл подшоҳ билан май ичмак орзусида эканини баён қилади. Бобур ҳам қизиқиб, хотин кишининг ичганини кўрган эмасдим, дея розилик беради. Аммо оз фурсат ўтмай, бу бадмаст хотин — Ҳулҳул энага кўрсатган шалойинликлардан безор бўлиб, ўзини мастликка солиб базўр қутулади...

ТАБИИЙ БИР САВОЛ ТУҒИЛАДИ: наҳотки Бобурдек закий, нозиктабъ бир зот инон-ихтиёрини муҳит эркига буткул бериб қўйган бўлса?..

Йўқ, Бобур денгиз тўлқинларига ташлаб қўйилган кеманинг ҳалокати муқаррар эканлигини яхши англарди. Айни саргузаштларидан мутанаффир бўлиб — нафратланиб юрарди. Тушиб қолгани гирдобдан халос бўлиш йўлларини туну кун ахтарар эди. Ўз ҳолатини истеҳзо ва маъюслик билан эътироф қилар, эътирофларини самимият билан «Бобурнома» саҳифаларига қайд этар эди: «Боғи Калонда... **тонгласи** чоғир мажлиси бўлди. **Охшомғача** ичилди. Сабоҳи сабуҳий қилдук... Намоз хуфтанғача ўшул ерда-ўқ суҳбат эди. Мулла Маҳмуд Халифа келди. Ани ҳам суҳбатқа чорладук. Абдулло хили маст эди. Халифа тарафидин бир сўз чиқди. Мулло Маҳмудтин ғофил бу мисраъни ўқудиким: «Бар ҳарки бингари баҳамин доғ мубталоаст» («Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир»).

«Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир...» Бу гап қачон, қайси замонда айтилган? Кечами ё бугун? Яна не вақтга қадар долзарб бўлиб қоларкан у?..

Шу тариқа орадан уч йил ўтди. Саодатманд шоҳ, армонли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу кечган фурсат мобайнида кўп яхши-ёмон кунларни бошидан ўткарди, чархнинг жабру жафосини ҳам, ҳаёт нашъаси ва қувончларини ҳам обдон тортди. Ва ниҳоят умр шундай бир манзилга етиб келдики...

«Душанба куни, жумодил-аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикобидин алад-давом кўнглумда ғубор эди, дедимким, эй нафс:

Чанд боши зи маоей мазакаш
Тавба ҳам бемаза нест бичаш...»**

Бу воқеа ҳижрий тўққиз юз ўттиз учинчи — милодий бир минг беш юз йигирма олтинчи йили содир бўлди. Бобур ўша йили Ҳиндистонни забт этди.

Худди шу йили у яна бир буюк ғалабага эришди.

Бу улуғ зафарнинг номи — ТАВБАдир.

Бобур айни ўшал фурсатда Нафс устидан буюк ғалаба қозонди — ичкилик балосини енгди. Келинг, бу машаққатли, уқубатли ғалаба тафсилотларини кўздан кечирайлик. Ғалаба шарафига, маълумки, тантанавор қасидалар муносибдир. Шу боис ҳам Бобур бу ҳақдаги ҳикоясини энди наср билан эмас, назмнинг баланд пардаларида давом эттиради:

Неча исён била олудалиғинг,
Неча хирмон аро осудалиғинг,
Неча нафсингга бўлурсен тобиъ,
Неча умрунгни қилурсен зойиъ.
Нияти ғазв ила ким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен,
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар,
Дур этар жумла маноҳийдин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин,
Хуш қилиб ўзни бу жечмакликтин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.

Олтуну нуқра суроҳийю аёқ,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум...

Ўн икки ёшидан то ҳануз тахт устида, салтанат ташвишлари, чопқин ва босқинлар билан юриб, Бобур Мирзо талай ғалабаларни қўлга киритган эди: гоҳ Шайбонийхон устидан, гоҳ афғон беклари устидан, гоҳ Иброҳим Лўдий, гоҳ Роно Санго устидан ғолиб келиб, музаффарлик шавкатига ботган эди. Аммо бу сафарги ғалабанинг нашъу наъмоси, шукуҳи ва аҳамияти буткул ўзгача эди. Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, тўқайдаги йўлбарсни енгган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енгган кимса баҳодирдир.

Бу тавбанинг бошқаларга ҳам тааллуқли ва ибратли жиҳатлари бор эди: «Бу синдурулғон олтун-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларға ва дарвешларға улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди, асос эди. Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳилардин ва ғайри сипоҳидин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни тўктуруб, Бободўст келтурган чоғирларни буюрдукким, туз солиб сирка қилғайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир войин қоздурулди. Ният қилдумким, бу войинни тош била қўпортуб, бу войиннинг ёнида буқъайи хайре қилғайлар...»

ТАМОМ. ШУ БИЛАН ЧОҒИР БАЛОСИ ВА БУЮК БИР ЗОТНИНГ ундан қай тариқа халос бўлгани хусусидаги суҳбатга нуқта қўйсак ҳам бўларди, бироқ... «Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас», деган хавотир билан, «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларини қаҳриқараб варақлашда давом этамиз. Бирор саҳифадан Бобурнинг самимий эътирофи ила бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган далолат чиқиб қолмасмикан, деган иштибоҳ хаёлнинг бир четида муқим турaверади. Лекин, минг шукрки, бундоқ хижолатли ҳолни қайтиб учратмаймиз. Аксинча, тавбанинг қандай машаққатлар эвазига келганидан, унга элтар йўлларнинг нечоғли оғир ва азобли бўлганидан хабар топамиз.

Бир минг беш юз йигирма саккизинчи йили Бобур Хожа Калонга битган мактубларининг бирида бу хусусда юрагини очиб сўзлайди: «Яна Абдуллоға битилган китобатта мастур эдиким, тавба водисида мувофақат дағдағаси кўп бўлуб эди, бу рубоий андаке мониъ бўлди:

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл борча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилубмену пушаймондурмен.

«Яна ул рубоий ўтган йили айтилиб эди, — дея изоҳ беради Бобур. — Филвоқиъ, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқким, **чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадиға етар эдим.** Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул дағдага тамом хотиридин рафъ бўлди... **Сиз ҳам тавба қилинг...»**

Бобур Мирзо бу ғалабанинг ўз шахсий ҳаёти ва салтанат ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини теран англар эди. Шу сабабдан мазкур улуғ зафар муносабати билан бобурийлар салтанати бўйлаб махсус фармони олий эълон қилинди. Фармонда, жумладан, қуйидаги сўзлар ҳам битилган эди:

«... Тавфиқ йўлловчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, киради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва **бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш** билан бошлашни **буюрди.**

Алқисса, «Эй раббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

...Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўкис охирига етганидан сўнг, олам буйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (худо офат ва хавфлардан омон қилсин) **мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин,** эҳтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар».

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига етишмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган карам тўқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган **тамғани,** ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киритмасинлар: «Кимки буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади».

Тавба ва унинг хосияти ана шундай якун топди.

Шоядки, у бизга ҳам ибрат бўлса.

«Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсанглар».

---

* Мақоладаги барча таъкидлар муаллифники. — Ред.

** «Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр».

1991 ЙИЛ—АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

СЎЗ ПИРИ

УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИР, буюк давлат арбоби Алишер Навоийнинг 550 йиллиги қардош элларда ҳам кенг нишонланаётгани табиий бир ҳол. Чунки Алишер Навоий бутун Шарқ маданиятининг, барча туркий халқлар маданиятининг муштарак фахридир.

Буюк бобомизнинг даҳо санъаткор бўлиб етишувида бутун Шарқ мамлакатларининг файласуфлари, шоирлари, адиблари, олимлари ижодининг ҳаётбахш таъсири бор, албатта. Демак, Алишер Навоийнинг 550 йиллиги биргина ўзининг, фақат ўзбек халқининг байрамигина эмас. Балки Алишерни Низомиддин Амир Алишербек Навоий даражасига кўтариб шарафлаган, ўрта асрлар шароитида ҳимоя қилиб, баракали ижод этишига имконият яратиб берган, унинг дўсти, кўкалдоши, Хуросон мамлакатининг подшоҳи шоир Ҳусайн Бойқаронинг ҳам эъзозланишидир. Кўҳна Шарқимизда ижод аҳлига кўрсатган ҳомийлиги ва мурувватига қараб ҳокимга муносабат билдирилиши бежиз эмас, албатта.

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги туркий халқларнинг буюк ижодкорлари бўлмиш Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Имомиддин Насимий, Қутб Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атоий, Лутфийнинг, буюк файласуф шоир, Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, «турк пири» бўлмиш Аҳмад Яссавийнинг, сўфийлик тариқатининг буюк намоёндаларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Қосим Анвар, Баҳоваддин Нақшбандий, Хўжа Аҳрорнинг ҳам байрамидир.

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги имом Бухорий, имом Термизий, имом Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби буюк уламоларнинг ҳам тўйи. Чунки тасаввуф таълимотисиз Навоий ижодини тасаввур этиш мумкин эмас. «Бир бечора кўнглини овлаш, бузилган Каъбани тиклаш билан баробардир», деган фикр Навоий ижодининг туб мағзидир.

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби форс шеърияти қуёшларининг бугунги кунда яна бир балқиб кўринишидир, унга маънавий оталиқ қилган зоти поклардан бўлмиш Саййид Ҳасан Ардашер, Аҳмад Ҳожибек, Файзуллоҳ Абуллайсийнинг барҳаётлигидан бир нишонадир.

1991 йил Ўзбекистонда Алишер Навоий йили деб эълон қилинган экан, бу тадбирга ана шундай умумбашарий нуқтаи назардан ёндашиб, масала моҳиятини кенг ва чуқур тушуниш лозимдир. Одатда ижодкорнинг юбилейлари халқнинг якдил бўлишига хизмат этади. Ижодкор қанчалик буюк бўлса, унинг бирлаштирувчилик қудрати шунчалик қудратли бўлади. Алишер Навоийдек даҳо санъаткорнинг 550 йиллиги эса халқаро дўстликни, тотувликни мустаҳкамлайди, албатта.

Зотан, Алишер Навоийнинг асарлари ўзи ҳали тирик бўлган XV асрдаёқ уч қитъага — Осиё, Африка ва Оврўпа қитъаларига, амир Темур бирлаштирган 27 мамлакатга тарқала бошлаган эди. Шу жумладан, унинг девонлари Хуросон ва Туркистон мамлакатларидан ташқари Эрон, Озарбойжон, Арманистон, Гуржистон, Туркия, Миср, Шом, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Ҳожитархон, Қозон ва Қрим хонликларигача қуёш шуълаларидек тарқалган эди. Буюк бобомиз башарият фарзанди сифатида камол топди, инсониятга хизмат этиб, жаҳон тарихидан мангу ўрин эгаллади. Буларнинг барига тинимсиз ижод қилиши туфайли эришди. У энг аввало ҳассос шоирдир.

Алишер Навоийнинг деярли барча асарлари бизгача бекаму кўст етиб келган. Бунинг боиси яна ўша юқорида эслатиб ўтганим шоир ва подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий асарларини хаттотларга узлуксиз кўчиртириб, турли ўлкаларга пайдарпай жўнатиб туришидир, бу ишни шахсан ўзи назорат қилиб, давлат аҳамиятига молик вазифа деб тушуна билишидир. Натижада биз авлодлар Алишер Навоийни эслаганимизда албатта унинг ҳомийсини ҳам ҳурматсиз ёдга оламиз. Чиндан ҳам, бу ибрат олса арзигулик тарихий ҳодисадир. Сиёсат билан ижод бир мақсад йўлида уйғунлашса, Алишер Навоийдек даҳо санъаткор бўй кўрсатар экан!

АЛИШЕР НАВОИЙ обрўли ва тадбирли давлат арбоби эди. Темурий подшоҳлардан Ҳусайн Бойқаронинг қарийб 40 йилга яқин Хуросон мамлакатини бошқаришида Алишер Навоийнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. У давлат устуни, таянчи ҳисобланган. У мамлакат бутунлигини сақлашга ҳаракат қилди. Унинг мақсади ўз замонасининг илғор кишиларини, олимларини, санъаткор, мусиқашунос, меъмор, шоирларини юртни обод этиш ишига жалб қилиш ва Ҳиротни катта маданий марказга айлантириш эди.

У 30 дан ортиқ бадиий ва илмий асарлар, рисолалар яратди. Шарқ шеъриятида ўзига хос хамсачилик мактаби бор. Хамсачилик яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган адабий анъанадир. Бу анъанани XII асрда улуғ озарбойжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий бошлаб берди. Кейин эса асли шаҳрисабзлик бўлмиш Хисрав Деҳлавий давом эттирди. Шундан сўнг «Хамса»ни Алишер Навоий яратди.

Бироқ улар орасида фақат Алишер Навоий яратган «Хамса» туркий тилдадир, бошқалари форсчадир. Демак, Навоийнинг «Хамса»си барча туркий халқлар адабиётлари учун юксак бир чўққи ҳисобланади.

Алишер Навоий буюк олим ва беқиёс назариётчи ҳамдир. «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» ва «Рисолаи муаммо» асарларининг ўзиёқ бу фикримизни тасдиқлайди.

Ҳусайн Бойқаро замонида Хуросон мамлакатида 12 мингдан (!) ортиқ (бошқа бир маълумот бўйича 16 мингдан кўп) иншоот қурилган. Булар нафақат пойтахт Ҳиротда, балки мамлакатнинг барча қисмларида — Балхдан тортиб, Мозори Шарифгача, Машҳаддан тортиб, Марвгача бунёд этилган.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаролар яшаган замондаги Хуросонни кўз олдимизга келтирсак, ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми, жумладан, Марв вилояти ўша мамлакат таркибида бўлганини кўрамиз. Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолидан воқиф бўлган кишилар биладиларки, Мурғоб дарёси қирғоқларида, Марв вилоятида, Сарахс қўрғонида Алишер Навоий кўп марталаб бўлган, яшаган, мамлакатда тинчлик ўрнатаман деб, бу йўллардан кўп юрган, элчи бўлиб келиб сулҳлар тузган.

Алишер Навоийни бугунги Туркманистон билан боғлаб турган асос фақат бугина эмас. Маълумки, Алишер Навоий жами 310 иншоот қурдирган. Булар мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, работлар, шифохоналар, кутубхоналар ва бошқа иморатлардир. Шулар жумласидан, Ҳиротда қурдирган «Ихлосия», «Шифоия», «Низомия» мадрасалари, «Унсия» кутубхонаси, «Халосия» хонақоҳи халқларимиз фани ва маданияти равнақига катта ҳисса қўшган. Буни қарангки, улуғ устознинг назари Марвга ҳам тушиб, бу шаҳарда «Хусравия» мадрасасини қурдирганини Навоий йилида эслаш алоҳида завқлидир.

Шуни чуқур таассуф билан қайд этиш керакки, Алишер Навоий лойиқ бўлган ўрнини жаҳон миқёсида ҳали ҳам топа олгани йўқ. Ваҳоланки, холис адабиётшунос олимларнинг якдиллик билан эътироф этишларича, Алишер Навоий барча туркий халқлар адабиётидаги ягона доҳийдир. Навоийдек улуғ шоир ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам дунёга келган эмас.

Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи халқларимиз турмушига унинг асарлари кенг ёйилишига, оламшумул ғояларининг дунё китобхонларига кўпроқ тарқалишига даъват қилинганида, деб биламан.

Бунда, энг муҳими, унинг ғояларини турмушга татбиқ этишдир. Маълумки, халқимиз, энг аввало, уй-жойини, бошпанасини ватан деб тушунади. Шу сабабдан бўлса керак, халқимизнинг қурби етган вакили албатта иморат солади, ватанли бўлишга интилади. Қурби етмаганлар Навоий замонида ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор.

МИР АЛИШЕРБЕК ҲАЗРАТЛАРИ ўз замондошлари бўлмиш кўпдан-кўп қўли қисқа ижод аҳлига ўз ҳисобларидан ҳовлижой қилиб берганлари тарихий асарлардан маълум. Тасаввур қилиш мумкинки, агар Мир Алишербек ҳазратлари тирик бўлганларида, бошпанасиз ижарамаижара юрган истеъдод эгаларига ёрдам қўлини дариғ тутмаган бўлур эдилар.

Айтмоқчиманки, ул ҳазратнинг тўйи йилида уйжойга жуда муҳтож қалам аҳлига, бугина эмас, барча тур ижод аҳлига пойтахтда ва вилоятларда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан мурувват кўрсатилса, улуғ устознинг руҳи поклари беҳад шод бўлур эди.

Тўра СУЛАЙМОН

ТУРКИЙЧА

Тилга тушган шифокор Айдар оға Ёқуб ўғлига

Туркийдир қавмим маним, атворим ҳам туркийча,
Дину имон, эътиқод, қарорим ҳам туркийча,
Лочин мисоли учиб, қўнарим ҳам туркийча,
Дўстга дўст, ғаним йўлин тўсарим ҳам туркийча...

Лек ўз маконим туриб ўзга маконда ўсдим,
Улан тўшагим туриб бир ломаконда ўсдим.
Ломакон десам бўлмас кўҳна Туронда ўсдим,
Қул эмас, султон бўлиб Ўзбекистонда ўсдим.

Биз унда бола эрдик, қирқ тўртинчи йил эрди,
Давлат бошида турган бир кимса қотил эрди.
Қувғин қилинган бир эл ўлмоққа мойил эрди —
Ёшу кексаси бирдай жонсиз шамойил эрди.

Биз қўнган бу ошёнда туз-нон ўртада бўлди,
Қиз олиб, қизлар бердик — имон ўртада бўлди.
Тўйи томошо, орзу, армон ўртада бўлди,
Бизлардан Қора денгиз — уммон ўртада бўлди...

Аслинда ҳар кимнинг ўз эли бўлгани яхши,
Ўз мактаби, ўз она тили бўлгани яхши,
Ўз андалиб чамани, гули бўлгани яхши,
Ўз боғи, ўз бўстони, боли бўлгани яхши.

Ўз катагидан чиқиб изғиб юрган ким асли?
Мачит, минораларни бузиб юрган ким асли?
Қардошлик ришталарин узиб юрган ким асли?
Ўзган, Ўшда... ғалаён қўзғаб юрган ким асли?

Ҳиссиётга салгина берилгандай бўлдим-ов!
Қайта бошдин туғилиб, яралгандай бўлдим-о!
Борлиқ маломатлардин орилгандай бўлдим-ов!
Қаро тупроқмас нурга йўғрилгандай бўлдим-ов![1]

Бари бир, қавмим туркий, атворим ҳам туркийча
Дину матлаб, эътиқод, қарорим ҳам туркийча
Бургут мисоли учиб қўнорим ҳам туркийча
Дўстга дўст, душман йўлин тўсарим ҳам туркийча...
Номусу ор йўлида ўларим ҳам туркийча.
Тангрига топинар чоғ — саҳарим ҳам туркийча.

НОЛА

(Ерга, элга, дилга, тилга яқин бўла келган Абдулло қори ибн Жалолиддин, ғўлакандозлик Абдуқаюм домла Олимзода, Рўзибек сахий Рўзибей ўғли ҳамда Бобохўжа бобомизнинг суюкли набираси Рустамхонларнинг мангу маконларига йўл олган энг қайғули, энг қабоҳатли кунлари битилган марсия)

Ер ёрилиб, осмон узила тушди,
Қўкнинг авзойи ҳам бузила тушди.
Тоғлар ҳам тебраниб, дарёлар тошиб,
Кўнгил вайрон бўлиб эзила тушди.

Юлдузлар кўз юмиб, ёмғир қуюлди,
Фалакнинг қабоғи-қоши уюлди,
Қиёмат қойимга ўхшаб туюлди —
Мустаҳкам бир қалъа бузила тушди.

Садр ҳам бошланди бир нола билан,
Тангри Таолога тавалло билан.
Ҳеч ким эшитмаган бир наво билан
Қабоҳатли давра тузила тушди.

Бўзлашнинг нелигин мен шунда туйдим,
Мунгли ун олдида музтар туюлдим.
Селга айланиб, сўнг сойга қуюлдим...
Менинг кимлигим ҳам сезила тушди.

Азал котибларин ажаб ишлари,
Қимга қайғу, кимга навозишлари.
Ижро этилиб уч фармойишлари
Самодин тўрт садо соз ила тушди.

Оғоч отга бир-бир минар бўлдилар,
Тақдирга тан бериб, кўнар бўлдилар.
Асл ўтовига қўнар бўлдилар.
Қаро Ер бирма-бир қазила тушди.

Офтоб ҳам шу куни ботди бўзариб,
Қабристондин қайтди барча мунғайиб.
Одамзод Табиат олдида ғариб
Деган бир нома ҳам ёзила тушди.

[1]. Қрим татарларининг ўз ватанларига қайтиш бахтига муяссар бўлганликлари кўзда тутилмоқда.

...ДЕГАНИЧА БОРМАСМИ

(Етти ўғил, уч қизнинг онаси; уч куёв, етти келиннинг қайнанаси, ҳовли тўла бола-набира, чевара, эвара, дувараларнинг қўрғонқалъаси Насиба Усто Мирзо қизига).

Насиб қилса азонда йўл оламан йироққа
Дашти Қарбало недир, ундан ҳам нарироққа.
Қулбайи хонамизда қўни-қўшни жам букун,
Уй ичи, ҳовли сатҳи хиёл саранжом букун.
Урта тўла ноз-неъмат, дош қозон ишга тушган.
Кўпни кутиш осонмас, хоним ташвишга тушган.

Авжида эди чандон чолларнинг ҳангомаси,
Каминани мақтарди қайси бир «алломаси»:
— Мадинани кўрмоқлик ҳар кимга насиб қилмас,
Фақат суйган қулини бундан бенасиб қилмас...

Қўл очиб дуо илар мушфиқ онаизорим,
Бошимга кулфат тушган кунларда ғамгузорим:
— Энди бормаган еринг Мисрмиди, жон болам,
Узоқ юриб кўз ёшим қилмагил маржон, болам.
Утганлардан қолган гап, кўрган қолар дунёни...
Зиёрат қилмай қайтма, Маккайи Мадинани.

Мен дедим:
— Қиблам ҳам сиз, Макка ҳам Мадинам сиз,
Менинг учун муборак ўн саккиз минг олам сиз.
Бу дунёда қиёси, тенги кам муҳтарамсиз.
Биз сизга сиғингаймиз, сиз, ахир, паноҳимсиз.
Сизнинг сийна сутингиз ато қилмиш жон менга,
Жон била қатра-қатра қон менга, дармон менга.
Сизнингсиз қайда эди сўз бирла забон менга.
Бир парча этдан одам қилган саждагоҳимсиз.

Бир умр армон менга, кўзингизда нам кўрсам,
Кўксингизда дард кўрсам, ҳасрат ё алам кўрсам.
Ризқингиз бутун кўрмай ярим кўрсам, кам кўрсам.
Сиз менинг дуогўйим, менинг такягоҳимсиз.

Сизсиз равшан кун қайда, сизсиз дилда имон йўқ,
Сизсиз ойдин тун қайда, сизсиз тонг йўқ, замон йўқ.
Сизсиз тоғ йўқ, таянч йўқ, сизсиз давру-даврон йўқ.
Сизсиз кун йўқ, қувонч йўқ. Сиз зиёратгоҳимсиз.

ИҚБОЛ

БОЙЧЕЧАК

Кўзларимнинг музини кўз билан эритган қиз,
Андуҳларнинг изини бир кулиб, аритган қиз,
Бойчечагим бойланди...

Қошларингга эргашиб, қалдирғочлар қайтдилар,
Қошларимга энгашиб, валфажрлар айтдилар,
Бойчечагим бойланди...

Қадамида гул унган афсона қиз, эртак қиз,
Юзларида кун кулган ягона қиз, эрка қиз,
Бойчечагим бойланди...

Бойчечагим — ой чечак, осмон бўлдим, ёрижон,
Юлдузни қучган кеча бағрим тўлди, ёрижон,
Бойчечагим бойланди...

Кўнглимнинг кенглигида гул ундирган гулпари,
Дур сочиб енгларидан, нур синдирган гулпари,
Бойчечагим бойланди...

Гулдек нозик қўлингга бойчечагим бойланди,
Бир кулдингу қўйнимда бойчечакка айландинг...
Бойчечагим!

ОҒРИҚ

Қилич навдаларнинг шаффоф қини бор,
Олов тебранади улкан лоладай.
Ут каби исёнкор, қордек беғубор —
Гулхан атрофида учта болакай.
Чўғлар чирсиллайди, гулхан ёнбошлаб,
Қийиқкўз болага тегишар атай.
Зуҳрода сайр этар, қўйларни ташлаб,
Гулхан атрофида учта болакай.
Кўзилар замҳарир майсани топтаб,
Оғзининг ҳовурин кавшайди тинмай.
Минг жумбоқни ечар, қўлларин тоблаб,
Гулхан атрофида учта болакай.
...Бугун кўкрагимда симиллар оғриқ,
Бугун қўлларимда парчаланган най.
Мен сизни соғиндим ҳаммадан ортиқ,
Гулхан атрофида учта болакай!
Манҳус давраларда даврлар сурдим,
Қасамлар ичдиму ичавердим май.
Ойдин лаҳзаларни сиз билан кўрдим,
Гулхан атрофида учта болакай.
Сиз мени чақиринг, қийналиб кетдим,
Сиз мени чақиринг, ўзимга қайтай.
Чақиринг, юракка ҳарорат етсин,
Гулхан атрофида учта болакай...
Гулхан атрофида учта болакай...

АЗА

Эшилиб-буралиб, юлқинар узум,
Шапалоқ барг аро мўлтирар осмон,
Сиёҳранг райҳонлар яширар кўзин...
Устунга юз босиб,
Йиғлайди чопон.
Эсанкираб, ҳушин йўқотган дувол,
Бостирма остида нам тортар сомон,
Дарахтга суянар чарчаган шамол...
Устунга юз босиб,
Йиғлайди чопон.
Тупроқ кўпчиб кетган, шўрлаган тупроқ,
Сўрида якандоз эзилган ёмон,
Хонтахта устида сарғайган япроқ...
Устунга юз босиб,
Йиғлайди чопон.
Чумоли уяда парпирамас нур,
Қалдирғоч инида лой бўлган тугён,
Бешиктебратарлар маҳзун тебранур...
Устунга юз босиб,
Йиғлайди чопон.
«Ҳеч ким етолмаган осмон тоқига...»
Тиргакка таянар мункайган айвон.
Устун бўлолмаган соҳиб ҳаққига
Устунга юз босиб,
Йиғлайди чопон.

Қутлайлиз!



У ёшлигида ҳамма қаламкашларга ўхшаб шеърлар ёзган, ҳикоялар, очерклар машқ қилган. Буларни жамоа хўжалигида ишлаб, қурилишда ғишт териб, саноат корхонасида станокларни бошқариб юриб, ҳавас билан яратган. Аста-секин дилидаги ҳавас адабиётга муҳаббатга айланган. Мактабда тил ва адабиёт муаллими, Бўстонлиқ, Оржоникидзе туманлари рўзномаларида ишлаган пайтларида ижоднинг, яратишнинг сермашаққатлилигини чуқурроқ англади. Кейинчалик «Шарқ юлдузи» ойномасида, ҳозирги кунда эса «Санъат» ойномасида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг илк мақолалари, очеркларидан тортиб то «Лочин», «Қувонч», «Меҳр» тўпламларидан ўрин олган асарларигача — барчасида бугунги долзарб муаммолар қаламга олинади. Асарлари асосидан ўзи туғилиб ўсган Бўстонлиқ, унинг экологияси, гўзал табиатини асраб қолиш, одамларининг ўзига хос тақдирлари, яшаш учун кураш ва ўйлари қизил ип бўлиб ўтади.

Унинг ажойиб таржимон, шоир Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий адабий меросини тўплашда, «Навбаҳор» тўпламини тайёрлашда қатнашганлиги, у ҳақда кўплаб илмий мақолалар эълон қилганлиги бунинг далилидир.

Бу ишларнинг бари шу кунларда ярим асрлик ҳаёт йўлини босиб ўтган Асад Асиловга тегишлидир. Кўп сонли муштарийлар номидан уни қутлар эканмиз, келгуси ижодий ишларида янада муваффақиятлар тилаймиз.

...ДЕГАНИЧА БОРМАСМИ

ХОЛМАТ АКА КЎККА ҚАРАДИ, жаладан дарак беруvчи «қора булутлар» жадал «бостириб келмоқда» эдилар. «Кейинги пайтларда йиғлоқироқ бўлиб қолдим, шекилли. Йўқ, бунақаси кетмайди...» Қария ўрнидан шаҳд турди-да, қулочкашлаб чалғи ташлай бошлади. Чалғини ҳар тортганда у майда хас-чўпларгача «шир-р-р», «шир-р-р» кесиб туширар, унга сари устанинг баҳру дили очилиб борарди. Азбаройи ўткирлигидан, сал ҳаракат билан чалғи ерни тақир қилиб кетаётганди. Тушаётган дасталар ҳам кўркам ва қалин эди.

Қанча вақт ўтганини, неча йўл ўрганини билмайди, бир маҳал Холмат аканинг кўзлари шундоқ яқингинасида турган катта-катта туёқли бақувват оёқларга тушиб қолди. Уни аввал қўрқув босиб эсанкиради, дурустроқ қараса, туёқлар оддий отларники экан. Шундан сўнг уста кафтининг олд қирраси билан пешонасидаги реза-реза терларни сидириб ташлади-да, бош кўтарди. Унинг қаршисида икки отлиқ турарди: қалин ёли бўйнидан ҳам ошиб, пастга бир текис таралган саманда раис, қари човкар ахтада эса қоровул. У катта жиноятчини қўлга туширгандек, қамчинли қўлини биқинига тираб, эгарда ўшшайиб ўтирарди. Раиснинг оқ-сариқ, қалам теккизилгандек қизғиш юзлари эса мулойим, фақат жилмайишида истеҳзонинг билинар-билинмас излари борга ўхшарди.

— Ҳормасинлар, устака! Бу дейман, навқонни ҳаммадан олдин бошлаб юборибсизми? — деди раис ҳамон ўша қиёфада кулимсираганча.

— Талон-тарожни бошлаб берадиган мана шулар, кетларидан бутун юрт кўчиб чиқади!— худди бўри улушига ўхшаб гап қўшди қоровул.— Бу яламирлардан бир-иккитасини намунага бўлсаям сўтлатиш керак...

— Аҳмадвой, боринг, бошқа участкаларни айланиб, тартиббузарлар йўлиқса, ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг. Холмат ака билан ўзимиз гаплашамиз.

Қоровул турди-турди, ахири бурилиб жўнаб қолди. Унинг қораси ўчгач, раис отдан тушдида, саманнинг нўхтасига уланган чилвирни дўлана шохига танғиди. Чалғисини ушлаганча, тили «калима»га келмай, ағрайиб турган Холмат суvоқчининг хаёлида шу дамда қарама-қарши тийин бўлди, ҳаммасиниям падарига лаънат! Минг лаънат!» Ичида сўкиниб, ғазаби қўзиб кетган уста ирғиб ўрнидан турди-да, нарсаларини апил-тапил йиғиштира бошлади.

— Хўш, бундан буёғига нима қилмоқчисиз? —. сўради раис.

— Ана, ўрганим жойида турибди, колхозга опкета қолинглар, мол қилмасам-қилмасман, устимдан кулиб юрмасанглар бўлгани, бошқа гапим йўқ..

— Вой, афанди-ей, шошманг, сиздан пичанни сўраётганим йўқ, қани, жойингизга ўтиринг-чи, менам бир-икки оғиз гапирай ахир!

Раисни «паришталик» деганларича бор экан, унинг бир гапи билан уста жойига қайта чўккка туша қолди.

— Аҳволингиз менга беш қўлдай маълум, устака, — ҳар бир сўзни «чўқилаб-чўқилаб» гапирарди раис. Бошқаларнинг оғзидан шундоққина чиқиб кетадиган сўзлар бу кишидан салмоқли, таъсирчан, нимагадир маънили бўлиб қулоққа урилларди. — Сизга ўхшаб тўғри йўлини йўқотган, оқибатда қулоғигача ғам-ташвишларга ботиб кетган беш-ўнта «ориятли» оилалар бор қишлоғимизда. Сизлар қизларингизни ишлатиб пул топтиришдан уяласизлар, беъмани расм-русмларнинг қулисизлар. Пировардида, орият оламан деб, ўлиб кетганларингизни ўзларингиз билмай қоласизлар...

— Устимдан кулманг, ҳақоратламанг, раис! Жонингиз шунчалик ачиса... ортиқча расм-русумларни нега қонунминан тақиқлаб қўя қолмайсиз?!

Суvоқчининг феъли бузилганини кўрган раис сал мулойимлашди:

— Қонун билан тақиқлаш мумкин эмас, аммо тартиб белгилаб қўйганмиз-ку, Холмат ака! Режали одамлар шу тартиб-қоида асосида, чоғига қараб тўй ўтказишяпти. Кошкийди, тартибга амал қилсаларинг. Сизларга ўхшаш «ориятчи»лар тўйдан олдин ёки базм ўтгач, топган-тутганларини ўғринча олиб бориб беришаётгани ҳам сир эмас! Узоққа бормайлик, мана, ўзингиз. Навбатдаги қизингизни чиқарганда эл кўзи учун талабдагидек тўй қилдингиз. Кейинидан эса яна қанча ўлик мол, рўзғор буюмларини ўғринча элтиб берганларингиз ёлғонми?!

Асад АСИЛ

„СОҚОВЗАРҒАЛДОҚ" ДАГИ ҲАНГОМА

ҲИКОЯ

ХАВО ЯХШИ, ТОҒ ТОМОНДАН НАМХУШ ШАБАДА эсиб турибди. Бугун салқинроқ бўлиши Холмат акага аввалдан аён эди. Уста радиодан хабар кутиб ўтирмайди, куннинг иссиқ ё салқин келишини олдиндан сезади: «Бугун тунда чанқамадим, ярим кечаси туриб сув ичмадим, руҳим енгил, ҳар қалай, кун унчалик исиб кетмасов...» Шу хаёлданми, унинг руҳи янаям тетикланди, кўзлари равшанлашиб кетгандек бўлди. Суvоқчи қишлоқ оралиғидаги билқ-билқ тупроқли кўчада катта-катта из қолдириб, аввал далага чиқди, ундан сангзор йўлга ўтди. Катта-кичик тошлар оралаб кетган илонизи сўқмоқ тугагач, Ур йўлга кўтарила бошлади.

Бундан буёғи то тоғ бошига қадар ўр тортиб кетаверганн учунми, уни Ур йўл дейишади. Баъзан «Оқ йўл» деб қўйишади. Пода ва одам кетаверади-ю, бу йўл оппоқ, тап-тақир тураверади. Ҳар куни тоғ томондан эсадиган оқшомги шамол уни бошдан-оёқ супуриб чиқади. «Оқ йўл» дейишлари шундандир, балки. Ур йўл тоғ чўққисига ўрлаб кетаверади-ю, унинг тармоқлари, йўл-йўлакай, ўнгга, сўлга бурилиб, ажралиб қолаверади. Бу сўқмоқчалар йўловчини турли-туман номлар билан аталувчи жойларга элтади: «Аҳмаднинг дўнги», «Япирмоқлисой», «Қўзиқирилганжар», «Жавдартўқай»...

— Аввал «Соқовзарғалдоқ»қа чиқаман. У ернинг пичани тузук бўлмаса, «Бўрихона»га ўтарман, — ўз-ўзига баралла гапириб борарди уста Холмат, — бошдан офтоб ўтадиган паллагача пичан ўраманда, «Туятош»да тушлик қиламан. Салқин сой бўйида кун оққунча ётаман. Кечки салқиндаям ўн беш-йигирма йўл тушиб қўйиб, кейин қайтаман...

Шундай хаёллар билан Холмат «Соқовзарғалдоқ»қа етганини билмай қолди. У сершох дўлананинг остидан текисроқ жой танлади-да, тўрвасини қалин майсазор устига қўйди. Чалғисини дўлананинг баландроқ шохига илиб, сал ҳордиқ илинжида кўрпачадек юмшоқ ўт устига чўзилди. Чумчуқлар уёқдан-буёққа учиб юришибди: уларнинг ҳаммаси шошилишади, уя қуриш ҳаракатида тиним билмай хас-чўп ташишади. Аввал «жинкавуш»ми, «бурчақ»нинг юмшоқроқ шохиними юлиб тумшуғига илади-да, учиб чиқиб дўланага қўнади. Бу «бекат»да бир зум нафас ростлагач, оғиз очмасдан «чирқ» дея сайраб қўйиб, сой соҳилидаги қалин дарахтзор томон учиб кетади. Уёқда — «Туятош»да эса чумчуқлар бозорининг чағир-чуғури бир маромда давом этади. Зарғалдоқларнинг макиёнлари ҳам ўт-ўланлар орасида «пирр-пирр» учишиб, кампирчопон, шаширларнинг қалин жойларига қураётган инларига хас ташияптилар. Нарлари эса ўзларининг сарғимтил-қизғиш қадду қоматларини кўз-кўз қилишиб, буталарнинг, дарахтларнинг қил учларида керилиб ўтиришибди. Улар сап-сариқ бошчаларини лиқиллатиб навбатма-навбат сайрашади: «Чуч-чуч-чуч-чуч-чу-лу-лу-лу...»

Ўша «олифта» нар зарғалдоқлардан бири Холмат ака соялаб ётган дўлананинг энг тепа шохига қўниб, бетиним куйлай бошлади. Қушчанинг хониши шерикларинкидан сал бошқачароқ — калтароқ эди. Шу баҳона суvоқчи беихтиёр «Соқовзарғалдоқ»ни эслади.

Раҳматли отаси иккаласи пичан ўриш, бурчақ, такасоқол териш илинжида кўпинча мана шу ёнбағирга келишарди. Отаси ўлиб-тирилиб ишлайверарди. Холмат эса катта қанотли чигиртқаларни қувлаб, ўтлар орасида терлаб-бўрсиб югуриб юрарди. Боқиб олган олатўғаноқлари ортидан қийиллашиб, учиб-қўниб эргашишарди. Шундай кунларнинг бирида, Холмат ҳамма нарсани ташлаб, қулочкашлаб пичан ўраётган отасининг олдига югурди. Катта-катта жойни энлаётган чалғи оёғини кесиб кетишидан ҳам қўрқмай, яқингинасига бориб бақирди:

— Ота, қаранг, анави зарғалдоқ соқовакан...

Ота аввал ҳеч нарса тушунмади, ўғлимни бирор газанда чақиб олдимикин, деган ваҳимада, чалғисини улоқтириб юборди-да, Холматни бағрига босди:

— Ҳа, Той, нима бўлди сизга?!

Бола қўлчалари билан бир томонга ишора қилиб, ҳаяжонли товушда қичқирарди!

— Қаранг, эшитинг, анови зарғалдоқ соқовакан!..

Отаси Холматни ерга оҳиста тушириб, дарахтларнинг учларида, шаширларнинг шохларида, сирачларнинг таёқчаларида сайраб ўтирган зарғалдоқларнинг хонишларига қулоқ тутди. Дарҳақиқат, улар орасидаги бир зарғалдоқ мукаммал сайрай олмас, «қўшиғи» ярмида узилиб қоларди: «Чуч-чуч-чу-чу-лу-лу...» Ўғлининг зеҳни ўткирлиги, топқирлигига ота қойил қолиб, ўшанда Холматнинг пешонасидан ўпганди-да, «Қанийди ўқитолсам, катта одам бўлардингиз-ку, иложим йўқ-да, Той?!» — деб зорланганди. Соқовзарғалдоқ кўп йиллар давомида худди шу ёнбағирга келиб юрди. Ҳар доим пичан ўришаётганида қушчанинг овозини эшитган отаси: «Қаранг, Той, соқовзарғалдоғингиз келибди-ку!!» — деб қўярди, ўзи ҳам шодланиб. Шу билан қаноатланмасдан, ким йўлиқмасин, унга ўғлининг зийраклиги, соқовзарғалдоқ тўғрисида мақтаниб гапирарди, раҳматли. Холматнинг отаси ўтиб кетди-ю, бу ёнбағирнинг номи «Соқовзарғалдоқ» аталиб қолди. Отасиними, соқовзарғалдоқними, ўша пайтдаги ёшлик йилларимими эслаб... уста Холматнинг томоғига ёнғоқдек бир нарса тиқилди. У ўғли Худойбердини ҳам эргаштириб чиқмаганига ачинди. «Тойжонимниям олиб чиққанимда-ку, буваси ўтган жойларни кўрсатардим, кўп қизиқ ҳангомалардан сўзлаб берардим».

Худди шу дамда суvоқчининг хаёл ойнасида олти қиз ва бир ўғил саф тортди. Қаторасига беш қизнинг боқишларида қария қалбига таскин берадиган зиғирча юпанч кўринмасди. Уларнинг тамагир қарашларида: «Бизга кўтартириб юборадиган яна нимангиз бор?» деган илинж ҳукмрон эди, холос. Бундан ранжиган устанинг дилига санчиқ кирди. Елкасидан тоғ ағдарилиб, бугунгина кўксига йилт этиб тушган бир тутам нурни ҳам тўнғич қизлари ситиб чиқаришди, қувончини бурнидан булоқ қилишди, бағрини тилимлаб устидан туз сепишди. Суvоқчи гўё ўт-оташ ичра қолгандек ўртана-ўртана, дардига малҳам истаб, қолган болаларига жавдирарди. Қидирганини топгандек бўлди. Укаси Худойбердининг қўлидан маҳкам тутганча отасига тикилган Аломатнинг жасоратли нигоҳида: «Қиблагоҳим, бошингизни баланд кўтаринг! Мен бор эканман, сизни ҳечким камситолмайди!» — деган далда уфуриб турарди.

«Шу қизим, қанийди, ўғил бўлиб туғилганида! Албатта, мани ердан суғурволарди. Афсус, бировнинг хасми-да... Қўлларим калталик қилмаганда-ку, қизбола бўлсаям, бирон-бир каттароқ ўқишда ўқитиб армондан чиқардим-а... Аломат деса чин аломат-да, омон бўлгурнинг ўзиям!! Шу қизимниям, бари бир эгасига топшириб тинчимагунимча, манга ўйин-кулги, хурсандчиликлар, харом! Серфарзандликни санга ким қўювди, суvоқчи!..»

СУVОҚЧИ ЛОМ-МИМ ДЕЁЛМАЙ ҚОЛДИ. Саломатни узатиб тинчигач, Хайри хола: «Отаси, юртда борини бермасак, қизларимизни бошлари таънадан чиқмайди» деганда, Холмат ака рози бўлган, бир машина лиқ тўла рўзғор буюмларини ўзи ортиб жўнатган эди. «Раиси тушмагурдан ҳеч нарсани яшириб бўлмасаканда, юртнинг кўз-қулоғи» деганларича боракан, бу одам...» Устанинг дами ичига тушиб кетганини кўрган раис овозини яна бир парда баландлатди:

— Очиғини айтайми, сизни тубсиз қудуққа итариб, балойи азимга рўпара қилаётган ҳеч ким эмас, ўзингизнинг хотинингиз! У кишининг ўзлари талтайиб ўтирадилар, ишлаб бир мирни топмайдилар-у, даҳмазалари оламни бузади. Орзу-ҳавасга келганда-ку, ҳаммадан илгари юришни истайдилар! Шундай кетаверинг-чи, сизни балога йўлиқтириб тинар, «орзу-ҳавасли» янгамиз!

— Нима қилай, ука, қариганимда хотин қўйиб, хотин олайми?! — яна қаттиқ кетди «узун насиҳат» юрагини қон қилиб юборган Холмат ака.

— Қўйманг, ётиғиминан тушунтиринг, оила бошлиғисиз, қолаверса, эрисиз ахир! — бўш келмади раис ҳам. — Замонамиз талабига мос тўй қилинг, ўзингизниям, бошқаларниям қийнаманг, тушунарлими?! Сизларга ўхшаш «яккажилов»ларга маъруза ўқиб юришдан бошқа ишимиз йўқми бизни?! Бундан кейин ҳам тартибни бузиб, шу хилда кетаверсангиз, Холмат ака, аяб ўтирмаймиз, жаримаям соламиз, бошқа қаттиқроқ чораларам кўришимиз бор, кўзни очинг-да, энди!..

Раис дўқ уришниям ўрнига қўяркан. Гўё қайнаётган қозонга совуқ сув қуйгандек бўлди, устанинг таранглашиб кетган асаблари бирдан шалвиллаб қолди, кўз олдини қоплаб турган ғазаб пардаси изсиз йўқолди, фикри тиниқлашди, мияси равон ишлай бошлади. «Раис тўғри айтяпти-да. Нега ўз ихтиёримминан жаҳаннам қаърига қараб кетяпман. Қолаверса, ҳозир айни ўғирлик устида қўлга тушиб ўтирибман!..» Шу хаёллар билан анча вақт жим қолган уста бошини кўтариб раисга қаради. Раис ҳам, чамаси, ўзини босиб олган, афтидан, Холмат акага ачиниш билан тикилиб турарди.

— Мандан хапа бўлманг, ука, жоҳилман, қизишиб кетовураман, асли сиз ҳақсиз. Ҳамма айтганларингиз тўғри, қилса бўладиган ишлар. Аммо-лекин, бир нарсани ўйлаб, ўйимнинг тагига сира етолмайман-да. Хўп, ман камҳарж, ҳали айтганингиз — тартибдагидай тўй қиларман. Қуда томон-чи? Мен уларга буйруқ қилолмасам...

Устанинг гаплари жўяли эди. Раис дарҳол жавоб топиб беролмади, бошини қуйи эгиб, анча вақт ўйланиб қолди.

— Менга қаранг, Холмат ака! — деди у чордана қуриб ўтирган суvоқчининг сонига тўсатдан шапатилаб. Буни кутмаган уста бир сапчиб тушди. Раис баттарроқ завқланиб кулди-да, сўзида давом этди: — Қуда томон бир нима демайди, сизнинг тутган ҳамма йўлингизни буткул қўллайди. Хўш, гапнинг индаллосига келсак, кенжа қизингиз, қалиги Аломат шекилли? — устадан тасдиқ ишорасини олган раиснинг гаплари тобора завқ-шавққа тўлиб борарди. — У қизингизни энди бутун қишлоқ, ҳатто район танийди, халқ яхши кўради. Менинг тушунишимча, минг илғор бўлгандаям, бари бир, сиз қизингизни ўқитмайсиз, ишлатмайсиз, кимгадир узатиб юборасиз. Энди, устака, иккаламиз бир масалада келишайлик, аниқроғи — мен сизга ёрдамлашай...

— Қиз узатишимга қарз бермоқчимисиз, кераги йўқ, бундан буёғига сира қарз кўтармаганим бўлсин, ўлиб-нетиб кетсам, ёлғиз ўғлим...— Устанинг овози титраб тинди.

— Вой, афанди-ей, «берди»сини айтгунча қулоқ солинг-да, ахир! Майли, кўнглимиздаги гапимиз нозикроқ эди, далада гапирсак бўлмас. Яхшиси, кейинги шанба уйингизда учрашармиз. Пичанни бўлса кучингиз етганча ўраверинг, — деди у отининг юганини дўлана шохидан бўшатар экан. — Қоровулга тайинлаб қўяман, индамайди. Қуритиб тўдалаганингиздан кейин, менга айтсангиз, машина ё прицепда уйингизга элтиб берамиз...

Атрофда чуғурчиқ, читтак, зарғалдоқлар учиб-қўниб юришибди. «Туятош»даги чумчуқларнинг чағир-чуғури бир зум тинмайди. Ҳизир йўлиқиб қолгандек, туйқусдан иши юришиб кетган Холмат суvоқчи дили тўла қувонч билан қулочкашлаб чалғи тортарди! «Шир-р-р-р, шир-р-р-р, шир-р-р-р-р...» Дўлананинг тепа шохида эса нар зарғалдоқ яйраб сайрамоқда: «Чуч-чуч-чуч-чуч-чу-лу-лу-лу-лу...»

●

ХОЛМАТ СУVОҚЧИ КЕЙИНГИ ШАНБАНИ юраги пўкиллаб кутди: «Раис қандай каромат кўрсатмоқчи экан?» «Соқовзарғалдоқ»даги ҳангома натижаси шу бўлдики, белгиланган куни қош қорайиб қолганда анча-мунча совғасалом кўтарган икки киши раиснинг ўғлидан суvоқчининг қизига совчи бўлиб келдилар...

Нурилла Ҳожи АБДУЛЛА ўғли

Шаҳид ҳикоялари

БИР КАФТ ТУПРОҚ

МАККАИ МУКАРРАМАДА БИР НЕЧА КУН БЎЛИБ ҳаж арконларини адо этганимиздан сўнг азиз меҳмонлар учун хизмат қиладиган автобусларга ўтириб Мадинаи Мунавварага йўл олдик. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дафн қилинган ҳужраи саодат қарор топган бу муқаддас шаҳарда ҳам бизни самимий кутиб олишди. Минглаб ҳамюртларимиз беадоқ қувонч ила бағирларини очиб истиқболимизга пешвоз чиқишди.

Мадинаи Мунавварада ўтказилган икки кунимиз бениҳоя мазмунли, таассуротларга бой бўлди. Айниқса Расулиллоҳ масжидларига кириб ракат намоз ўқиганимизда бундай улуғ савобга мушарраф бўлганимиздан Аллоҳга қайта-қайта шукроналар айтдик. Мадина амири муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари раҳмонликларида биз — бир гуруҳ туркистонлик меҳмонларни қабул қилиб самимий суҳбатлашганларида бу юксак эътибордан кўнгилларимиз тоғдек кўтарилди, қалбимиз яйради.

Кўплаб ватандошларимиз зиёрат маҳаллари бизга ҳамроҳлик қилдилар, жон-диллари билан баъзи юмушларимизга ёрдам кўрсатдилар. Ҳамюртлар ташкил қилган зиёфатларда, учрашувларда, ўзаро суҳбатларда мулоқотларимиз шу қадар қизғин бўлардики, бир-бирларимизга тикилиб тўймасдик, бу бахтли онлар тушимизда эмас, ўнгимизда содир бўлаётганидан сархуш эдик.

Бизга хизмат кўрсатаётган юртдошларимиз орасидаги Аюбхон исмли йигит диққатимни ўзига тортди. Еши тахминан қирқлар атрофида, мўйлаби ўзига ярашиб турган бу йигит Фарғона шевасида сўзлашар, ҳозиржавоблиги, самимий ва хушчақчақлиги билан водийнинг танти, бўз йигитларини эслатарди. Аюбхоннинг бизнинг зиёратимиз билан боғлиқ ташкилий ишларга бош-қошлигини кўриб ҳамюртимизнинг Мадинада ҳурмат-эътиборни анча юқори эканлигини ҳам фаҳмладим.

Ўзаро суҳбатларнинг бирида Аюбхондан ота юртлари тўғрисида сўрадим.

— Асли Фарғона вилоятиданмиз, — деди у ҳаяжон билан. — Отам раҳматли Ойдинбулоқ қишлоғида туғилганман, болалигим ўша ерларда ўтган, деяр эдилар.

— Е Аллоҳ, — дедим Ойдинбулоқнинг номини эштишим билан, — бу қишлоқ Қўқондан атиги уч чақирим нарида холос-ку. Ҳамшаҳар эканмиз, биродар.

Шундан кейин Аюбхон билан қайтадан қучоқлашиб кўришдик. Қисқа вақт ичида иккламиз худди узоқ йиллик қадрдонлардай бўлиб кетдик. Кейин билсам Аюбхон тижорат ишлари билан ҳам шуғулланар, бир неча растанинг соҳиби экан.

Меҳмондорчиликларнинг бирида Ўзбекистондан совға тариқасида олиб борган тўн, белбоғ, дўппиларни ҳамюртларимизга туҳфа қилдик. Шунда Аюбхоннинг бироз маъюс тортиб нималнидир сўрашга ийманиб турганлигини сездим. Оҳиста бориб бунинг боисини сўрадим.

— Нуриллохон ака, — дедилар Аюбхон менга умидвор тикилиб, — онам бир неча кундан буён оғир ётибдилар. Сизларнинг келганларингни эштитиб: «Ўғлим, ҳамюртларимиздан сўраб кўринг, Ватан тупроғидан олиб келганлари бўлса бир кафтгина бериб юборишсин. Кўзларимга суртсам, армоним йўқ», деб илтижо қилмоқдалар...

Бу сўзларни эштитиб юрагим ларзага келди. Е фалак! Мен ўша дамда рўпарамда кўз ёшларини аранг тўхтатиб турган бу биродаримнинг кўнглини шод этиш учун жону жаҳонимни бағишлашга ҳам тайёр эдим. Лекин на илож! 500 нафар ҳожиларнинг бирортамиздан ҳам бир кафт тупроқ топилмади. Бу воқеа биз учун жуда катта сабоқ бўлди. Она-юрт, унинг соғинчи, муқаддас бир кафт тупроғи нима эканлигини шууримизга сингдирдик. Юртимизда тупроққа, ерга нисбатан муносабатнинг яхши эмаслигини, қанчаданқанча экин майдонлари заҳарланиб, қанчаданқанчасининг умри беҳуда ўтаётганини эсладим. Ҳаммамиз Аюбхоннинг волидаларига шифо тиладик, юртга қайтгач ватан тупроғини ўпишни ният қилдик.

Аюбхон бизнинг ноқулай аҳволимизни сезиб суҳбат мавзуини янгиладилар:

—Нуриллохон ака, биз ҳофиз Шерали Жўраевнинг қўшиқларини севиб тинглаймиз. Яқинда видео орқали кўриб роҳат қилдик.

Мен Аюбхоннинг кўнглини ёритадиган мавзу топилганлигидан хурсанд бўлиб кетдим. Яқинда Ўзбекистонга борган арабистонлик ҳамюртларимиздан беш нафарлари бизникида меҳмон бўлишганини, Шерали Жўраев азиз меҳмонлар билан дийдор кўришиш учун хонадонимизга ташриф буюрганини ҳикоя қилиб бердим.

Мадинаи Мунавварадан жўнаб кетаётганимизда Аюбхон менга ажойиб бир соат бериб илтимос қилдилар:

— Мана шу арзимас туҳфани Мадинаи Мунавварадаги юртдошингиз, мухлисингиз Аюбхондан, деб Шерали Жўраевга топширсангиз. Аллоҳ насиб этиб Туркистонга борсам, ҳофизни топиб албатта суҳбатлашаман.

Аюбхон билан қучоқлашиб хайрлашар эканман, иншооллоҳ, туҳфа ва саломингизни Шерали Жўраевга албатта етказаман, деб ваъда бердим.

МУБОРАК САФАРДАН ҚАЙТГАЧ, бир-икки Тошкентга бориб ҳофизни учрата олмадим. Хонадонимизда меҳмон бўлиб турган ҳожиларнинг шарофати ила танишиб, дўстлашиб қолган ёзувчи Нурали Қобул Шерали Жўраев билан бирга ўғлимиз Жамолхонни уйлантириш маросимига меҳмон бўлиб келишди. Дастурхон атрофида ўтирган ёру дўстларга Аюбхон тўғрисида ҳикоя қилиб бериб, соатни Шерали Жўраев қўлига тақиб қўйдим.

ОНАИЗОР САЛОМИ

ИСФАРА ГУЗАРИ ТАРИХИНИ қўқонликлар яхши билишади. У Буюк Ипак йўли сўқмоқларидан бирида жойлашган. Ипак йўли қадимги Мидиядан бошланган ва шимолий шарқ томонга йўналиб, Қоратегин, Олой, Сўх орқали Хўқандгача етиб келган, кейин Кандир довони оша Чинга қараб давом этган. Сўхдан келадиган карвонлар асосан Исфара гузарига келиб тўхтаган. Ҳозирги Боғу бўстон, Кувасой кўчалари ва гузар маркази оралиғида Хўқанд ҳокими Тангриёр Султон қурдирган карвонсарой бўлган.

Гузар қадимда мазкур ҳоким шарафига Султонгузар деб ҳам аталган. Қўқон хонларидан Норбўтахон даврида Фарғона вилояти нисбатан обод бўлган. Сурункасига бир неча йил мўлкўл ҳосил бўлиб, бунинг овозаси бошқа ерларга ҳам тарқалган. Натижада бу ерга вилоятнинг турли ҳудудларидан, бошқа вилоят ва ўлкаларидан одамлар келиб, турғун бўлиб қолишган. Исфара шаҳри ва унинг атрофидан келганлар Султонгузар, яъни ҳозирги Исфара гузари атрофида ўрнашганлар.

Сўнгги хонлик замонида Исфара гузари ҳудудида Зинбардор мадрасаси, унинг ҳовлисида масжид, баққоллик, қассоблик, турли хил дўконлар, нонвойхона ва сартарошхона бўлган. «Бозори субҳ», яъни тонгги бозор гузарнинг кўрки бўлган. Гузар ва унга туташ кўчалар маъмурий жиҳатдан бир маҳалла ҳисобланган. Маҳаллани амин вазифасидаги мансабдор бошқарган. Ҳар бир кўчага элликбоши тайинланган. Номлари тарихда қолган аминлар: Мирҳомиддин оқсоқол, Саидвали иноқ, Муҳаммадзикр амин, Нортожи амин, Абдулла вофуруш.

Гузаримизда Амир Умархон жаннатмаконнинг муборак номлари билан боғлиқ жойлар бор. Ул зот ҳаётларининг охирги даврларида Исфара гузарини хуш кўриб, шу ердан ҳам ҳовли қилганлар. Давлат ишларидан ҳориган пайтларида келиб ором олганлар. Ушбу ҳовли ҳозирги Матбуот кўчасининг гузарга яқин қисмида, дўкон ёнида бўлган ва Нодирабегим томонидан маҳалла масжиди ихтиёрига берилган.

Исфара гузари ўз бошидан яхши-ёмон кунларни кўп ўтказган. Аммо ҳамиша ҳам сабр-бардош билан ойдин кунларга умид боғлаган.

Ҳаж сафарида бўлганимизда менинг қўқонлик эканимни билишиб, ҳамюртларимиз Исфара гузари, у ердаги Зинбардўр масжиди тўғрисида сўраб қолишди. Гузар ҳақида батафсил сўзлаб бердим. Аммо масжидга келганда нима дейишни билмай хижолат тортиб қолдим. Чунки, бу мўътабар бино хароба аҳволда эди-да. Тўғрисини айтсам, ўша жойдаёқ юртимизга қайтгач, Зинбардорни қайта таъмирлаш тўғрисида ҳаракат бошлашни дилимга тугиб қўйган эдим. Вақти-соати билан бу ниятимни маҳалла аҳли билан ўртоқлашдим. Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди.

Бу орада Саудия Арабистонидан шаҳримизга бир неча табаррук зотлар меҳмон бўлиб келишди. Улар орасида Шайх Нўъмон Тошкандий, Абдулқодир Марғилоний ва бошқалар бор эди. Нўъмонжон ака Тоиф шаҳрида истиқомат қиладилар. Оталари тошкентлик, оналари — Қўқондан. Фиқҳ илми бўйича мутахассис. Биз бу киши билан ҳаж чоғи кўришган ва суҳбатлашган эдик. Қўқонга келгач, тўғри Исфара гузарига ўтиб, Зинбардор масжидини зиёрат қилдилар. Биз янада қаттиқ ҳижолат тортдик. Чунки масжиднинг аҳволи ўзимизга маълум.

Абдуқодир ака ҳам масжиднинг аҳволини кўриб кўп афсусландилар. Бу киши Мадинада китоб савдосининг бошлиғи. Ҳаж чоғи бир неча миллион риёллик китоблар билан тўла магазинларининг эшикларини туркистонлик ҳожиларга ланг очиб: «Марҳамат, ёққан китобларини бепул олсинлар. Биздан арзимас туҳфа», деганлар.

Суҳбат чоғида ажойиб бир воқеа юз берди. Нўъмонхон ака ҳикоя қилдилар: «Бизнинг қироат устозимиз Қодиржон қори эдилар. У киши пайғамбаримиз жасадлари қўйилган муқаддас зиёратгоҳдаги масжиднинг битта устунига суяниб қирқ йил ичида 60 та қори чиқарганлар. Мен Қодиржон қорининг шогирдларидан бириман. У улуғ зот бундан беш йил аввал вафот этганлар. Сабоқлар чоғи «Мен Қўқоннинг Исфара гузариданман. Ўша жойда Зинбардор масжиди бор. Масжиддан сал нарирокда ҳовлимиз бор», деяр эдилар».

Бу гапни эштитиб маҳалламиз оқсоқоли Аббосхон ака «Қодиржон қорини яхши биламиз, у киши ўта зеҳнли, билимдон, қироатлари мафтункор эди. Зинбардор масжидида кўп бор намоз ўқиганлар, ёш бўлишларига қарамай имомликка ўтганлар», деб қолдилар.

Маълум бўлишича, маҳалладошимиз Азим ота Қодиржон қорининг жиянлари бўлиб, уйлари эса масжиддан сал нарирокдаги Лашкар маҳаллада экан.

Нўъмонхон ака билан Азим ота кўзларига ёш олиб бир-бирларини бағирларига босдилар. Меҳмон: «Сизни кўриб устозимни кўргандай бўлдим, устозим намоз ўқиган меҳробда ибодат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан ғоят шодман», деса, мезбон: «Қодиржон амакимизни кўргандай бўлдим», деб йиғлар эди.

МЕҲМОНЛАР ЮРТЛАРИГА ҚАЙТИБ КЕТИШГАЧ, масжид таъмирини бошлаб юбордик. Эътиборли бошқа бир воқеа эса масжиднинг деярли қулаб битган томини очаётганимизда содир бўлди.

Саудия Арабистонидан яна меҳмонлар, Қодиржон қорининг бошқа шогирдлари келишди. Масжид ҳовлисига кириб одамлар билан худди эски қадрдонлардай қучоқ очиб кўришишди. Томни очаётган усталар бўлса, уст-бошлари чанглигидан хижолат тортиб, бир четда туриб қолишди. Шунда оппоқ арабий либосли меҳмонлар усталарнинг олдиларига бориб: «Келинглар, кўришайлик, бу табаррук чангларни ўзимиз билан Байтуллоҳга олиб кетайлик», дея уларни бағриларига босдилар. Меҳмонлар орасида асли наманганлик Исоҳжон қори ҳам бор эди. У киши: «Масжидни тезроқ битказинглар, бу қутлуғ даргоҳга яна келиб биргаликда ибодат қилайлик», деб ният қилдилар.

Мана бу воқеа ҳаж сафаридан олдин содир бўлган. Саудиядан келган азиз меҳмонлар билан Душанба шаҳрига бордик. Шаҳарни хўб томоша қилишди. Шунда бизга «Шаҳардаги хонадонлардан бирида ҳозир Мадинада истиқомат қилаётган юртдошимиз Олтинхон тўранинг собиқ умр йўлдошлари яшайди. У киши анча кексайиб қолган, кириб зиёрат қилинса, хўб иш бўларди», деб қолишди. Меҳмонлар хушнудлик билан рози бўлишди. Бордик. Аввалига бизни хонадон соҳиблари ичкарига киритишмади. Чунки, кампир деярли хушсиз экан. Аммо қаттиқ туриб илтимос қилганимиздан кейин, раъйимизни қайтаришмади.

Ичкарига кирдик. Дарҳақиқат, кампирнинг аҳволи оғир эди. Ҳамроҳларимиздан бири: «Ача, бу меҳмонлар Арабистондан, Мадинаи Мунавварадан сизни кўргани келишибди», деди ва бу сўзларини аёлнинг ҳайрат ва яна аллақандай илинж тўла кўзларига яқинлашиб бир неча бор такрорлади.

Шунда, назаримда, мўъжиза юз берди. Яъни, сўлиб бораётган гул япроғи сувга қониб қайта жонланаётгандай бўлди: кампир ўрнидан қўзғалди: «Ўғлим Анваржон омонми?» — деб сўради.

Маълум бўлишича, Олтинхон тўра ватанни тарк этаётганларида ўғиллари Анваржонни ҳам ўзлари билан бирга олиб кетган эканлар.

Мадинада бўлганимизда бизга ҳамроҳлик қилаётган ҳамюртимиз Абдулҳамид акага бу ҳақда сўзлаб бердим. У кишининг ёрдамида Анвар акани қидириб топдик. Нуроний, ўрта бўйли киши экан. Кўзларимизда ёш билан қучоқ очиб кўришдик. Анвар акага Душанбадаги онаизорларининг саломларини топширдим. Анвар акани ўша ҳолатдаги севинчларини қоғозга туширишга ожизман.

ҚУРЪОНИ КАРИМДАН ТАРЖИМА

Доимий ҳамроҳ

Диёримизда маънавий янгиланиш жараёни давом этаётган шу даврда жумҳуриятимиз ислом аҳли яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдилар: исломшунос олим Шамсиддин Бобохонов томонидан Қуръони каримнинг ўттизинчи пораси ҳозирги замон ўзбек адабий тилига илк бор таржима қилиниб, шу йилнинг февраль ойида бу рисола 500 минг нусхада кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди.

Маълумки, Ер юзи мусулмонларининг муқаддас китоби ва дастур ул-амали саналмиш Қуръони карим дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Жумладан, рус тилида бир неча таржима мавжуд. Лекин шундай муҳим манба, беқиёс диний ва маданий меросни шу пайтгача ўзбек тилига таржима этилмагани дилларга таассуф ва алам туйғусини солиб келарди. Бу ўта масъулиятли юмушнинг жумҳуриятимизда амалга оширила бошлагани жуда хайрли иш бўлаётир. Табиийки, бу борадаги дастлабки қадамлар баъзи камчилик ва нуқсонлардан ҳам холи эмас. Умуман, инсон томонидан бажариладиган ҳар қандай каттакичик иш саҳву хатосиз бўлмаслиги маълум. Шуларни эътиборга олган ҳолда, шахсан менга ва мен гаплашган кўпчилик илм-фан соҳибларига Қуръони каримнинг Шамсиддин Бобохонов қаламига мансуб таржимаси жуда маъқул бўлди. Чунки унда кўпчиликка таниш суралларнинг мазмуни она тилимизда равон ифодасини топган. Суралларнинг кенг тафсирларини ўқиш ва ўрганишдан олдин, уларнинг мана шундай изоҳли таржимаси билан яқиндан танишиб чиқиш энг қулай ва оммабоп усул эканлигига шубҳа йўқ.

Рисолада «Фотиҳа» сурасининг таржимаси мухтасаргина шарҳи билан берилгани алоҳида аҳамият касб этади. Биноборин, ҳар бир мўъмин-мусулмон ёшлигиданоқ қироат бобида биринчи бўлиб «Фотиҳа» сурасини ёд олади, чунки кундалик беш вақт намознинг бирортаси ҳам бу сура ўқилмасдан адо қилинмайди. Ўттизинчи порадаги барча суралар эса, одатда, ҳамма намозларда «Фотиҳа» сурасидан кейин ўқилади. Шуни таъкидлаш ўринлики, рисоладаги 38 суранинг ҳар бири мўъжаз ва аслига мувофиқ таржима этилганлигидан, уларнинг арабча матнини ёдларанда ҳатто ўзбекчасини ҳам қўшиб ёд



олинса арзийди. Таржима пухта, араб ва ўзбек тиллари қоиделарига мос ва мўътадил услубда бажарилганки, мабодо унга бирор сўз қўшимча қилинса ёки бирор лафз ундан туширилса, умуман оятлар мазмунига жиддий футур етган бўлур эди.

Таржима асносида қавслар ичида берилган қўшимча жумла ва ёрдамчи сўзлар китобхоннинг муайян оят ҳақида янада аниқроқ ва тўлароқ маълумот олишига ёрдам беради.

Қуръони карим оятларининг арабча матни шу қадар мухтасар ва мўъжаз шаклдаки, уларнинг асил маъносини араб миллатининг ўзи ҳам, унчамунча шарқшунос олим ҳам дарҳол фаҳмлаб, осонликча идрок этиши амри маҳолдир. Масалан, машҳур рус шарқшунослари—Г. С. Саблуков, И. Ю. Крачковский таржимасида арабча матнни аслича сақлаб қоламан деб, ёрдамчи сўзлардан, қўшимча (изоҳловчи) жумлалардан фойдаланилмаган. Натижада китобхон кўпдан-кўп оятларни мутлақо тушуниб, поёнига ета олмайди. Унинг устига таржима ҳарфий, сўзма-сўз бўлгани учун, у ўзга тилда баъзи ҳолларда қўпол чиққан, араб тилидаги фасоҳат, балоғат ва тароват йўқолган.

Бу билан биз Қуръоннинг арабча матнига хос мазкур сифатлар ва хусусиятларни ўзбекча таржимада тўла-тўкис сақлаб қолиш мумкин, демоқчи эмасмиз. Дарҳақиқат, ҳар қандай асар ҳам бошқа тилларга таржима этилганда ўзининг аслий мазмуни ва таъсирчанлигидан муайян даражада маҳрум бўлади. Бу ерда биз шуни таъкидламоқчимизки, араб тилидан таржима қилаётган мутахассислар, хусусан Қуръони карим таржимонлари, араб тили услуби ва таъбирий қонун-қоидаларини ўзбек тилида ҳам сақлаб қолишга уринибкетиб, ҳозирги ўзбек тили қоидаларини ҳам бузиб ёки ўзлаштириб юбормасинлар, демоқчимиз.

Хуллас, Қуръони каримнинг ўттиздан бир бўлагини ўз ичига олган бу таржима соҳибига янги ижодий муваффақиятлар тилаб, бундай шарафли ва масъулиятли ишларни ўз зиммаларига олган барча мутахассис олимларимизга Тангри таолодан тавфиқу иноятлар ато этишлигини сўраб қоламиз.

А. ИРИСОВ

ТАҚДИР

МАККА КЎЧАЛАРИ бизнинг кўчалардан анча фарқ қилса-да бир-бирига жуда-жуда ўхшаб кетади. Ҳарорат баланд. Икки миллионли ҳожилар тўлқини шаҳар кўчаларида юришни бироз мураккаблаштиради. Бундай пайтда ҳушёр бўлинмаса, адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Чунки, кўпчилигимиз араб тилини билмаймиз. Шу боис бизга хизмат кўрсатувчи мутасаддилар қўлимизга исми-шарифимиз, манзилгоҳимиз араб имлосида битилган гувоҳнома бериб уни ҳамиша кўкракка қадаб юришимизни илтимос қилишган.

Юз нафар ҳожилар Мусохон исмли юртдошимизнинг Масофе кўчасидаги уч қаватли меҳмонхонасида яшаётганмиз.

Пешин намозини Байтуллоҳда адо этгач, Мусохон аканинг уйларига қайтаётиб эдик. Хаёлимиз бироз фаромуш бўлиб йўлни йўқотиб қўйдик. Беш-олтита кўчаларга кириб чиқдик. Тилни билмаганимиз учун бировдан сўрай олмаймиз.

Бир пайт арабий либос кийган, узун бўйли, кўзойнакли киши олдимиздан чиқиб қолди. Мен у кишини тўхтатиб, салом бердим, сўнг кўксимдаги белгига ишора қилганча «Масофе кўчаси, Мусохон ака», деган сўзларни икки-уч бор такрорладим.

Нотаниш киши аввалига саломимга алик олиб, сўнг сўзларимни диққат билан эшитдилар ва кутилмаганда... ўзбекчалаб «Сафар муборак, азиз юртдошлар, адашиб қолибсизлар-да», десалар бўладими? Севинганимиздан у кишини бағримизга босиб кўриша кетдик. Маълум бўлишича, бу киши ҳам асли туркистонлик экан. У кишининг ҳамроҳлигида истиқомат жойимизга етиб келдик. Бир пиёла чойга таклиф этган эдик, вақтлари зиқ экан, узр айтдилар ва биз билан хайрлашаётиб: «Мусохон акани Макка аҳли яхши билишади, яхши хонадонга тушибсизлар», дедилар. Бу гапдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Арофатга жўнайдиган кунларимизда кутилмаган воқеа юз берди. Наманганлик биродарларимиз Қамбарали акадан дарак бўлмаётганлигини айтиб хавотир ола бошлашди. Биз аввалига бирорта қариндош ёки ҳамюртларини учратиб қолгандирлар ёки кўкрак белгисини тақмаган бўлсалар, йўлда биз каби адашиб қолдилармикин, деган хаёлга бордик. Аммо эртасига тонг ҳам отдики, Қамбарали акадан дарак бўлмади.

Эрталабки ибодатдан сўнг Мусохон аканинг ўғиллари Азимжон билан шаҳар кўчаларини пиёда кезиб у кишини дараклай бошладик.

Қамбарали ака билан Тошкентдаёқ танишиб, қадрдон биродарлардай бўлиб қолган эдик. Табиатан хушчақчақ, самимий, истараси иссиқ бу киши ҳаммамизнинг эътиборимизни қозонган эдилар. Афсуски, у кишини қанча қидириб, сўроқламайлик, бирор бир хабар топа олмадик. Бу орада сафар муддатимиз тугади. Кўнглимиз чўкиб, нима воқеа бўлганлигини билмай ватанга қайтдик.

Қамбарали аканинг фарзандлари Саудия Арабистонига мактублар йўллаб оталарини ахтара бошлашди. Орадан икки ой ўтгач, у ердан хабар келди: Қамбарали ака қон босимлари ошиб, касалхоналардан бирида вафот этган эканлар. Фарзандлар бориб кўпдан-кўп ҳамюртлар иштирокида падари бузрукворларини тупроққа топшириб қайтишди.

А. ОҒАЛИЕВ ёзиб олди

Ўзбек адабиёти намуналари

ҲАМ ИЛОҲИЙ, ҲАМ ИНСОНИЙ

Хурдадонлар Мирзо Абдулқодир Бедилни «Шоирларнинг шоири» деб атаганлар. Дарҳақиқат, шоирнинг қалами энг кичик заррадан коинот чексизлигича бўлган поёнсиз оралиқда бир қарашда барча мураккабликларини, қочиримларини илғаб олиш мушкул бўлган шиддат билан тебраниб туради. Бу сернуқта битиклар замин ва замон, илоҳ ва инсонга баб-баравар мансуб бўлган юракнинг тебраниш чизиқларидир.

Шоир мисрама-мисра Маънавият ва Руҳ уммонининг қаър-қаърларига кириб боради, инсоннинг юрагига аёвсиз бир журъат билан шўнғийди, у ердан бебаҳо дурдоналар олиб чиқади.

Ики кўз гавҳарингдан ком олурман,
Ики дунёга жуфт бодом олурман.

Хўш, бир жуфт кўзи икки дунёга арзийдиган Бедил талқинидаги инсон қандай фазилатлар эгаси? Бу инсон ниҳоятда хушрафтор, борган ерига пойқадами ярашадигандир:

Агар сен бўлмасанг, дилга нетиб бахт, гулузор келгай,
Агар келсанг, сурур келгай, беҳишт келгай, баҳор келгай.

Бедил ўз китобхонларига ана шу Беҳишт, ана шу Баҳорни туҳфа этиб яшади. Айни пайтда, бу туҳфа биз учун ўзига хос синов ҳамдир. Негаки, бу Биҳишт, бу Баҳор салтанатига мисраларда тилсимланган чигал йўллар орқалигина кириб бориш мумкин.

Муаззам дил сира шонсиз бўлурми,
Биёбон ҳам биёбонсиз бўлурми.

Шоирнинг руҳий оламига, ана шу биёбонга қадам қўя борар экансиз, бу салтанат қаршингизда тобора шукуҳлироқ, тобора поёнсизроқ бир тарзда намоён бўла боради.

Умуман, Бедил лирикасида бир жойга келиши маҳол бўлган зиддиятлар омухта бўлиб кетади. У худди сеҳргар морбоздек ақл бовар қилмайдиган мантиқсизликлардан нур таратади, қарама-қарши қутбларни бир нуқтада туташтириб, чақинлар чақнатади.

... Энди менинг куйди парим, синди қанотим,
Кенгликка самозор, фурсатга — замонлар...

Маълумки, аждодлари шаҳрисабзлик ўзбеклардан бўлган бу зот Ҳиндистонда, Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида туғилди, форс тилида ижод этди. Шу боисданми, Бедил шеъриятида туркона бир ёввойи навқиронлик, форсиёна нуроний бир заковат, ҳашам, ҳиндларга хос афсун чамбарчас яшайди.

Шоир бир ғазалида:

Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид бўлдим... абад ором олурман,

деб таскин топса, бошқа бир байтида:

Мурда ҳам маҳшар учун овора,
Ором олмоқ не қадар душвордир,

деб ҳасрат чекади.

Неки фазилатлар бўлса — Бедил ҳазратларига, неки нуқсони бўлса — таржимонга тегишли ушбу ғазалларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ

●

Бўлиб ғофил, ўзимни кўп ки ғоратлар қилурман мен,
Кўзим очиб, тағин дилни иморатлар қилурман мен.

Қарога мойилу рангим, дилим ойдин, ғуборим йўқ,
Сиёҳ ҳарфларни ёрдудан иборатлар қилурман мен.

Ғариблар кулбасидин бошлагум Каъба тавофини
Ва ўз мажнун дилимни ҳам зиёратлар қилурман мен.

Синиб қолганда ҳам гулбарг бутун олам билан тенгдур,
Чимиртирмоқ учун қошинг, ишоратлар қилурман мен.

Фироқинг ўтига ҳамла қилур кўзлардаги ёшим,
Дил ишқдан жизғанак бўлсин, ҳароратлар қилурман мен.

Таяммум айлагум ўз ҳокима, истаб омонликлар,
Демам, зоҳид каби тошқин таҳоратлар қилурман мен.

Бу хулқ бирлан дилимга солмаса дўзах агар таҳдид,
Нечун Бедил, тилаб беҳишт, ибодатлар қилурман мен.

●

Агар сен бўлмасанг, дилга нетиб бахт, гулузор, келгай,
Агар келсанг, сурур келгай, беҳишт келгай, баҳор келгай.

Қадам ранжида қил, чиққай чаманлар қошингга пешвоз,
Олиб ибрат бу ташрифдан товуслар пурвиқор келгай.

Ки йўқлик тупроғин ҳар қанча уйса чарх ғуборимдин,
Бу тупроқдан униб гулдек юзинг, эй шоҳсувор, келгай.

Бу дашт сероб эрур ҳар хил ғараз маҳлуқлари бирлан,
Жунун тозиси ночор, гарчи қилмоққа шикор келгай.

Бўлурми дарё ҳеч дарё ки жуфт қирғоғи йўқ эрса,
Иков бир бўлмасак, бахтим нетиб, сарви нигор, келгай.

Қаро бўлди фироқ аҳлин куни, парвардигорим, айт,
Қуёшим кўнглига невчун бунингдек ихтиёр келгай.

Боқиб муштоқ кўзларга, чаман тушгай таажжубга,
Ки наргислар кўзларни кўрай деб интизор, келгай.

Қўлинда Бедилингнинг минглаб ойина топар сайқал,
Қачон унга, худоё, ул паричеҳранг дучор келгай.

●

Айтки, ваҳдатдан бўлак не орттирар урфонимиз,
Биз, ўзи, саҳромизу ҳам биз анинг бўстонимиз.

Шол ва ланглик бирла қолмас шавқимиз маъюс бўлиб,
Иштиёқ боғи бўлиб унгувчи ҳар мужгонимиз.

Субҳ маънисини бир қўрқув деб иншо айладик,
Энди ҳеч журъат топилмас, биттали унвонимиз.

Энди чиққанда савод, шўх ўқидик зулф мисрасин,
Ўзни босдик сўнг, чигалмазмун бўлиб девонимиз.

Ер қучоқда бўлса ҳамки, кимдир у, билмаймиз ҳеч,
Ойнадек ойдин агарчи бағримиз — бўстонимиз.

Депсиниб минг от-улов, кўзлаб эдик биз маррани,
Чанг тутиб йўлни, адашди, водариг, карвонимиз.

Пойламанглар тошюраклар ичра ёнмоқ пайтини,
Эй-ки учқунлар, қучоқ очгай сиза майдонимиз.

Кўз юмиб бўлгайми ҳеч дийдор умидиндан, гулим,
Сен учун чақнаб-чарақлар чашмимиз — ҳайронимиз.

Дилдаги гар тилга кўчса, жизғанак бўлгай забон,
Шу сабаб сир мулкининг ошкор эмас, пинҳонимиз.

Руҳимиз қолди ялангоч, тил топишмай дард билан,
Гарчи дилдан шиша кийди, Бедил, оҳ-афғонимиз.

●

Сувга ғарқ ёқут каби кўксимда дил қон бўлди кўп,
Нам бу фонус ичра шамдек, танда пинҳон бўлди кўп.

Бахт юрак ичра, юрак кўксимдаги зиндон аро,
Ешурун дурга бориб етмак не имкон бўлди кўп.

Иўлга бошлаб эҳтиёж, ишқим либосин босди чанг,
Тер бўлиб обрў тўкилди, ишим афғон бўлди кўп.

Ўтдиму ўздин, қизитдим аҳли машраб даврасин,
Мисли бўм-бўш бир қадаҳга май тўлиб, қон бўлди кўп.

Ҳусну файзи қочганидан бехабар бу гўшани
Ойинамга солдиму дардига дармон бўлди кўп.

Тош таним, пардек руҳимдан ногаҳон чақнаб чақин,
Тортти енгил ўзгалар, мушкуллар осон бўлди кўп.

Ойинам тортти хира, дуд ичра йўқ бўлди чироқ,
Оҳ, ўзимга ўзни кўрмак бахти армон бўлди кўп.

Нозик ипдандир умид, чирт узди бу дунё уни,
Нақд бу ҳолим қилди нася, рости ёлғон бўлди кўп.

Бенишонликдан нишон излаб, нишоним қолмади,
Иўқ бир анқо йўқ бўлиб, Бедил пушаймон бўлди кўп.

●

Торттию ранг, айлади лабларни гулрухсор қизил,
Гўнё кўрсатди ғунча пардан зангор қизил.

Сен сира алданмагил наргис кўзин хумморидан,
Бир бало топгусидир, бўлса кўзи хуммор қизил.

Бу баҳор кўп нозли келди, мен-чи — ҳасратхонада,
Гулларим расми тушиб, бўлсин эшик-девор қизил.

Аҳли дин қотиллик арбобига ҳеч қилмас ҳавас,
Барҳаман гар қилса-да қонга бўяб, зуннор қизил.

Қатнасанг, золимга арз айтиб, иши — рад айламак,
Учмагунча то гиламдан топталиб бисёр қизил.

Шавқ ўтидин мен жигар қонимни тўкмак истадим,
Топмадим лекин сира кўзимда ёш зинҳор қизил.

Заъфарондир бу вужудим хасталикдан қон қочиб,
Қилмасанг бўлмас, уриб тийғингни, бир миқдор қизил.

Гар қалам зар нақш ила сатримни иншо айласа,
Шуъларанг руҳим кўчиргач, бўлгуси туммор қизил.

Ошиқ аҳлин дард-азоби, қисмати қондир мудом,
Гул эса киймиш бошига шунчаки дастор қизил.

Қонли фарёд тингламак истар чаманда лолалар,
Чундигин тўти ва булбул айламиш тайёр қизил.

Навбаҳор, Бедил, унутма — бахт сира ранг танламас,
Бўлди кулфат аҳлининг кўз ёшидан гулзор қизил.

●

Бу ҳаёт нақди туман озордир,
Қанча кам қилсанг ҳисоб — бисёрдир.

Не ажаб бўлмаса жам ҳеч бир дил,
Қатма-қат ғунча каби дастордир.

Умримиз тўлса-да, манманликка,
Бир нафас бирла бари бекордир.

Буюрибдур ҳокисорлар ташриф,
Шу сабабдан бу замин гулзордир.

Ҳуснимизга не учун лоқайдсиз,
Кўзингизни сал очинг — дийдордир.

Бу қафасданки шикоят қилмам,
Индамаслик бамисол туммордир.

Ғунчанинг хандаси парвоз айлар,
То қанот чундигима дастёрдир.

Мурда ҳам машҳур учун оввора,
Ором олмоқ не қадар душвордир.

Зулф ила тун не қародир, Бедил,
Сўра тақдирдан, у — санъаткордир.

Форсчадан Матназар АБДУЛҲАКИМ таржималари

ИСТЕЪДОД ВА ЖУРЪАТ

АЛИШЕР НАВОИЙГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ САҲНА ВА МУСИҚА АСАРЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ТАНИҚЛИ КОМПОЗИТОР МУТАВАККИЛ БУРҲОНОВ 1946 йилда Уйғун ва Иззат Султон пьесаси асосида яратилган «Алишер Навоий» спектаклига музика басталади. Худди шу даврдан бошлаб Навоий образини мусиқада яратиш композитор фикрини қамраб олди. Навоий ғазалларига романслар ёзди. Шоир Абдулла Орипов билан ҳамкорликда яратилган мусиқий достон ҳам чин маъноси билан буюк мутафаккир шаънига куйланган қасида бўлди. Бу қасидада бўлажак операнинг илк нишоналари яққол сезилиб туради. Бироқ Мутаваккил Бурҳонов Навоий ҳақида опера яратиш нақадар оғир ва мураккаблиги билан бирга катта истеъдод, журъат кераклигини ҳис этарди. Орадан узоқ йиллар ўтгач, композитор Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси асосида либретто ва опера ёзди. Бу опера шоир номи билан аталадиган ўзбек давлат академик Катта театрида саҳналаштирилди.

Операдаги воқеа икки оқимда давом этади: бири Навоийнинг инсонпарвар шоир, файласуф, мутафаккир сифатида ҳаёт ҳақидаги, адолат, маърифат ҳақидаги мушоҳадалари, жаҳолат, зулмга қарши халқ халоскорлиги бўлса, иккинчиси унинг шахсий драмаси Гулига бўлган покиза, олижаноб муҳаббати, замон зарбалари остида янчилган бу муҳаббатнинг фожиали оқибатидир. Операда шоирнинг машҳур:

Одами эрсанг демагил одами,
Оníким йўқ халқ ғамидин ғами,

мисралари эпиграф қилиб олинишининг ўзи ҳам бежиз эмас. Бу ҳикматона мисраларнинг туб маъноси бутун опера мусиқасидан бир лейтмотив каби ўтиб боради. Бу ғояни чуқур ифодалаш учун композитор операга драма нусхасида бўлмаган янги бир саҳнани киритади. Адолат излаб кўп мамлакатларни кезган, лекин ҳеч қаерда ҳақиқат тополмаган мусофир чолни (артист Х. Тоиров) Навоий ҳузурига олиб келадилар. Унинг икки кўзи кўр бўлса ҳам дунёни қалби билан кўради. Чолни одам бош суянгини кўтариб олган ёш бир бола етаклаб келади. Муаллиф ва режиссёр операда бу образга алоҳида эътибор беради. Дарвеш ёки бир авлиё қиёфасидаги бу чолнинг доно саволлари мутафаккир шоирни лол қолдиради.

Операда давр ва халқ фожиалари шу халқнинг буюк фарзанди сиймоси орқали очиб берилади. Композитор мусиқада Навоий ҳаётида рўй берган фожиа нуқталарига асосий эътиборни қаратади. Операнинг классик анъаналаридан маълумки, воқеалар бир саҳнада ёрқин мусиқий руҳга эга бўлса, иккинчи саҳна унга қарама-қарши ўлароқ салбий руҳда бўларди. Бундай опералар худди рақамлаб қўйилган ария, дуэт, хор, рақсларга қурилган ҳолда маълум саҳналарга ажратиб қўйиларди. Булар алоҳида-алоҳида концерт номерлари каби мазмун ва шакл касб этарди. Бурҳонов бу йўлни танламади. У «Алишер Навоий» операсида воқеаларни тўхтовсиз баён қилиб бориш услубини лозим топди.

Нима учун? Чунки Навоий замонидаги социал зиддиятлар, ички можаролар, тахт учун кураш сингари воқеалар жараёни шундай опера яратишни тақозо этарди. Навоий бир томондан зулм ва жаҳолат зарби остида эзилган халқнинг аччиқ қисматини кўрса, иккинчи томондан саройда Ҳусайн Бойқаро атрофига манқуртдек ёпишиб олган мунофиқ, ҳасадгўй Маждиддинларнинг макр-ҳийлалари бўҳтонлари, ниҳоят, очилмай ғулдай сўлган, маҳв этилган севги фожиаси зарбалари остида худди занжирланган шердек тўлғанарди. Бир-бири билан мантиқан узвий боғланиб ўсиб бораётган ария дуэтларга, дуэтлар эса мусиқий речитативларга, ёки хор ва хораллорга ўтиб бориб, ўзининг энг юксак драматик фожиали нуқтасигача кўтарилади. Бу жараёнлар асарнинг ички мазмунини тўлдирган ҳолда бир бутунлик ташкил этади. Лекин операда тугалланган, тўлақонли ва ёрқин ариялар, дуэтлар етишмагандек кўринади. Бу ҳол томошабинни чалғитади.

Операнинг муваффақияти албатта унинг асосий қаҳрамони Алишер Навоийнинг мусиқий образи талқинига боғлиқ. Бу партияни, яъни ролни ижро этган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов Навоийга хос шоирона, мутафаккирона фазилатларни топишга интилади. Ёқимли овозга эга бўлган бу хонанда айниқса Наврўз фасли манзараларини ифода этувчи саҳнани маҳорат билан ижро этади. Бироқ ҳарам саҳнасида, Маждиддинлар билан бўлган кескин тўқнашув жараёнида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда образнинг ички мусиқий драматургиясини чуқур кўрсатолмаган. Артист бу мураккаб ва кўп қиррали образни янада камолга етказиш устида ҳали кўп меҳнат қилиши керак.

Операда оммавий саҳналардаги халқ руҳияти, унинг орзу-ўйлари, ички дунёсини ифодаловчи хорлардан ташқари халқ қўшиқлари, лапарлар, айтишувлардан ижодий фойдаланилади. Воқеа давомида саҳна орқасидан енгил дилрабо куй таратиб, опера қаҳрамонлари овозига жўр бўлган ҳолда майин, енгил шабададек эсиб тингловчилар қалбига ҳузур бағишловчи хор намуналари фикримизнинг далили бўла олади.

ҲУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ ЁЗЛИК САРОЙИДАГИ Наврўз базми мусиқаси Навоий ғазалиётининг нафис шоирона туйғуси билан суғорилган. Устоз Қулмуҳаммад қўлига рубоб олиб Навоий шеърига басталаган янги қўшиғини куйлайди. Операга маҳорат билан киритилган афғон рубобининг сеҳрли садолари дилларни ром этади.

СССР халқ артисти Г. Измайлова саҳнага қўйган ранг-баранг рақслар операнинг умумий бадиий тўқимасидан алоҳида бир концерт номери сифатида ажралиб қолмайди.

Операнинг хотимаси драма нусхасидан тамомила фарқ қилади. Воқеа Ҳусайн Бойқаро саройида эмас, Ҳирот қабристони олдидаги кенг далада бўлиб ўтади. Гули қабри устида ўқилган қуръон оятлари, мотамсаро мусиқий оҳанглар халқ фиғонига ҳамоҳанг янграб қалбларни ўртайди. Мусиқа ғамгин оҳанглардан аста-секин ёришувчи, умидбахш кайфиятни тасвирловчи қисмга ўтади. Тонг отмоқда. Келажак тонги!.. Сўнмас қуёш қоронғулик оламини адолат нурлари билан ёритади. Опера инсонпарварлик ғояларини тараннум этиб юксак авж пардаларида жарангловчи халқ хори билан тугайди.

Операдаги Гули образини яратган Шоҳида Тўхтабоева ўзининг ёқимли, нафис овози билан томошабинларни мафтун этди. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва дирижёр Ғани Тўлаганов актрисадаги қобилиятни англаб, унга дадил ишонч билан Гули образини топширдилар. Гулининг шоир ва унинг ғазалиётига муҳаббати нақадар самимий эканлиги Ҳирот боғидаги учрашувда ҳам, Наврўз сайлида ҳам, машъум ҳарам саҳнасида ҳам яққол очилади. Айниқса, Гулининг ҳарам саҳнасида чархи ситамкор фалакнинг жабридан фарёд чекиб куйлаган арияси нафақат операнинг, балки ижрочининг ҳам ютуғидир.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Бозоров Ҳусайн Бойқаро образини анча ишончли ижро этса ҳам, Навоий билан Маждиддин ўртасидаги ихтилофларда икки ўт орасида саросимага тушиб, аросатда қолган дақиқалардаги ички зиддиятлар курашини етарлича очиб беролмайди. Навоийнинг мухлиси ва дўсти бастакор Мулламуҳаммад образи П. Мустафоев, маккор Маждиддин образи М. Мелиев ижроларида ўзининг тўла-қонли ифодасини топа олган.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Йўлдошевнинг опера театридаги биринчи иши бўлса ҳам, у музика драматургиясини тўғри тушуниб операни саҳналаштирди. Режиссёр воқеаларнинг тез, узлуксиз, шиддат билан ривожланиб боришига, ҳар бир образнинг ички дунёсини очишга, айниқса, хор ва хорал жўрлигида ўтадиган оммавий саҳналарда томошабин ёдида қоладиган ёрқин манзаралар яратишга эришади.

Саҳна безакларини ишлаган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. Шораҳимов опера воқеаларига монанд фожиавий чизгилар тополганлигини айтиб ўтиш керак. Операнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб ўйлайман. Энг муҳими, асар улуғ шоир тўйига муносиб совға бўлди.

●

ТЎЙГА АТАБ ЯРАТИЛГАН МУСИҚА АСАРЛАРИДАН яна бири композитор Мустафо Бафоевнинг «Ҳолоти Алишер Навоий» симфониясидир. Композитор М. Бафоев Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарларига таяниб, унинг ҳаётидаги энг муҳим лавҳаларни, бошидан кечирганларини, шоирнинг ички дунёсини, фалсафий қарашларини, аччиқ тақдир ва соф муҳаббати туфайли чеккан изтироблари, эҳтиросли туйғулар бўронини тараннум этади. Навоий сиймоси гоҳ хорда, гоҳ хонанда қўшиғида, гоҳ бадиий ўқиш жараёнида гавдаланган дай бўлади. Сато, уд, доира, қўшнай, қонун, чанқовуз, танбур, дутор чолғу асбоблари жўрлиги асосий қисмларни бир-бирига боғлаб туради, ўша давр ҳаёт тарзини, руҳиятини яратишга имкон беради. Хор бу ерда симфоник оркестр ва унинг айрим чолғу асбоблари ўрнини ўтайди.

Симфония тўрт ҳолатдан иборат. Биринчи ҳолат муқаддима бўлиб, Навоийгача бўлган даврни ифодалайди. Сато садолари мозийдан хабар беради. Бунга хорнинг сўзсиз куйи қўшилади. Ер қаъридан қуёш чиққандек Навоийнинг улуғвор, салобатли сиймоси пайдо бўлиб тобора бизга яқинлашиб келаётгандек туюлади. У ўзни унутиб сукутга кетади, ҳаётнинг асл моҳиятини англаш учун хаёл дунёсига чўмади. Хор ижросидаги сўзсиз куй худди муаллақ тургандек бир маромда садо беради. Сўнг уд ижросида Навоий мавзуи бошланади. Бу мавзу яна сато, хор, уд ижроларида бир оҳангдан иккинчисига ўтиб ўзгариб, товланиб туради.

Симфониянинг иккинчи қисмига Навоийнинг «Қоши ёсинму дейин...» деб бошланувчи машҳур ғазали асос қилиб олинган. Бу қисм мақомларнинг савтларига яқин, ижро ҳам мақом йўлида берилади. Истеъдодли хонанда Маҳмуд Тожибоев ижросидаги бу қўшиқ дутор, танбур жўрлигида бошланади. Авжга борганда хор ҳам қўшилиб ўзининг юксак нуқтасига кўтарилади. Унда қандайдир дард, дилдан отилиб чиққан фарёд бор.

Симфония музиқанинг кўп овозли жанри бўлса ҳам композитор миллий мақомларимиз анъаналаридан, миллий ижро йўлларидан, айниқса, катта ашула усулларидан ижодий фойдаланади. Европача ижро йўли билан миллий ижро усуллари омухта бўлиб кетади.

Учинчи қисм халқ оғзаки ижоди руҳи билан суғорилган. Бу олдинги қисмларга қарама-қарши ўлароқ шўх, енгил, ўйноқилик хусусиятига эга.

Сурнай ва ноғоралар баҳор келаётганидан, ҳаёт уйғонаётганидан дарак бериб янграйди. Хор ҳам карнай садоларини ифодалайди. Навоий рубоийларининг бирини йигитлар қўшиқ қилиб айтса, иккинчисини қизлар куйлайди. Лапар, айтишув шаклидаги ранг-баранг қўшиқлар йигит ва қизларнинг ўзига хос тортишувига, мушоирасига айланиб кетади. Доира садолари тиниб, оғир, вазмин, мунгли бир ҳолатни акс эттирувчи музиқа эшитилади. Шу ўринда симфониянинг бир-бирига зид бўлган эзгулик билан ёвузлик, ёруғлик билан қоронғулик ўртасидаги кураш мазмунини англаймиз.

Симфониянинг тўртинчи якунловчи қисми фожиали рухда ёзилган, хорал энг паст пардаларда дард билан оғир, мунгли фиғон билан нола қилади. Шоир монологи эшитилади. Унга хорал жўр бўлиб, қалбларни янада ўртайди.

Хонанда ҳам худди шу мисраларни куйга солиб андуҳ чекади. Биз Навоийнинг ҳам шеърий, ҳам музиқий образи тасвирини кўрамиз. Қонун оғир, мусибатли онларга чек қўйгандек садо беради. Бу ҳолатга қарама-қарши ўлароқ биринчи қисмдаги аёл нидоси қулоққа чалинади. Бу шоир севгилисининг нидоси. Бу нидога бошқа овозлар қўшилиб хоралга айланади. Музиқа ўзининг энг фалсафий нуқтасига етади.

Аста-секин сукунат чўкади. Дутор оҳанглари оғир кайфиятни ёзиб яхши кунлар, яхши замонлар келишидан дарак беради. Хор садоси яна ҳамоҳанг муаллақ пардаларда қолади. Уд ва хор жўрлигида буюк мутафаккир шоирнинг куйиб, армон тўла куйлаган овозини эшитамиз:

Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, ороминжоне топмадим.

Чанқовуз оҳанглари хаёлимизни яна тарихга, мозийга олиб кетади. Тасаввуримизда баҳор манзаралари кўринади. Гўё жийда гулларининг хушбўй ҳидлари димоққа урилгандек бўлади. Алишер Навоийнинг буюк симфони аста-секин биздан узоқлашиб ғойиб бўлиб, мозий сари кетади. Чанқовуз овози ҳам тинади. Худди шу ерда симфонияга нуқта қўйилади.

Шу вақтгача музиқа эшитиб, симфония шу қадар мазмунга бой, сеҳрли бир олам эканини пайқамаган эканман. Фалсафий тафаккурнинг музиқий тилда нақадар теран баён этилиши мени ҳайратга солди.

Жумҳурият телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ботир Умиджонов раҳбарлигидаги хори бу асар устида катта ижодий иш олиб борди. Ижро жиҳатдан жуда мураккаб бўлган бу симфонияни худди заргар каби энг нозик нуқталаригача синчковлик билан ўрганиб, яхши тушуниб, маҳорат билан ижро этди.

Мақом йўлларини яхши билган истеъдодли хонанда Маҳмуд Тожибоев ижрода ҳам, Навоий ғазалларини талаффуз этишда ҳам, куйлаш услубида ҳам миллийликни сақлаган. Уни янги бир талқинда ифода этишга эришган. Бу хонанданинг яна бир ютуғи.

ЖУМҲУРИЯТ РАДИОСИ БУ СИМФОНИЯНИ магнит лентасига ёзиб олиб жуда катта ва хайрли иш қилди. Агар «Ўзбектелефильм» ижодий жамоаси бу симфония асосида фильм яратса нур устига аъло нур бўлур эди. Қани энди ундаги шўх тароналар, лапар ва айтишувларга гўзал рақслар саҳналаштирилиб шоир яшаган Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари олдида сувратга олинса!..

Убай БУРҲОН,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

СУРАТДА: «Алишер Навоий» операси қаҳрамонлари — А. Навоий (Т. Ҳусанов), Гули (Ш. Тўхтабоева), Мулламуҳаммад (П. Мустафоев) ва Ҳусайн Бойқаро (А. Бозоров).
С. МАҲКАМОВ суратга олган.

ҚЎШИҚҚА ДОҒ ТУШМАСИН

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

РИВОЯТ ҚИЛИШЛАРИЧА, Аллоҳ таолло жаннатдаги бандаларига куй бахшида этибди. Дилрабо куй шу қадар сеҳрли, оромбахш бўлганидан улар дош беролмай жон берибдилар. Шу боисдан ҳам Аллоҳ бандаларига жабр қилиб қўйганини сезиб, кўй сеҳрини бироз сусайтирган экан.

Санъатга баҳо берувчи одамнинг ўзида ҳам бир чимдим англаш фазилати бўлгани яхши. Санъат соҳасида мутахассис бўлмасамда, унинг куюнчак мухлиси сифатида шуни айтиб ўтмоқчиманки, халқ буюк ҳакам. Халқ ҳақиқий санъаткорни тушунади ва қадрлайди. Шу боис халқ назарига тушган санъаткор ҳеч қачон унутилмайди. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби ҳамиша барҳаёт ҳофизларимиз юксак таланти ва қўшиқни микрофонсиз ижро этиш қобилияти билан халқ олқишига сазовор бўлганлар ҳозир ҳам уларнинг қўшиқларини эхтирос билан тинглаймиз.

Аллома санъаткор Юнус Ражабийнинг кўп қиррали хизматлари мусиқа санъати хусусан мақом оламидаги кашфиётлари ҳаммага маълум. Шукрона келтирмоқ керакки, бундай санъаткорларнинг номлари абадийлик муҳри билан эъзозланган. Улар қолдирган ўлмас мерос кўплаб авлодларни тарбиялашига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда таниқли хонандалар Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Шерали Жўраев, Камолиддин Раҳимов, Ҳасан Ражабий, Нуриддин Ҳамроқулов, Дадахон Ҳасанов, Ортиқ Отажонов санъатининг ўз мухлислари бор. Шуниси қувонарлики, бу таниқли санъаткорлар орқасидан ўнлаб умидли ёшларимиз санъат даргоҳига кириб келмоқдалар. Келгусида улар қўшиқсеварларимизнинг фахрига айланишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Беихтиёр шундай савол туғилади: нега биздан жаҳонга машҳур истеъдодлар чиқмаяпти? Бир вақтлар Тамарахоним, Галия Измайлова, Мукаррама Турғунбоевалар ўзбек санъатини дунёга олиб чиқиб, достон қилган эдилар-ку! Кейин истеъдодлар туғилмадими? Келинг, инсоф билан баҳо берайлик: Маъмуржон Узоқов, Ботир Зокиров истеъдод эмасмидилар? Ахир, уларни ўз даврида ҳамма тан олган эди. Лекин биз бу улкан санъаткорларни ҳаётлигида қадрламадик, керак бўлганида ҳимояга ола билмадик. Ўзлари ўтиб кетгандан кейин мақтай бошладик. Лекин бу мақтов, қадр тириклигида бўлганида эди, уларнинг умри бу қадар эрта завол топмасди.

Ёки бўлмаса Фахриддин Умаровни олайлик. Бутун умрини санъатга бағишлаган бу заҳматкаш ҳофиз не-не маломатларга қолмади дейсиз. Чунки унинг обрўси ғурури ва фазилати кимлардир ёқмади. Ҳайриятки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ташаббуси билан хонанда унвони тикланди.

Агар диёримиздан истеъдод чиқса уни баралла табрикламоқ, муборакбод этмоқ керак. Лекин баъзан манфаат кўзимизни хиралаштириб ҳам қўяди.

Бу йилги «Янги-йил базми» телекўрсатувида Достон Убайдуллаевни кўкларга кўтариб мақташди. Тўғри мақтаса арзийди. Бу жажжигина болакайни ҳамма яхши кўради. Бироқ бу мақташларнинг зарарли томонлари ҳам бор-да.

Яна бир кўрсатувда журналист қиз «Волга» автомашинаси рулида ўтирган Достондан интервью олар экан, уни саволларга кўмиб ташлади:

— Қизларни яхши кўрасанми?

— Йўқ.

— Телефон қилиб туришадими?

— Жиринг-жиринг, жиринг-жиринг, жонга тегиб кетишади.

— Сен яхши боламисан?

— Ҳа, яхши боламан. Ҳамма ҳам мендек яхши бўлсин-да!...

Қизиқ, ёш болага шундай бетайин саволларни бериб бўладими?

Ўз-ўзидан ташвишли савол туғилади: биз Достонга нисбатан бундай муносабатда бўлиб ёш ниҳол тарбиясига путур етказиб қўймасмиканмиз? Балки Достон истеъдодлидир. Лекин у ҳали гўдак-ку? Нега энди биз Достонга ёпишиб олдик? Ўқисин, ишласин, бир оз улғайсин, мақташ эса қочиб кетмас.

КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА санъат адабиёт ва маданият соҳаларида бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги-янги истеъдодлар кашф этилмоқда. Бу яхши ташаббус. Бироқ радио ва телевидение орқали эшиттирилаётган қўшиқлар ичида ҳали меъёрига етмай эфирга чиқарилаётганлари ҳам талайгина.

Сир эмас, баъзан ишдан толиқиб келасан-да, мириқиб хордиқ чиқариш ниятида радио ёки телевизорнинг мурватини бурайсан. Матни ғўр қўшиқ янграйди, хордиқ чиқариш ўрнига асабинг қақшайди, кайфиятинг айнийди:

Дўлана, дўлана,
Тоғда ўсган дўлана,
Ўз ёрини тополмай
Лолу-ҳайрон дўлана.

Бу қўшиқда «дўлана» сўзи шу қадар кўп такрорланадики, жонга тегиб кетади. Қолаверса, дўлана тиқанли дарахт бўлганидан муҳаббат рамзи ҳам, лолу-ҳайрон ҳам бўлолмайди. Ўз ҳолига қўйиб берсак, эртага «Седана», индинига «Бедана», каби қўшиқлар болалаб кетмайдими?

Муҳаббат Шамаева, Раъно Шарипова, Гулшод Отабоева, Ғуломжон Ёқубовлар халққа яхши қўшиқчи сифатида танилган эдилар. Ҳурматли санъаткорларимиз биздан ранжимасинлар, эндиликда улар изланмай қўйдилар, янги қўшиқ айтмаяптилар. Умуман, дилида дардли қўшиқ туғилмаган хонанда ҳар қандай енгил-елпи қўшиқларни айтавермаслиги керак. Шундай йўлни танлаганлар хато қиладилар.

Санъат-ҳақиқий истеъдодларнинг қутлуғ даргоҳи бўлмоғи, бу табаррук маскан ҳар қандай кимсалар учун бошпанага айланиб қолмаслиги лозим.

Яна бир ташвишли ҳол. Кейинги вақтда тўйларни бетайин, қиёфасиз қўшиқлар тошқинига айлантириб юборувчи саёқ отарчилар кундан-кунга кўпайиб бораётир. Улар учун пул — авлиё. Кирим бўлса бас, оғзиларига нима келса, куйга солишаверади:

Бу дунёдан ўтар бўлсам
Мен йиғламай ким йиғласин (?)

Ана қўшиғ-у, мана қўшиқ!

Нафсиламбрини айтганда, шу каби қиёфасиз қўшиқлар, ориятсиз ижрочилар туфайли муқаддас санъатимизга доғ тушаяпти, обрўсига путур етаяптики, бу ҳақда ачинмай гапириб бўлмайди.

Қўшиқчилик санъатига оид яна бир масала бор. У созандалар ҳақида. Менимча миллий, хусусан классик қўшиқчиликда созандаларнинг кўп бўлиши шарт эмас. Мусиқа асбобларининг кўплиги, қолаверса баланд овозда жўр бўлиши қўшиқ овозини босиб кетаётир Натижада қўшиқ оҳангидаги аниқликка, равонликка, майинликка путур етаётир. Шу боис, бу хусусда мутахассислар бир қарорга келар, деган умиддамиз. Хуллас, менинг юқоридаги айрим мулоҳазаларимга санъат мухлислари, ҳонанда ва созандалар ўз фикрларини билдиришларини истардим.

ҲОЗИРГИ САНЪАТ СЕВАР ХАЛҚ ўта талабчан. Уларга қандай қўшиқ ёқади? Қўшиқ сўзи таъсирчан, сеҳрли, равон бўлса, музиқа унга мос келса-ю, зеб бериб сайқаллаб турса ва ниҳоят бу қўшиқ ўз ижрочисини топса, адашиб қолмаса. Ана шундагина қўшиқ инсон қалбини забт этиб халқ севган қўшиққа айланиб кетиши муқаррар.

Зеро ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Эй муғанний, чун ниҳон рознин бўлурсан — соз туз,
Тортибон мунглуғ наво, созинг — била овоз туз...

Жўрахон АБДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ

Ўзбекистон ФА Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи бир неча йилдан бери ёпиқ бўлишига қарамасдан, музей илмий ходимлари кўчма кўргазмалар ташкил қилмоқдалар. Халқимиз тарихи, маданияти урф-одатлари ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштирмоқдалар. Хуллас, халқимизнинг маданий, маънавий эҳтиёжларини қондиришга ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Жумҳуриятимиз бош музейининг фонд ва архивларида Туркистон тарихига оид юзлаб, минглаб осори-атиқалар, ҳужжатлар, фотосуратлар сақланмоқда.

«Ўзбек маърифатпарварлари» кўргазмаси ҳам музей фондидаги тарихий ҳужжатлар ва материаллар асосида тайёрланган. Мазкур кўргазмада Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Қодирий, Фитрат, Беҳбудий, Тавалло, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мунавварқори Абдурашидхонов ҳаёти, ижоди, ҳақидаги суратлар ва фотоҳужжатлар берилган.

Кўргазмадан ҳали биз етарли даражада ўрганмаган Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ҳақидаги ҳужжатлар ва суратлар ҳам ўрин олган.

Бир неча ўн йиллар бизнинг аждодларимиз саводсиз бўлишган, ўзбек халқи инқилобдан сўнггина савод чиқарган деган «танбеҳларга» кўр-кўрона ишониб келдик. Шуни назарда тутиб, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа Туркистон шаҳарларидаги мадрасаларда, мактабларда қимлар ўқишган, деган саволларга кўргазмамизда жавоб беришга ҳаракат қилдик. Айний, Беҳбудий, профессор Фитрат, Чўлпон, Қодирий таълим олишган мадрасаларда ўқитиш системалари, дарс ўтиш жараёнлари қандай бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бердик. Кўргазмада маърифатпарварлар асарларининг, қўлёзмаларининг фотонусхалари, уларга тегишли фотоҳужжатлар, суратлар берилган. Томошабинлар улар ҳақида, шубҳасиз, маълум тасаввурга эга бўладилар.

Равшан ҚУИМУРОДОВ,
ЎзФА Тарих музейи кичик ходими

ИХТИЁРИНГ ОЛСИН МУҲАББАТ

Ҳар ситамки менга қилибсан,
Муҳаббатдан қайтсин жавоби.
Худди мендек, жоним, сени ҳам
Юз минг кўйга солсин муҳаббат...

Бу қўшиқни радио тўлқинлари орқали ҳар сафар эшитганимда, қувваи жисмимни илиқ бир туйғу чулғаб олади. Гўёки дарёга тушдиму, унинг майин тўлқинлари билан бирга узоқ-узоқларга оқаётгандекман. Ногоҳ қўшиқ тугаб қолади. Мен эса бу оҳангга қўшилиб, оқгим келаверади...

Орадан қанча вақт ўтсада, мен ҳамон ўша овозни, ўша оҳангни соғинаман. Бу соғинч мени қўшиқ ижрочисини излаб топишга ундади. Наврўз арафаси эди, байрам муносабати билан она шаҳримга бориб, тўппа-тўғри Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтига йўл олдим. Ёмғир шивалаб ёғмоқда. Мусиқа факультетининг тўртинчи қаватига кўтарилдим. Кўтарилдиму, узун йўлакда ўзим излаб келаётган хонандага кўзим тушди. Биз кафедрада узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат орасида қўшиқчининг Темирйўл районги, Бекмаҳалла қишлоғида туғилганини, 8-синфни битиргач, Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги санъат билим юртига кириб ўқиганини, 1979 йили эса санъат соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида Самарқанд педагогика институтининг мусиқа факультетига ўқишга кириб, шу билан бирга институт қошида ташкил қилинган «Гулдаста» ансамблида фаолият кўрсатаётганини билиб олдим.

— Дастлаб бу даргоҳга келганимда республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор Равшан Ҳамроқулов, ўқитувчилар Норбой Толибоев, Ҳусан Файзуллаевдан санъат сирларини ўргандим. Эндиликда шу «Гулдаста» ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаяпман. Бадиий раҳбаримиз Р. Ҳамроқулов билан бирга 1990 йили Самарқанд шаҳар «Панжоб» миллий маданият маркази қошида яна битта «Панжоб» ансамблини ташкил қилдик. Мақсадимиз, ансамблнинг энг яхши қўшиқларини радио ва телевидение орқали халққа етказиш. Бундай хайрли ишларимизга Омон Раҳимов, Раҳмон Раҳимов, Ҳусан Файзуллаев, Асқарали Одилов, Муроджон Ғуломов яқиндан кўмаклашмоқдалар.



— Радио орқали илк бор чиқишингиз қандай бўлган? — деб сўрадим ундан.

— Ансамблимиздаги Ўктам Яҳёев деган хонанда билан Тошкентга радиога бордим. Ўктам қўшиқларини овоз ёзиш студиясига ёздириши керак эди. Биргалашиб студияга кирдик. У ерда ёш ҳаваскорлар билан ишлаш редакциясининг мудири Нуриддин Аминжонов қўшиқларимни кенгашга олиб келишимни тайинладилар. Саккизта қўшиқ олиб бордим. Шулардан тўрттаси кенгаш аъзоларига маъқул келди.

— Жаводбек ака, ўзингиз билан тенгдош бўлган хонандалар ижоди, қолаверса, ёш бастакорларнинг маҳорати хусусида фикрингизни билмоқчи эдим.

— Ўзимдан олдин саҳнага чиқиб хоҳ қўшиқ айтган, хоҳ соз чалган ҳофизларимиз санъатларига ҳурматим чексиз. Лекин мен ҳали ҳеч бир қўшиқчи юрмаган янги йўлдан боришни мақсад қилиб қўйганман. Мен тақлидни бир ерда депсиниш деб тушунаман. Тенгдошларимдан Шомаҳмуд Шорасулов, Эркин Қайтаров, Моҳира Асадова, Эркин Рўзиматов ижодини қадрлайман. Уларнинг қўшиқларини тинглаб завқ-ҳузур оласан, киши. Бастакорлик соҳасига келсак, халқимиз қалбига миллий музиқамиз орқали йўл топишимиз зарур. Муҳаммаджон Муҳаммадқулов сўзи билан айтадиган «Сан манинг» қўшиғимни миллий музиқа йўлига кириб боришдаги дастлабки уриниш, деб ўйлайман.

— Сиз бахтни қандай тушунасиз?

— Мен бахтни бир-бирини тушунишда деб биламан.

Суҳбатимиз анча давом этди. Марказдан олисда музиқа соҳасида ёшларга таълим бераётган, ижод қийноқларини енгиб, олам-олам орзу умидлар, турли ташвишлар ичида яшаётган Жаводбек Козимовнинг гап-сўзларини эшитиб, руҳим яна бир карра ҳаволанди. Бу инсоннинг ўзи ҳам, суҳбати ҳам қўшиқларидек самимий экан. Хонанда билан хайрлашиб кўчага чиққанимизда ёмғир ҳали тингани йўқ эди. Йўлда кетар эканман, ўйлаб қоламан: бир қалбда мужассамлашган самимиятнинг, ишончнинг қудрати нимада экан. Дарвоқе, бу — ҳаётга, одамларга, меҳнатга, қолаверса, катта санъатга бўлган муҳаббатдан эмасми?

Дилором ИСМОИЛОВА

ҲАМ ТОМОША, ҲАМ САВДО

Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида ҳаётимиз оғирлашди. Бир амаллаб тирикчиликни ўтказиш кўпчилик учун асосий ташвиш бўлиб қолди. Ана шундай дамда одамларни санъат асарлари томошасига чорлаш қимларгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо энг оғир кунларда ҳам инсонга руҳий мадад бағишлайдиган, кўнглида завқ ва ҳайрат уйғота оладиган мўъжизалардан бири тасвирий санъатдир. Шу маънода Ўзбекистон Маданият жамғармаси биносида истеъдодли ўзбек мусаввири Исфандиёр Ҳайдаров асарларининг сотув кўргазмаси очилганлиги эътиборга сазовор. Рассомнинг кўпгина асарлари санъат мухлисларига яхши таниш. Уларнинг энг яхши намуналари жумҳурият, бутуниттифоқ ва Италия, Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон каби бир қанча хорижий мамлакатларда очилган бадиий кўргазмаларда намойиш этилиб, томошабинларга ғоят манзур бўлган.

Ижодий етуклик босқичига қадам қўйган мусаввирнинг навбатдаги кўргазмасига асосан сўнгги йилларда яратилган асарлари қўйилган. Улардa ўлкамизнинг гўзал табиати, улуғворлиги, замондошларимиз қиёфалари ранго-ранг бўёқларда моҳирона акс эттирилган. Масалан, «Ойдин тун» картинасидаги тўлин ой нур сочиб турган сокин дарё ва тоғ ён бағри манзарасига беихтиёр маҳлиё бўлиб қоласиз. Дилингиз ажиб ҳисларга тўлади. Ҳар бири ўзига хослиги билан нафосат дунёсига ошно қилиб, унутилмас таассурот уйғотадиган яна кўплаб асарлар томошабинларга мунтазир. Санъат мухлислари мусаввир билан ҳамсуҳбат бўлиб, унинг ижоди юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар. Ташкилотлар ва айрим шахслар ўзлари ёқтирган картиналарни эркин равишда сотиб олишлари мумкин.

Ғулом КАРИМ

Аҳат АНДИЖОН:

БИЗНИ ВАТАН ЧОРЛАДИ

Тошкент амалий учрашуви хорижда истиқомат қилаётган кўплаб ватандошларимиз учун ҳам унутилмас дийдорлашув лаҳзалари бўлиб қолди. Тақдир зайлига кўра дунёнинг турфа бурчакларига сочилиб кетган ўзбек фарзандларининг кўпчилиги илк бор Ватан дийдорига тўйдилар, юрт ҳавосидан нафас олдилар. Дўст-ёрларнинг тўй-ҳашамларида бўлиб, бугунги ҳаёт тарзимизга жаҳон кўзи билан боқдилар.

Улар орасида Туркияда фаолият олиб борувчи Туркистон жамияти ва Туркистон илмий тадқиқотлари жамғармасининг президенти, «Туркистон» журналининг бош муҳаррири, профессор Аҳат Андижон ҳам бор. Тошкент учрашувига туркиялик сармоядорлар, турли корпорация ва фирмаларнинг вакиллари билан бирга келган А. Андижон «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» редакциясига ҳам ташриф буюрди. Шоирлар Азим Суюн ва Тоҳир Қаҳҳор иштирокида бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳафталик бош муҳаррири А. Мелибоев ва муҳаррир ўринбосари И. Ғафуров янги давр шарофати билан Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият, юз бераётган тарихий жараёнлар, халқнинг маънавий мероси ва қадриятларини қайта уйғотиш ҳаракатлари хусусида сўзлаб бердилар, бу борада ҳафталик амалга ошираётган ишлар билан таништирдилар.

— Туркияда 110 мингдан кўпроқ туркистонликлар яшайди, — деди А. Андижон ўзи бош бўлган жамият хусусида сўзлаб. — Жамиятимиз уларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, ота юртлари билан алоқаларига йўл очиш, туркий миллатга мансуб кишиларнинг якдиллиги ва ҳамжиҳатлиги учун шарт-шароитлар яратиш, Совет Иттифоқидаги туркий жумҳуриятлар ҳаётида юз бераётган воқеалар билан таништириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, дунёдаги туркийлар иши билан шуғулланувчи турли марказлар билан ҳам алоқа боғлаганмиз.

Ҳар уч ойда бир чиқадиган журналимиз Туркистон жумҳуриятларида қайта қуриш билан боғлиқ кечаётган ўзгаришларни ҳам кенг ёритиб бормоқда. У беш босма тобоқ ҳажмда чоп этилиб, бир қисми Туркия Маданият вазирлиги томонидан сотиб олинади ва барча кутубхоналарга давлат йўли билан тарқатилади. Журнал жами икки минг нусхада босилади, ўз харажатини қоплаши учун эса минг нусха кифоя. Туркистон илмий тадқиқотлари жамғармасига бундан ташқари турли нашрлар, кечалардан ҳам даромад тушиб туради. Биз бу маблағларни туркистонликларнинг миллий манфаатлари, илм ва маданияти, ҳамкорлик алоқалари йўлида сарфлаймиз.

— Жаҳон ишбилармонларининг Тошкент учрашуви фақат савдо-тижорат ва олди-берди муносабатларига эмас, маданий алоқаларни кенгайтиришга ҳам йўл очди. Бу алоқаларни янада кучайтириш учун сизнингча нималар қилиниши зарур?

— Дарҳақиқат, Тошкент учрашуви бизни кўп нарсаларга умидвор этмоқда. Биз бу анжуманда асли туркистонлик бўлганимиз боис муҳим воқеанинг, тарихий бурилишнинг шоҳиди бўлиш учун сидқидилдан иштирок этдик. Алоқаларни кучайтириш масаласига келсак, бу йўлдаги баъзи мураккабликларни, турли қарашларни эътибордан қочириб бўлмайди. 20- ва 30-йилларнинг ғоят зиддиятли кезларида ўзга юртларга кетишга мажбур бўлганларнинг ҳаммаси ҳам Ватан хоини эмасди. Уларнинг аксарияти ҳалол кун кечириб юрган ўзига тўқ одамлар эди. Улар ёппасига қулоққа чиқарилиб ноҳақлик авж олган, мол-мулки тортиб олиниб, қамоққа ва ўлимга ҳукм этилаётган пайтда ўз туққан юртидан кетишга мажбур бўлгандилар... Гарчи, қайта қуриш шарофати билан 20—30 йиллардаги қатағонлар, зўравонликлар ҳужжатлар орқали рўй-рост фош этилган бўлса-да бу юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлганларга нисбатан шу чоққа қадар қўлланиб келинган мафкуравий тамғалар олиб ташлангани йўқ. Ҳамон кўпчиликнинг бўйнида Ватан хоини, сотқин деган сунъий тавқу лаънатлар, мафкуравий тамғалар турибди. Улар расман бекор қилингани йўқ. Мен янги китобимда тақдир тақозоси билан бу ердан кетган одамларнинг ота юртига бўлган муносабатларини, улар бу ерда товуш чиқариб бўлмас йилларда туркистонликлар номидан қилган ишлари ҳужжатларга таянган ҳолда акс эттирмоқчиман. Бу китоб 1903 йилдан 1990 йилгача чет элда яшаган туркистонликларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти ҳақидаги китоб бўлади.

Туркистонликларнинг ота юрти билан алоқаларини яхшилаш учун, энг аввало, уларнинг келиб-кетишларини осонлаштириш керак. Ҳозир улар бирор қариндошникига келса ҳам бошқа мамлакат фуқароси сифатида қабул қилинадилар. Бундай борди-келдининг йўлида қатор тўсиқлар мавжуд. Уларнинг фуқаролиги тикланса, бу ерда жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ишларни йўлга қўйиш, ер-мулк олиш муаммолари ҳал этилса, ота-боболари шу юртнинг фарзанди эканлиги расман тан олинса — биз учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Умид қиламизки, Тошкент учрашуви кўнглимиздаги орзу-армонларнинг ушалувига ҳам йўл очади.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



ҚЎЛДАН БЕРГАНГА ҚУШ ТЎЙМАС

Боши биринчи бетда

Гарчи мустақилликни жуда-жуда истасак-да, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳозирча ажралмай турган маъқул, деган фикрга келдик. Пленумда сўзга чиққанда ҳам Ўзбекистон Адабиёт жамғармаси ажралишга тайёр эмаслиги, то оёққа туриб олгунча маблағ ва муҳлат берилишини талаб қилдим. Зеро, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан борган барча вакиллар шу фикрда эди.

— Ўрта Осиё жумҳуриятлари марказга ёпишиб олган, кўракларидан итарса ҳам ажралишни исташмайди, деган фикр сизларнинг соҳага ҳам тегишли эканда?..

— Йўқ, масаланинг моҳияти шундаки, жумҳуриятимиз ҳали мустақилликка эришгани йўқ. Бугунги кунга довур қўлдан берганига қаноат қилиб келганмиз, ўзимизни таъминлаш манбаини яратмаганмиз. Ана шундай шароитда бизнинг ажралиб чиқишимиз бирбиридан мураккаб муаммолар туғдириши муқаррар эди...

— Англашимча, Адабиёт жамғармаси барибир мустақил бўлишини истайсиз...

— Тўғрисини айтсам, мустақиллик тарафдориман. Ахир, қўлдан берганга қуш тўймас, дейишади. Ўзимиз оёққа туриб, қаддимизни тутиб, мустақил иш юритиб, ўз хазинамизга эга бўлмоғимиз шарт. Ҳар қандай ишнинг бошланиши, табийки, осон кечмайди.

Пленумда мен айтган талаб фақат ўзимнинг эмас, балки жамғарма бошқарувининг аксарият аъзолари нуқтаи назари эди, бироқ бизнинг фикримизни марказ инобатга олмади ва барча жумҳуриятларни молиявий мустақилликка чиқариб юборди. Негаки, бундан марказ манфаатдор эди. Шу тарифа ҳар йили бадалсиз тарзда бериладиган 350 минг сўмдан зиёдроқ дотация, яъни ёрдам пулини 1991 йилнинг январидан эътиборан тўхтатиб қўйди. Маълумки, ана шу маблағ туфайли ёзувчиларнинг ҳар бирига 65 сўм миқдорида моддий ёрдам, ижод уйига 16 кунлик текин йўлланма берилар, бўлак имтиёзлар яратиларди. Чунончи, ўтган йили 200 ёзувчи 71400 сўм миқдоридаги моддий имтиёздан баҳраманд бўлган. 380 ёзувчи эса 16 кунлик текин йўлланма билан Ижод уйида ижод қилган. 47500 сўм бетоб бўлганлар, 4877 сўм санаторийларда даволаниш харажатлари учун ажратилган.

Биз танг шароитда қолган бир пайтда нарх-наво ошди. 165 сўм турадиган йўлланмалар 600—650 сўмга қадар кўтарилди. Бу, агар ёзувчига 24 кунлик йўлланмани 130 сўм миқдорида имтиёзли қилиб берадиган бўлсак, 470 сўм товонни Адабиёт жамғармаси тўлайди, демакдир. Хўш, шундай бир вазиятда нима қилиш керак?

Ҳозир кўпчиликнинг маслаҳати билан қолган барча имтиёзларни сақлаган ҳолда, 65 сўм миқдоридаги моддий ёрдам ва текин йўлланма беришни шу йилнинг охиригача, яъни ўзимиз муайян маблағга эга бўлгунга қадар тўхтатиб туришни лозим топдик. Лекин баъзи бир ижодкорлар, афтидан, шароитни тушунишни исташмаётир. Буни қаранг: Мустақиллик деймиз, шунга интиламиз, аммо у қарор топиши билан боғлиқ муқаррар қийинчиликларни енгиб ўтишга ожизлик қиламиз. Мустақиллик ва унинг тақдири, халқ ва унинг тақдири ҳар қандай шахсий манфаатдан юксак қўйилган тақдирдагина миллатнинг истиқболига умид кўзи билан қараш мумкин. Акс ҳолда манфаат ва нафс, ғиғо ва ғийбат ботқоғига ботиб ётиларади. Афсуски, орамизда шундайлар борлиги туфайли истиқбол мевасини совуққа олдириб қўяётирмиз.

Инсоф билан айтганда, марказ ҳам ҳали-ҳозирча ўз ҳолимизга бутунлай ташлаб қўйгани йўқ: қурилиш ишларига 2,5 миллион сўм атрофида маблағ беришга рози, икки юзга яқин ёзувчининг қарилик нафақасига қўшимча равишда яна 100 сўмдан, Ёзувчилар уюшмасининг ҳар бир аъзосига ҳар ойда 100 сўмдан маблағ бераётир. Биз ҳам ўтган вақт ичида ишларни бир қадар йўлга қўйдик. Апрель ойидан эътиборан ишламай уйида ижод қилаётган 10 ёзувчига 100 сўм миқдорида ойлик ижодий маош тайинладик. Дўрмондаги ёрдамчи хўжалик ҳар йили ўн минг атрофида зиён келтирар эди, ҳозир уни даромад келтирувчи соҳага айлантириш учун ҳаракат қилаётирмиз. Хулоса қилиб шуни айта оламанки, йил охирига қадар ўзимизни ўзимиз таъминлашимиз мумкин, шунда биз ёзувчилар учун аввалги мезонда имтиёз яратиб бера оламиз.

— Бу ният яхши, албатта. Аммо сарф-харажат учун маблағни қандай топиш мумкин, деб ўйлайсиз?

— Авваламбор, кўндаланг турган муайян муаммоларни ҳал этишда жумҳуриятларининг яқиндан ёрдамига умид боғлаймиз. Адабиёт жамғармаси шу пайтга довур чоп этилган бадиий асарлар, театр томошалари ва концертлардан тушган муаллифлик ҳақининг ўн фоизи миқдоридаги тушум билан кун кечириши керак эди. Ҳозир шароит тақозосига кўра айрим жумҳуриятларда мана шу тушум 20 фоизга қадар кўтарилди. Ҳа, дарвоқе, шу ўринда бир масалага аниқлик киритиб ўтиш жоиз: бу тушумни ижодкорлар бизнинг ҳақимиздан ушлаб қолишади, деб ўйлашади. Йўқ, ундай эмас. Аслида бу тушум давлат фойдасига кетадиган маблағдан ажратиб қолинади. Шунинг учун ҳам бу масалада кўмак беришсин деб ҳукумат раҳбарларига мурожаат этаётирмиз. Бироқ Ўзбекистон матбуот қўмитаси мутасаддилари қайсарлик қилишаяпти. Шу сабабли энди барча ёзувчилар қаламига мансуб асарлар, адабий-бадиий ва тарихий меросимиз Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Адабиёт жамғармаси ҳузуридаги Абдураззоқ Каримов бошчилик қилаётган «Нажот» экстрасенс бригадаси кенгайтирилаяпти. Турли йўналишдаги майда корхоналар очиш ҳам режамизда бор: Шулардан бири — янги ташкил этилган қурилиш бригадаси. Бу бригада асосан дала-ҳовли қурувчилар билан шартномалар тузади, улар танлаган лойиҳа асосида иморат қуради. Эртанги кунга умид билан қараш мумкин бўлган яна бир тадбир бевосита жамғарма ҳузурида «Ғирот» нашриёт бўлими ташкил топяпти. Бўлим Таржима маркази нашрга тайёрлаган «Ислом тарихи» китобини чоп этишни мўлжаллаётир. Бу китоб халқларимиз тарихини ўрганишдаги ноёб манбадир. Шу билан бирга бир неча оммабоп, қизиқарли рисолачаларни чоп этиш ниятимиз ҳам бор.

— Демак, яқин вақтларда ишлар юришиб кетади.

— Умид қиламизки, шундай бўлади. Келаси йилдан бошлаб бирор ташкилотда ишламай уйида ижод қилувчи барча Адабиёт жамғармаси аъзоларига ойлик ижодий маош белгилашни мўлжаллаб қўйганмиз. Мен юқорида тилга олиб ўтган ва вақтинча тўхтатилган имтиёзларни яна тиклаш билан бирга бўлак қулайликлар яратишни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз. Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ҳозирги иқтисодий танглик, қаҳатчилик замонида ният ҳар қанча эзгу бўлмасин, уни амалга ошириш жуда мушкул. Бунинг учун барча қалам аҳли бир ёқадан бош чиқариши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши лозим деб ўйлайман. Бу эса ўз навбатида хайрли самаралар беришига ишончим комил.

Суҳбатни Саъдулла ҲАКИМ олиб борди

доимий ҳамроҳ

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?»

Ҳозирги ўзбек шеъриятининг устоз шоирларидан бири Абдулла Ориповнинг ҳар бир китобини мухлислар интиқ бўлиб кутадилар. Ҳассос шоиримизнинг эллик йиллигига атаб «Ёзувчи» нашриёти зудлик билан босиб чиқарган «Сен баҳорни соғинмадингми?» (1991) мажмуаси ҳам кенг китобхонлар оммасига яхши совға бўлди.

Китобга А. Ориповнинг энг сара шеърлари киритилган. Айтиш мумкинки, шеърхонлар эски қадрдонлари билан яна дийдор кўришадилар. Бу учрашув жуда кўнгилли учрашувдир. Чунки Абдулла Ориповнинг шеърлари нон каби азиз, сира шеърхоннинг меъдасига тегмайди.

Турфа туйғуларни хуш
кўрдим ғоят,
Дунёнинг ўзи ҳам рангин
ниҳоят.
Боқма ажабланиб
сатрларимга,
Бахтим ривоятдир, ғамим
ҳикоят...

Чиндан ҳам мажмуадан ўрин олган шеърларда рангин дунёнинг рангин суратлари, турфа инсоний туйғулар ёрқин ифодаланган. «Ўзбекистонда кўз», «Аёл», «Тун», «Онажон», «Баҳор», «Сароб», «Биринчи муҳаббатим», «Номаълум одам», «Қўриқхона», «Оломонга»... Бу намуналарнинг ҳар бири, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, адабиётимизда воқеа бўлган шеърлардир. Уларда замондошимизнинг қалби, дарду аламлари, изтироблари, орзу-армонлари ҳассослик билан, гўзал ифодаланган. Улар чинакам санъат асарларидир. Ҳар бирининг яратилиш матбуотда чиқиш тарихи бор. Бунга «Сароб» шеъри бир мисол бўла олади. У илгарилари «Ўйларим» сарлавҳаси билан босиларди, ҳозир эса «Сароб» деган ном остида берилган. Бинобарин, бу машҳур шеър ўз даврида асли ёзилганидек босилмаган. Умуман, Абдулла Ориповнинг машҳур шеърларининг кўпи ўз вақтида қайчиланиб, «таҳрир қилиниб» чиқарилган.

«Сен баҳорни соғинмадингми?» тўплами «Ёзувчи» нашриёти очган янги — «Назм гулшани» турқумида нашр этилган. Истагимиз шуки, бу серияда Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов сингари адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган шоирларимизнинг ҳам энг сара шеърлари китобча ҳолида чиқарилса.

М. САЪДИЙ

«ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА»

Ёш ёзувчи Шойим Бўтаевнинг 1990 йил «Юлдузча» (Чўлпон) нашриётида чоп этилган иккинчи тўплами шундай номланади. Унда йигирмага яқин ҳикоя жамланган. Муаллиф уларда болаларнинг ўзларига хос қувонч ва ташвишларини, тўғрироғи, инсоннинг турфа хил кечинмаларини ёритишга интилган. Мутолаа жараёнида болаликнинг чексизчегарасиз дунёси билан ошно бўларкансиз, беихтиёр бегубор ёшлигингиз кўз ўнгингизда гавдаланади.

«Тандирчининг армони»да шундай ўрин бор: «Ўзимиз... ўзимиз...» — уй эгалари унинг атрофида ҳижолатомуз гирдикапалак бўлишади. Султон тандирчи ўзи тозалаб, супурмаса кўнгли жойига тушмайди. «Боринглар, ишларингизни қилаверинглар!» дейди. Маҳсисини ечиб ташлайди. Иштонининг устидан каноп тўқилган чолворини кияди. Чолвор кирланиб, асл ранги билинмай кетган. Чолвор билан у тупроқ демай, лой демай — тўғри келган жойга ўтираверади. Белкуракчасини ҳам ана шу чолворга артади...» Шу биргина кичик парчада Султон тандирчининг характери, одати ёрқин гавдалантирилади. Автор ўзи кўрган, билган кишилар тўғрисида ёзганлиги сабабли тасвирлар самимий туюлади, ўқувчини ўзига тортади.

«Энди бари бошқача» қирқ минг нусхада нашр этилган. Тақризчи Маҳмуд Сатторов. Муҳаррир Ҳамза Имонбердиев. Тўпламни А. Шоалимов безаган.

Қутлайлиз!

РАҲИМЖОН САТТОРОВ — 75 ЁШДА

Муҳтарам Раҳимжон Сатторов!

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқарув ҳайъати, қаламкаш биродарларингиз Сизни табаррук, улуғ ёшингиз билан чин юракдан муборакбод этадилар.

Сиз катта ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз. Ватанимиз, халқимиз бошига энг оғир кунлар тушганда ҳам ақлу-фасоҳатингиз, шоирона истеъдодингиз билан элу-юртга хизмат қилдингиз. Руминия, Болгария, Югославия, Австрия йўлларидан жанг-жадал билан ўтдингиз. Шунда ҳам қўлингиздан қалам тушмади, кўксингизда шижоат ўтлари сўнмади. Қонли қирғинлардан омон қайтдингиз, шеърлар, драматик асарлар битдингиз. Ёзган асарларингиз элга манзур бўлди.

«Каттақўрғон ҳақиқати», «Қорадарё» рўзномаларида муҳаррирлик қилганингиз, қатағон йилларининг журъатли маҳоланависи сифатида танилганингиз кўпларнинг ёдида. «Жасорат», «Жангчи қўшиқлари» мажаллаларида шеърларингиз чоп этилди. «Тунги фожиа», «Ўқ узган ким?» каби пьесаларингиз томошабинлар ҳурматини қозонди.

Сиз тинмай ижод қилаётганингиз, «Йиллар ва йўллар» номли қисса, «Қуролдош маҳди» номли очерклар тўпламини нашрга тайёрлаганингиз хушхабарини эшитдик, хурсанд бўлдик.

Ижодкор биродарларингиз Сизни ўз сафларида кўришдан мамнундирлар, соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ижодий омадлар тилайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ҲАЙЪАТИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Ойноманинг 6-сони босмадан чиқди. Маълумки, май ойида ойноманинг 60 йиллик тўйи жумҳуриятимиз миқёсида кенг нишонланган эди. Мазкур сонда шу санага бағишланган кўплаб материаллар, қутловлар, дил сўзлари бор.

Ойноманинг илк саҳифаси жумҳуриятнинг президенти И. А. Каримов табриги билан очилади.

Ойнома бош муҳаррири Ўткир Ҳошимовнинг «Изланишнинг машаққатли йиллари» мақоласида ойноманинг юзага келиши ва бугунги кунгача босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, турли йилларда муҳаррирлик қилган кишилар ва нашр этилган диққатга молик асарлар ҳақида маълумотлар берилган.

«Меросимизни ўрганамиз» рукнига кенг ўрин берилган. Унда Фитрат шеърлари, Чўлпоннинг «Вайроналар орасидан» мақоласи, Лутфий ғазаллари ва «Шоҳ Машраб» қиссаси ўрин олган.

60 йиллик сана муносабати билан ойномада илгари хизмат қилган ижодкорлар ва доимий муаллифлар ижодидан намуналар берилган. Жумладан, шеърият мухлислари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шуҳрат, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Абдусаид Кўчимовнинг янги шеърлари билан танишадилар.

Наср ихлосмандлари Худойберди Тўхтабоев ёзган янги асарнинг «Қамоқхонадаги муштлашув» номли бир боби, Неъмат Аминовнинг ҳажвиялари, Нортўхта Қиличнинг «Муножот» ҳикояси билан танишадилар. Набижон Боқийнинг «Қатлнома» ҳужжатли қиссасининг охири берилган.

Шунингдек, бу сондан ойномада меҳнат қилган марҳум Юсуф Шомансур, Амирқул Пўлкан шеърлари ва Турғун Пўлатнинг тугалланмай қолган «Одами эрсанг...» номли романидан парча ҳам ҳавола этилган.

Анъанавий навоийхонликни Абдурашид Абдуғафуров давом эттирган. Қурён сураларининг давоми, Мансур Иномхоновнинг Муҳаммадшариф Сўфизода ҳақидаги «Қаламни ўткир эди» номли ёдномаси ҳам шу сондан ўрин олган.

ҚАҲРАМОНЛИК ЛАВҲАЛАРИ

Мажид Самадов адабиётга журналистика соҳасидаги ўттиз йиллик ҳалол хизматларидан кейин бой ҳаётий тажриба билан кириб келган кекса ёзувчилардан. Унинг биринчи китоби «Карим партизан» («Ўзбекистон» нашриёти, 1980) босмадан чиққанида муаллиф олтмиш ёшни қоралаб қўйган эди. Ўтган ўн йиллик давр Самадов учун сермаҳсул бўлди. Бирин-кетин тўрт китоби ўқувчилар қўлига бориб етди.

Қарийб йигирма йилдирки, Мажид ака қалб амри билан СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги (Москва вилояти) марказий архивида ўзбекистонлик жангчиларнинг тақдирларини аниқлаш борасида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Биринчи китоби «Карим партизан» ана шу изланишларнинг маҳсули сифатида майдонга келган эди. Бу китобдаги жанговар воқеалар тафсилотларида ҳеч қандай муболаға йўқ. Ундаги маълумотлар архив ҳужжатларига асосланганлиги учун ҳам ўқувчи қаҳрамонларнинг барча ҳайратомуз кечинмаларига ишонади. Баъзи эпизодлар шунчалик ишонарли тасвирланганки, уларни фақат ўша воқеаларнинг шоҳиди бўлган кишиларгина шундай маромига етказиб баён қила олишлари мумкин. Бу, хусусан, душманларни ҳамиша изма-из кузатиб юрадиган партизанлар фаолиятидаги ўта қалтис ва хавфли вазиятларни тасвирлашда яққол кўзга ташланади.

Уруш йиллари душман орасида туриб, унга қарши курашган ўзбек партизанлари ҳақида ёзилган дастлабки китоблардан эканлигини ҳам эътироф этадиган бўлсак, ҳужжатли қиссанинг қиммати янада аниқроқ кўзга ташланади.

Асарнинг бош қаҳрамони Карим Юсуповнинг жанговар ҳаёт йўли кўпчилик учун ибрат бўларлидир. Ўқувчи китобни мутлаа қилиб чиққач, ўша суронли йилларда қўмондонлик томонидан юксак ишонч билдирилиб, ўта қалтис ва масъулиятли топшириқларни бажаришга йўлланган турли миллат вакиллари орасида ўз элатдошларининг ҳам борлигидан қалбида фахр туйғулари уйғонади.

Муаллифнинг «Жасорат саҳифалари» (1985) китоби ҳам ҳарбий ватанпарварлик мавзуида. Унга ўзбекистонлик жангчиларнинг Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида кўрсатган қаҳрамонликлари хусусида турли йилларда ёзилган ўттиз икки очерк жамланган. Бу очерклар жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва туманларида яшаётган қўплаб миллатга мансуб собиқ фронтчиларнинг ҳаётлари, кўрсатган жасоратлари билан танишамиз.

Китобдаги «Ўлимни доғда қолдирганлардан бири» очеркида тасвирланган воқеалар айниқса кишини қаттиқ ҳаяжонга солади. Унда ҳикоя қилинишича, архив ҳужжатлари маълумотларида урушгача Каттақўрғон шаҳрининг Чапаев кўчасидаги 52-уйда истиқомат қилган Қўчқор Ҳасанов 1943 йил 2 сентябрь куни душман билан тўқнашув чоғида мардларча ҳалок бўлган. Жасади Харьков вилоятининг Люботин туманидаги Гиевка қишлоғида дафн этилган. Ўлими ҳақида полк командири имзоси билан жангчининг ота-онаси номига қора хат келган. Марҳумнинг вафоти билан боғлиқ маъракалар ҳам бўлиб ўтган. Аслида эса Қўчқор Ҳасанов... тирик экан.

Муаллиф очеркда тарих фанлари доктори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», олим сифатида жумҳуриятимизга танилган собиқ жангчи Қўчқор Ҳасановнинг уруш давридаги жанговар ҳаётини таъсирчан ифодалаган.

«Жасорат саҳифалари»да яна бир муҳим янгилик бор. Муаллиф ўзбек жангчилари орасида ҳам Улуғ Ватан урушида афсонавий қаҳрамон, учувчи капитан Гастелло жасоратини такрорлаган ўзбекистонлик ягона гастеллочи бўлганини маълум қилади. Ҳали талабалик йилларидаёқ, аниқроғи, 1941 йилнинг 31 август куни радиодан кичик лейтенант И. Т. Вдовенко бошқарган экипаж аъзоларининг ҳавода кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари хусусидаги хабарни эшитиб қолган бўлажак қаламкаш хаёлидан: ўша экипаж сафида бўлган Мирза Пўлатов ўзбекистонлик эмасмикан? — деган фикр кечади. Кейинчалик у изланишлар жараёнида бу воқеага яна ҳам қаттиқроқ қизиқиб қолади. Архивга борганида айнан Гастеллонинг жасоратини такрорлаган учувчи жангчилар ҳақидаги маълумотлар билан чуқурроқ қизиқади. Тахмини тўғри чиқади. И. Вдовенко бошқарган экипажнинг отувчиси Мирза Пўлатов чиндан ҳам ўзбекистонлик, Тошкент вилоятининг Пискент туманидан экан. Мазкур экипаж аъзолари ҳавода жасорат намуналари кўрсатиб самолётга ўқ теккан вақтда уни душманлар томонидан олға силжиш учун катта дарё устига қурилаётган кўприк устига йўналтирадилар.

Шу тариқа, аниқ ҳужжатлар асосида ёзилиб, китобга киритилган «Ўзбекистонлик гастеллочи» очерки орқали халқимиз Улуғ Ватан урушидан сўнг орадан қарийб 38 йил вақт ўтгач, ўзбек жангчилари орасида ҳам гастеллочи бўлганидан хабар топадилар. Хуллас, китобдаги ҳар бир очеркни қаҳрамонлик лавҳаси деб аташ мумкин.

Ёзувчининг «Жангномага айланган сатрлар» («Ўзбекистон» нашриёти, 1989) китоби босилиб чиққач, асар қисқа фурсатдан сўнг дўконлардан топилмай қолди. Бунинг сабаби асарнинг қизиқарли ёзилганидадир. Чунки орамизда Улуғ Ватан уруши йиллари жанг қилган собиқ фронтчилар тобора камайиб бораётир. Улар кўрсатган қаҳрамонликлар, мардликларни билишга айниқса янги авлод катта қизиқиш билан қарамоқда. Асарда жанггоҳларда қон кечган ота-боболаримиз жасоратларига муносиб бўлиш ғояси илгари сурилган. Китоб икки бўлимдан иборат. У даставвал ўқувчиларни ўзбекистонлик жангчилар тўғрисида фронт газеталарида босилган турли мақолалар, очерк ва жанговар лавҳалар билан таништиради. Ҳамюртларимизнинг жанговар топшириқларни бажариш чоғидаги мардонавор ҳаракатлари хусусида яхши маълумотга эга бўламиз. Иккинчи қисмда эса, мақолаларда мардликлари баён қилинган жангчиларнинг урушдан кейинги тинчлик давридаги ҳаётлари акс эттирилган.

Мажид Самадов сўнгги йиллари Улуғ Ватан уруши даврида жанггоҳларда алоҳида мардлик кўрсатганлиги туфайли Шуҳрат орденларининг тўла кавалери бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг тақдирлари билан қизиқди. Маълумки, имтиёз жиҳатидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тенглаштирилган бундай орденга уруш даврида мамлакатимиз бўйича 2500 нафар солдат ва сержант сазовор бўлган. Яқин вақтга қадар уларнинг ўттиз олти нафарини ўзбекистонлик фронтчилар ташкил этади, деган тахмин мавжуд эди. Самадов узоқ изланишлардан кейин архив ҳужжатларига асосланиб бу тахминга аниқлик киритди. Ишончли маълумотларга кўра, жумҳуриятимизда Шуҳрат орденига сазовор бўлганлар эллик нафар кишини ташкил қилар экан. Уларнинг қирқ нафари фронтга айнан Ўзбекистондан чақирилганлар бўлиб чиқди. Мана шу изланишлар самараси сифатида яратилган «Эллик баҳодир» (Ғ. Ғулом нашриёти, 1990) китоби адабиётимизда ҳарбий ватанпарварлик мавзуида ёзилган асарлар хазинасини бойитди. Китобда Шуҳрат орденига сазовор бўлган ўзбекистонлик эллик нафар собиқ фронтчи ҳақида ҳикоя қилинади. Унда келтирилган маълумотларнинг диққатига молик томони шундаки, муаллиф ҳар бир қаҳрамоннинг кўрсатган жасоратига боғлиқ жанговар воқеалар хусусида батафсил тўхталиб, орденларнинг учала даражасини ҳам қаерда, қандай мардлиги учун олганини ёритиб беради. Алоҳида таъкидлаш керакки, китобда жасоратлари баён қилинган кўплаб жангчиларнинг кўрсатган мардликлари яқин вақтларга қадар деярли номаълум эди.

Ёзувчининг таҳсинга муносиб саъй-ҳаракати туфайли халқимиз ўз орасидан етиштириб чиқарган паҳлавонлар билан яқиндан танишиш, уларнинг ёвуз душман билан қандай олишганликлари ҳақида билиш имкониятига эга бўлдилар.

Иброҳим ТОШЕВ

Пискент тумани

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Бошқаруви ҳайъати ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси жамоаси СССР Ёзувчилари уюшмаси аъзоси

Юсуф СУЛТОН

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, ёру-биродарларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви ҳайъати, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги жамоаси ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси СССР Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, ҳафталик санъат бўлимининг мудири Ашурали Жўраевга отаси

Очил ЖЎРАЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси, фирқа ва жамоат ташкилотлари, жумҳурият мусиқа жамияти ва мусиқа жамғармаси ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Тошкент Давлат консерваторияси доценти, СССР бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор

Александр Абрамович БЕРЛИН

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Маданият вазирлигининг Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри жамоаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Бадал НУРМУҲАМЕДОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Бошқаруви ҳайъати ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси жамоаси СССР Ёзувчилари уюшмаси аъзоси Қадам Саидмуродовга онаси

Раҳима АБДУРАҲМОН қизи

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

СУННАТ АЗЛАРОВ ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ

Суннатилла аслида чет тиллар олийгоҳининг инглиз тили факультетини тугатган. Лотин ва француз тилларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилиб кўрган. Иш чиқмагач ўз она тилини мукаммал билишга аҳд қилган. Дастлабки натижа ҳозирча ёмонмас, матбуотда ўзбек тилида ёзган беш-олти ҳикоя, мақолалари билан қатнашди. Шахсий хусуситлари: гапдан ишни маъқул билади, хотинидан қўрқмайди (иложи бўлса охиргисини ожизасига эшиттирмасликни қаттиқ илтимос қилди). Ота-онасининг суюкли фарзанди бўлишдан ташқари, уч фарзандга меҳр билан оталик ҳам қилмоқда.

СУЮКЛИ ЖИЯНЧА

Фан оламида катта-кичик деган гап бўлмайди Қуёнча янгилик яратиш учун илмлар оламига бош суққанида ўрмон аҳлидан бирортаси ажабланмади. У яратмоқчи бўлган кашфиёт номи эълон қилинганида бутун ҳайвонот олами ҳайратга тушди. Гап шундаки, Қуён яратмоқчи бўлган кашфиёт «Тирик йиртқичнинг терисини шилиб олиш» деган мавзуда эди. Ҳар доим қуёнчанинг қиличларига ғайирлик билан қарайдиган катта-ю кичик бу воқеани қизиқиш билан қарши олдилар. Улар орасида сиртида бўлмасада хайрихоҳ бўлувчилар ҳам бор эди.

Ниҳоят, ўша кун ҳам етиб келди. Ўрмондаги «Биларғонлар уйи»да ўн беш-йигирма чоғли илмга алоқадор бўлган шахслар жамулжам бўлдилар. Кўпчилик эҳтиёткорлик юзасидан бу ишга аралашмай, ташқаридан кузатишни маъқул кўрди. Қуён олға сурган фикрни исботлашга уриниб икки соатча маъруза қилди. У жойига ўтирмасидан илмий кенгаш котиби тулкивой савол ташлади:

— Айтчи қуёнча, сен илгари сурган фикрни амалда қўлласа бўладими?

Бироз сукутдан сўнг қуёнча тилга кирди:

— Умуман... бу фикрни.. амалда қўллаш мумкин. Аммо, бу ерда қалай бўларкин...

Қуён кўпчиликнинг розилиги билан тулкини қўшни хонага етаклади. Илмий котиб бўривой қуённинг гўштдор оёқларига қараркан, анчадан бери жини суймайдиган бу тирранчанинг адабини бериб қўйиш маврили келганлигини хаёлидан ўтказди. Кенгаш раиси этиб сайланган, илм жамоасининг энг ҳурматли аъзоси бўлмиш айиқполвон ҳам президиумда ўтираркан хаёли қадрдон дўстининг юбилейи муносабати билан бўладиган зиёфатда эди.

Орадан бор-йўғи бир неча дақиқа ўтди. Кутилмаганда хонага тулкининг шилиб олинган терисини кўтариб қуён кириб келди. Ҳамма ҳайрат ва даҳшатдан донг қотиб қолди. Теридан томаётган қон томчиларига тикиларкан, бўривой ҳозир ҳаракат қилмаса обрўси бир умр поймол бўлишини сезиб томоқ қирди:

— Қуёнча.., кашфиётингни менда ҳам қўллай оласанми?

— Мумкин, — деди қуёнча қўшни хона томонга қараб.

Залдагилар яна сабрсизлик билан кута бошладилар. Қуёнча қайтиб келгач ҳамма ўз кўзи билан унинг қўлида ҳозиргина бўрининг мушакдор гавдасини безаб турган терини кўрди. Фан оламида кўпгина ғалати кашфиётларнинг гувоҳи бўлган айиқ ҳам табиат ато қилган мағрурликка бўйсуниб ўкириб юборди ва ўзини тута олмай энди қуёнчага ташланмоқчи эди, хонанинг эшиги очилиб ўрмон султони бўлмиш шер кириб келдида, эшикка суянганича наъра тортиб деди:

— Ўйлаймизки, суюкли жиянчамизга бошқа саволлар бўлмайди!

ПОРАҲЎРЧИНИНГ ТАЛАБИ

Менга «порахўр» сўзи ёқмайди. Аслида пора ёмон нарсамас, лекин буни ҳаммаям тушуниб етмайди-да. Жамиятимизда бу сўзни қайта-қайта ғазаб билан тилга олиб худди чаёнга тенглаштириб қўйишди. Худога шукр, ошкоралик замонида ҳар нарсанинг асл моҳиятидан келиб чиқиб фикрлайдиган вақт келди. Порасиз ҳеч кимнинг иши битмайди: камёб мол харид қилсангиз озроқ қистирасиз, болани боғчага жойлаш пулсиз битмайди, олийгоҳларга кириш учун ҳам бу нарса жойга аро киради. Хуллас, мен порани мошина мойига ўхшатаман. Кўзлаган мақсадингизнинг қамровига қараб керакли миқдорда қўлласангиз ишингиз силлиқ кўчади. Шундай экан, унга нисбатан муносабатимизни янгилашимиз зарур. Авваломбор «порахўр» сўзини ўзгартириш керак. «Порахўр»даги «хўр» қўшимчаси кўпроқ салбий оттар ясашда қўл келади. Жумладан одамхўр, ароқхўр. Шунинг учун унга «чи» қўшимчасини қўшиб «порачи» дейсак «ишчи», «колхозчи» сўзлари каби жарангдор ва маъноли чиқади. Иккинчидан, биз, юқорида айтганимдек, шу пайтгача порага нафрат билан қарадик, уни оладиганларни таъқиб этдик, жиноятчи деб қамадик, унвонларидан маҳрум қилдик. Шундай мушкул шароитдаям «порахўрлар», кечирасиз, «порачилар» ўз эътиқодларига собит қолиб фаолиятларини давом эттирдилар. Лекин уларга осон бўлмади. Бераётган одам ким, орқасида «думи» йўқми, кейин бориб битта-яримтасига гуллаб қўймайдими — бориб турган ғалвали ва хавфли иш. Юрак доим беҳаловат, соғлиққа зиёни мўл. Масаланинг бу томонини ҳеч ким ўйлаб кўрмаган. Бизда соғлиққа зарари бор деб кончиларга, тўқувчиларга, АЭСларда ва рентген нури билан ишлайдиган лаборатория ходимларига, совуқ ўлкаларда ишлайдиганларга қўшимча ҳақ тўланади. Порачиларга-чи? Умуман мамлакатимизда уларнинг ҳуқуқи поймол қилинган. Менга қолса порачиликни касб сифатида рўйхатдан ўтказиш, бу иш билан шуғулланадиганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш керак. Порадан фойда солиғи жорий қилинса ҳам давлатга, ҳам порачиларга яхши. Иқтисодий тангликни кечираётган маҳалда давлатимиз бундан фақат ютиши мумкин, бу ўртада халққа ҳам холис хизмат кўрсатилади.

ЯШАШНИНГ ЯГОНА УСУЛИ

Қаёққа қарасанг, навбатга туришдан нолишади. Ўртоқлар! Ҳар нарсага холис қарайдиган вақт етиб келди. Нимаси ёмон навбатни? Мана, гузардаги дўконга сариёғ келиб, қаторда турибман. Эллик биринчи бўлиб ёзилдим. Қизил сабзиниям навбат билан оладиган маҳалда рўйхатга ёзиш расм бўлди. Бу нимадан далолат — интизомдан. Ҳар қалай пала-партишлик йўқ. Аммо... битта аёл безовталана бошлади.

— Вой, бир ёшли боламни қайнонамга ташлаб келувдим. Бечорани жигари оғрийди, яхши қаролмайди.

Ҳўв опа, дегим келди ўша аёлга, нима қипти бир ёшли бўлса. Кап-катта йигит бўлиб қопти, мустақилликка ўрганади биров қарамаса.

Анави кишига қаранглар, қорни осилиб тиззасига тушай дейди. Ҳадеб дастрўмоли билан пешонасидаги терни артади. Ўртоқ! Озиш керак! Замона талаби шу. Тунов куни картошкага навбатда тургандим, озроқ тартибсизлик бошланиб қолди. Шунақа бир семиз хотин ўзидан кетиб қолса бўладими? Ўзи навбати анча яқинлашиб қолувди, эссизгина. Очиқ ҳавога олиб чиқишга тўғри келди. Ўша аёлдан олдинда турган йигитга «Оғайни, ёрдамлашворинг, савобли иш» десам, «Чучварани хом санабсиз, навбатим энди келганда одам ташиш билан шуғулланмайман», дейди аблаҳ. «Бу одаммас... эй-й бу бемор, сизда инсоф борми ўзи?» дедим тутақиб. Турганларнинг ҳаммаси хотин-халаж, бўлмаса шу ярамасга ялиниб ўтирармидим. Лекин оз бўлса-да одамгарчилиги бор экан. «Майли, — деди узала тушиб ётган хотиннинг гавдасига чамалаб қараркан. — Бу иш анча вақтни олса керак. Битта шартим бор. Мабодо навбатим келса шу халтани тўлдириб картошка торттирасизлар. Фақат диққат билан қаранглар, тарозидан уриб қолмасин».

Одамларнинг бир-бирига меҳрибонлигини қаранг, беморни ташқарига олиб чиққинумизча улар айтилганидек халтани тўлдириб қўйишибди.

Уй олиш учун олти йилдан бери навбатдаман. Ҳар йили ҳужжатларни янгилаб қўйиш керак экан. БТИ деган ташкилотга эрталаб олтида етиб бориб ўттиз олтинчи бўлиб ёзилдим. Тушга яқин қабулга кирдим. Справка берадиган киши ҳужжатларимни қўлимга қайтариб берди.

— Уйингизнинг плани эскирибди, янгиланг.

— Бу билан ким шуғулланади?

— Даҳлиздан ўнг қўлдаги охирги эшикка кирасиз.

— Навбатим-чи, эрталабдан бери кутиб энди кирган эдим олдингизга.

У киши оёғимдан бошимгача разм солиб деди:

— Ука, биринчи марта келишингизми дейман. Чиқиб кетаётганингизда яна навбатга туринг. Улгурсангиз кечга томон кирарсиз.

Планни янгилайдиган муҳандиснинг эшики тагида одам тиқилинч. У ерга ўн тўққизинчи бўлиб ёзилдим. Қарасам, бундан олдинги навбатда мендан олдин кирган аёл бу ерда биринчи бўлиб турибди.

— Ия, хола. У ёқда ўттиз бешинчи эдингиз-ку, бу ерда биринчи бўлиб қопсиз.

— Э, ўғлим! Ҳаёт кўп нарсага ўргатаркан. Қарасам, бу ердаям одам ғужғон. Нима бераётганлигини суриштирмай ёзилиб қўйгандим, мана асқотяпти. Дарвоқе, ташқаридаги дўконда макарон бераётган экан. Бориб навбатга ёзилинг, қоқиндиқ. Қайтишда ола кетасиз.

Кўрдингларми, уйга навбатга туриш учун ҳужжатларни навбатда туриб янгилаш керак. Бу ўртада озиқ-овқатниям навбатда туриб олишни унутмаслик лозим. Бу нимадан далолат беради — ҳаётимизга навбатнинг янада чуқурроқ ва мустаҳкам кириб келаётганидан. Бас, шундай экан, бизлар бунга кўникишимиз, мослашишимиз даркор. Эсларингизда бўлса, машҳур инглиз олими Чарльз Дарвин «Турларнинг танланиши» номли илмий асарида табиатдаги тирик жонзот ва ўсимликлар дунёсининг турлари фақат мослашув орқали ҳаётни давом эттиради, деган экан. Йўқса, шундай улкан ва бақувват динозаврлар биз билан ёнма-ён яшаётган бўларди. Биз инсонлар ҳам табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни унутмайлик, ҳадеб навбатга туришни танқид қилмай унга кўникайлик, мослашайлик. Ана, табиатга бўйсунмай уни жиловламоқчи эдик, оқибатда экология бузилди. Шунинг учун фарзандларимизни бу ҳаётга ёшликдан тайёрлаб борайлик, жисмонан чиниқтирайлик. Дарвоқе, жисмоний мукаммалликнинг навбатдаги хусусиятига куни кеча бўлиб ўтган воқеани айтмоқчиман. Маҳалламиздаги дўконга болаларнинг паҳмоқ иштони келибди. Оламан деган сон мингта, сотувчи бўлса битта. Бўп турадиган воқеа, ур-сур бошланиб қолди. Олдинда турган аёлни тириклигича босиб кетишди. Нима демоқчиман, агар жисмонан бақувват бўлсанг оёқ остида қолиш хавфи камаяди.

Хулосам шу: бугунги кунда навбат яшашнинг энг охирги ва ягона усули. Ҳамма нарса — калиш, гуруч, уй, машина, дала ҳовли, қўйинг-ки ҳатто бахт ҳам навбат билан берилади. Ошкора замон, тан олиш керак, навбатда туриб бизлар бир-биримизни итарамиз, ҳақорат қиламиз, сўкамиз, иш ҳатто жисмоний кучдан фойдаланишгача бориб қолди. Демак, навбатда шахснинг барча хусусий хислатлари ва имконлари намоён бўлади. Яъни, ким нимага қодирлиги билинади. Ана шунақа. Бизнинг халқ навбатда туриб тобланмоқда.

Бобомурод ДАМИНОВ

ҚАРСАКБОЗ

МАККА ЮКЛАНГАН АРАВА силос ўраси томон яқинлашмоқда. Қулоқчинини пешонасигача босиб кийиб олган аравакаш эса ўзича нималарнидир хиргойи қилиб борарди. Оғилдан аёл кишининг «Э, ордона қолгур, оёққинамни боплaдинг-а», деб нолиши эшитилади. Ферма одатдаги ҳаёти билан яшарди. Фақат ферма табелчиси Бўтақул негадир безовтароқ. Митти кўзлари гирд атрофда.

Ногоҳонда аллақандай шовур эшитилди. Бўтақул сергакланиб ферма йўлига боқди — ҳеч нарса кўринмади. Шовур эса тобора кучаймоқда эди. Ферма кўппаги Бўйноқ ётган жойидан эриниброқ «вув-в» деб тумшуғини кўтариб қўйди. Нимадир тарақлади. Кўп ўтмай ферма олдида сутга чайилгандай оппоқ «Волга», изидан раиснинг «Виллис»и келиб тўхтади.

Бўтақул пакана, хомсемиз гавдасини силкитиб, апил-тапил «Волга» сари пешвоз чиқди. Бошида сарғиш шляпа, эгнида эскироқ йўл-йўл яктак. Белини ола чилвир билан боғлаб олган, оёғида бесўнақай кирза этик.

«Волга» эшиги очилиб, салобатли киши кўринди. Қати бузилмаган қора шляпа пешона устига дўндираб қўйилган. Кофе рангли туфли эса ҳар одим ташлаганида ғирчиллаб зорланади. Қишловга тайёргарликнинг боришини текширишга келган вилоят комиссияси раиси Шербоев деганлари шу эди.

— Марҳамат, марҳамат, — табелчи қўллари кўкрагида таъзим қилди.

— Ҳормасинлар, — Шербоев виқор билан бош ирғаб қўйди.

— Саломат бўлсинлар, — Бўтақул яна икки букилиб таъзим қилди. «Виллис»дан тушган жамоа хўжалиги раиси Назаров эса бир четда туриб, сукут сақларди.

— Сут қалай? — Шербоев табелчига сўз қотди.

— Бўш келмаяпмиз, — ҳозиржавоблик билан деди Бўтақул, — Бизга сизнинг соғлигингиз керак, бахтимизга сиз омон бўлсангиз, хўкизлардан ҳам сут соғиб берамиз.

— Яша, тулпор! — Шербоев илиқ жилмайди. Табелчининг сўзларидан унинг чеҳраси бир зумда чарақлаб кетди.

«Ақлли бола кўринади. Тарбия қилса, бундан иш чиқади», деб ўйлади Шербоев табелчига зимдан боқаркан. Кейин:

— Ферма мудири ким? — деб сўради.

— Туғуруқхонага кетган, — деди табелчи.

— Аёлми мудирларинг? — Шербоев раисга қаради.

— Эркак, — деди раис — тўсатдан хотининг...

— Демак, — Шербоев қўл силтаб, Назаровнинг сўзини бўлди. — Бизнинг келишимизни билиб, туғишга кетибди-да!

— Ура! — Бўтақул чапак чалиб юборди. Жаланглаган кўзлари: «Воҳ, гапни роса боплaдингиз-да», деб турарди. Шербоев эса мийиғида жилмайиб қўйди.

Комиссия аъзолари фермани айланишди. Бошқа вақтлар тиззагача балчиқ, гўнгга ботиб ётадиган оғиллар бу гал ялаб қўйилгандай топ-тоза эди. Қорни тўқ сигирлар эса кавш қайтариб ётишарди.

Шербоев оғилларни айланаркан, «Нега бу сигирларинг букчайиб турибди?» ёки «Нима учун анави тарғил сигир чўммоқ?» каби саволлар бериб, ферма ҳаёти билан қизиққан бўлди. Изига қайтаётиб, тағин ола сигир устидан чиқди.

— Онаси ола, бузоғи қора... Мичурин биологиясининг нақ мўъжизаси! — Шербоев олдиқочди гапларни кўпиртириб айтадиган зотлар каби маъноли қош учирди. Керилиб турган важоҳати эса «Биологиядан ҳам анча-мунча хабаримиз бор» деб турарди. — Ҳа, бу табиатнинг нодир мўъжизаси. Бунинг сирини сенлар тушунмайсанлар. Тушуниш учун биология-ю психология, файласофиягача сувдай симириб юбориш керак. Қайта қуриш чорвадорлардан шуни талаб қилаяпти.

Соғин тугаса ҳам «катта камиссия»нинг ташрифи туфайли кетолмаган соғувчилар Шербоевнинг оғзига қараб жим туришар, аммо нималар деётганлигини пайқашмасди. Лекин, ҳар ҳолда бу башанг кийинган кишининг ақл бовар қилмайдиган аллақандай доно фикрлар айтаётганига ҳеч шубҳалари йўқ эди.

Алқисса Шербоев соғувчиларга «Хайр» деб бош ирғади-да, оғилдан чиқди. Машинага етгунча ҳеч ким билан гаплашмади. Эҳтимол ўз ўйлари билан банд бўлгандир. Машинага етиб орқасига ўгирилди, сўнг тўсатдан табелчининг елкасига қоқиб қўйди-да, «молодес», деди.

МАШИНАЛАР ФЕРМАГА ҚАНДАЙ КЕЛГАН БЎЛСА, яна шу тарзда изига қайтишди ва тўғри жамоа хўжалиги боғига бурилишди. Боғда колхознинг кичкинагина меҳмонхонаси бор эди. Комиссия аъзолари роса ювиниб, таранишиб, дастурхон атрофидан жой олишди. Нознеъматлар етарлик эди. Кечгача ўтиришди.

Шербоев қайта қуришнинг сиёсий аҳамияти ҳақида гапириб уни улуғ инқилоб деб таърифлади. Бироқ бу инқилоб унинг талқинида Октябрь инқилобига қарши аллақандай контринқилоб бўлиб чиқди. Нега контринқилоб — бу томонини изоҳлаб ўтирмади. Бирдан нолишга тушиб, ўз фикрларини баён қилаётган «жўжача»ларнинг кўпайиб кетаётганидан зорланди. «Жўжача»ларнинг фирқага тил тегизиши унга ёқмасди. Унинг фикрича, фирқа ҳар қандай танқиддан устун туриши керак экан.

Ҳамма уни аллақандай зориқиб, энтикиб тингларди. Биринкетин бўшатилиб улоқтирилган шишалар кунжакларда юмалаб ётарди.

«Ферма мудири ярамас киши бўлса керак. Дуруст одам бўлганида, келишимизни била туриб, давлат ишидан шахсий ишни устун қўйиб, туғуруқхонага кетармиди», — дея ўйлади Шербоев тамаки тутатаркан. Сўнг:

— Табелчингиз фаросатли бола кўринади, — деди раисга.

— Зийрак йигит, — қувватлади раис.

— Мудирликни уддалайдими?

— Уддалайди!

— Кўтаринг! — Шербоев кескин бош силкиди.

— Бўпти! — раис ҳозиржавоблик билан деди. — Эртагаёқ мудир қилиб тайинлайман.

— Шундай бўлсин, — Шербоев секин ўрнидан турди. Кўп ўтмай «Волга» район маркази сари шошилди.

...Тунда қаймоқланиб чиққан ер юзи секин эримоқда эди. Чорвадорларнинг район кенгаши кетарди. Минбарда Шербоев сўзларди.

— Қайта қуриш бизнинг жонимиз, тавонимиздаги қонимиз, — у нутқини шу сўзлар билан бошлади. — Юзаки ялтироқликларнинг умри аллақачон тугади. Энди раҳбарликни билганлар қилсин. Ҳаёт деб қўйибди буни. Уни менсимаганларнинг оёғи осмондан келади. Қуруқ гап эшакка юк, амалий раҳбарлик керак! Афсуски, ораларингизда сигирларнинг олтита эмчагини қачон массаж қилишни ҳам биздан сўрайдиган раҳбарлар бор.

Залда ғала-ғовур бошланди:

— Э-э, нималар деяпти?! — деди кимдир.

— Э-во, сигирларда нечта эмчак бўлишини ҳам билмайди-ку, бу акам! — ажабланди яна биров.

— Ура, ўртоқлар,—деб бақирди залда ўтирган Бўтақул.

— Қайта қуриш, — дея давом этди сўзида Шербоев, — жисм-жисмимизга сингиб кетган. Фермаларимизда шундай азаматлар борки, улар хўкизлардан ҳам сут олаяпти.

— Ура! — яна чинқирди Бўтақул.

Шербоев гапирарди-ю, меҳр учқунлаб турган кўзлари Бўтақулда эди. Бўтақул эса ҳадеб чапак чаларди. Йиғилишда уни қувватлаб чапак чалаётганлар ҳам бор эди.

Бу гал Бўтақулнинг кўринишлари ҳам бошқача — бошида сур телпак, оёғига хром этик кийиб олганди. Қадам босишлари ҳам ўзгарган. Чунки у энди ферма мудири эди-да.

«Дуруст бола. Бундан иш чиқади. Яқин сайловда уни депутатликка кўрсатиш керак!» деб ўйлади Шербоев Бўтақулга меҳр билан қараркан. Сўнг у нутқини тугатиб секингина залга разм солди.

БЎТАҚУЛ ЎРНИДАН ТУРИБ ОЛГАН, «Яшасин, ура-» деб қичқириб қарсак урар, бошқаларни ҳам чапакбозликка даъват этарди.

— Э, ўтиринг-э! Қора бузоқ деса ҳам чапак, ола бузоқ деса ҳам чапакми? — Аллаким энсаси қотиб этагидан тортди Бўтақулни.

— Э, кўрмаяпсизми, каттамизнинг ўзлари гапираяптилар-ку! — Бўтақулнинг кўзлари ғалати ярақлаб кетди.

— Э, ҳа-я... —қўшниси сеҳрли жилмайди. «Бунинг қарсаги ҳали кўп иш битирса керак», хаёлидан ўтди унинг. — Ўхшатмасдан учратмас деб шуни айтадилар-да...

Рассом И. ЗОИРОВ



Рассом Р. АҲМЕДОВ

БОШЛИҒИМИЗ ЧАПАҚАЙ ЭКАН

Кўчада сигир етаклаб кетаётган аёлни полициячи тўхтатиб деди:

— Наҳотки, бу йўлка фақат пиёдалар учун эканлигини билмасангиз?

— Биламан. Нима, сизнингча менинг сигирим велосипед миниб кетаяптими.

●

Гаагадаги магазинлардан бирида шундай ёзув бор: «Сиз бу ердан аёллар учун барча нарса харид қилишингиз мумкин. Фақат эрдан ташқари.»

●

— Биз эру-хотин жуда аҳилмиз.

— Буни қандай исботлайсиз.

— Яқинда учинчи марта ажралишни кечиктирдик.

●

Шер ва қуён ресторанга киришди.

— Менга сабзи ва карам олиб келинглар, — деди қуён.

— Шер жаноблари ҳеч нарса емайдими?

— У оч бўлганда бу ерга иккимиз бирга кирмаган бўлардик, — деб жавоб берди қуён.

●

Хуго ўрнидан туриб ойнадан ташқарига қаради ва хотинига деди:

— Бугун ажойиб кун бўладиганга ўхшайди.

— Буни сенга нима қизиғи бор? — сўради хотини

— Эсингда бўлса, менга, бир ажойиб кунда мени ташлаб кетиб қоласан, деган эдинг.

●

Она-бола қўшниникига чиқишди ва она ўғлига деди:

— Холангни ўпиб қўй.

— Ўпмайман.

— Нега?

— Чунки кеча дадам ўпганда юзига тарсаки туширди.

●

— Нега сенинг бармоғингга ип ўралган?

— Хатни ташлашни унутма деб хотиним ўраб қўйганди.

— Ташладингми?

— Йўқ. Хотиним хатни менга беришни унутибди.

●

Бошлиғимиз мени ўнг қўлим дегани учун фахрланиб юрардим. Кейин билсам у чапақай экан.

●

— Мен умримда бирор марта бўлмаган жойда бўлишни ва бирор марта қилмаган ишни қилишни истайман, — деди хотин эрига эркаланиб.

— Марҳамат, — деди эри.

— Ошхонага кирда, идиш-товоқни юв.

●

Кечаси хотин эрини уйғотди ва деди:

— Сезаяпсанми, кароват тагида сичқон ғимирлаяпти.

— Ғимирласа нима қилай? Миёвлашим керакми?

Б. БОБОЕРОВ тўплаган

ЖАҲОН КУЛАДИ



Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ

НОЁБ МОЛ

Қўлдан қўймай дурбинни,
Неча кун, неча тунни —
Бедор ўтказган олим
Сакраб тушди бир куни

Қичқирди у беҳад шод:
— Эврика! Эврика! Дод!
Ҳозиргина кашф этдим,
Марсда ҳаёт бор, ҳаёт!

Ҳа, чин олимлик сўзим,
Дурбинда кўрдим ўзим.
Ҳатто навбатни кўрдим
Дўкон олдида узун.
Дўстлар, Марсга эҳтимол,
Келтиришган ноёб мол.
Гап бундамас, у ерда
Энг муҳими, ҳаёт бор!

Бу хабар шу заҳоти
Учди ёйиб қанотин.
Ерлик борки, бутунлай
Йўқотди ҳаловатин.

Ҳар ерда ғимирлашиб,
Бир-бири-ла сирлашиб,
Ноёб молнинг ишқида
Қолдилар пичирлашиб.

Ҳар томон зир чопдилар,
Неки керак топдилар.
Сотиб бори-шудини,
Харажатни ёпдилар.

Иўғон ичак чўзилди,
Ингичкаси узилди.
Фазогирлар оқибат
Гадойлардан тузилди.

Марсни кўзлаб учдилар,
Роса тезлаб учдилар.
Ноёб молнинг ишқида
Фазоларни қучдилар.
...Охир ўша дўконнинг
Қаршисига тушдилар.

Марсликларни оралай,
Ҳол сўрашга ярамай,
Ташланишди дўпирлаб
Навбатга ҳам қарамай.

Кўриб Марснинг молини,
Титроқ тутди барини.
Сотишарди келтириб
Унда ...Ернинг қорини.

МЕҲР КУЧИ

Меҳри тушиб қолди
бузоққа,
Шу-шу тушиб қолди
тузоққа.

Етаклайди сигир икковин
Ўтлатгани узоқ-узоққа.

Ҳар кун она уқтирар
такрор:
— Кўп бўшашма, ҳушёр
бўл, ҳушёр.
Бузоқ эмиб қўйса, кўрасан,
Сутдан бошқа уйда
не ҳам бор?
— Хўп, — дейдию
чимириб қошин,
Гуноҳкордай эгади бошин.
Панароққа ўтгач бузоқча
Тугатади сабру бардошин.

Жониворнинг онаси томон
Талпинганин кўргани
ҳамон,
Меҳри ийиб қўлидан аста
Сирғалади вазнсиз арқон.

Қайдан меҳри тушди
бузоққа,
Шу-шу ипсиз тушди
тузоққа.

Етаклайди сигирларини
Ҳар кун атай
узоқ-узоққа.

ОЛАМОШИМ

Токчадаги қаймоқдан
Кўтармай сира бошин,
Ичаяпти қарасам,
Уялмай Оламошим.

Аввалига «пишт» деб бир
Қувмоқ бўлдиму бироқ,
Раҳмим келиб негадир
Тикилиб қолдим узоқ.

Қулоқларин чимириб,
Ичар эди бир майин.
Бепарволигим сабаб
Қорни очгани тайин.

Оёқ учида аста
Чиқиб кетдим ҳовлига.
Бир гал қаймоқ емасам,
Емабман-да, майлига.

ЭЪЛОН

«ЮНИТЕХ АЗИЯ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ МАРКАЗИ СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ МУТАХАССИСЛАРИНИ

Бошқарув, ҳисоблаш техникаси, информатика, автоматлаштириш, математикавий ва иқтисодий кибернетика соҳалари бўйича ўқитиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва фан номзоди унвонини олиш мақсадида диссертацияларни ёқлашга тайёрлаш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Юнитех Азия» халқаро илмий маркази ҳўжалик ҳисоби асосида қуйидагиларни таъминлайди:

— Имтиҳонларга тайёрлаш (кириш ва номзодлик минимумлари) бўйича;

— республика ва мамлакатнинг етакчи мутахассислари орасидан илмий раҳбарлик қилиниши;

— IBM PY хусусий ЭҲМлар негизида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун асбобларга онд восталар;

— услубий ва маслаҳат ёрдами;

— тадқиқотлар мавзунга тегишли илмий-техника адабиётини сотиб олиш;

— республика ва Бутуниттифоқ тўпламларида илмий ишларни чоп этиш;

— конференциялар, семинарлар ва симпозиумларда қатнашиш;

— ҳимояга тайёргарлик кўриш (ҳужжатлар, диссертация, автореферат ва ҳоказоларни расмийлаштириш);

Эҳтиёжи бўлганларга меҳмонхонадан алоҳида ёки ётоқхонадан хона ажратилади.

Манзилимиз: 700125, Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 26-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 62-89-65.

Транспорт: метронинг «М. Горький» бекатидан: 17, 71, 83, 96-автобуслар; 9, 17, 18-троллейбуслар; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

●

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинградкўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-33-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат —32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Беҳзод НОРБОЕВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 20.30

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64592. Буюртма 5579. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12